



**Ногиронлиги бўлган
шахслар сиёсий
жараёнларда иштирок
этишига кўмаклашиш
бўйича кўрсатмалар**

EXXIT

Европада Хавфсизлик
ва Ҳамкорлик Ташкилоти
Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори

Ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий жараёнларда иштирок этишига кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар



Европада Хавфсизлик
ва Ҳамкорлик Ташкилоти
Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори

Ушбу қўлланма Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик
Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори
томонидан таржима қилинган. Китобнинг асл нусхаси ЕХХТнинг
Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси
(ДИИҲБ) томонидан нашр этилган
Польша, Варшава шаҳри 00-251, Миодова кўчаси, 10-уй
www.osce.org/odihr

© ЕХХТ/ДИИҲБ 2019

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Таълим ва бошқа нотижорат
мақсадларда ушбу нашрдан эркин фойдаланиш ва нусха
кўчириш мумкин. Бунда манба сифатида Европада Хавфсизлик
ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари
координатори ва ЕХХТ/ ДИИҲБ кўрсатилиши лозим.

ISBN 978-83-66089-63-1

Ушбу қўлланма дастлаб ЕХХТнинг Демократик институтлар ва
инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси томонидан ногиронларнинг
сайловларда иштирокини кузатиш ва тарғиб қилиш бўйича
қўлланма сифатида инглиз тилида 2017-йилда нашр этилган.
Китобнинг Ўзбек тилидаги нусхаси - ЕХХТнинг Ўзбекистондаги
loyiҳalар координатори томонидан тайёрланган норасмий
таржимаси. Ундаги фикрлар ва маълумотлар Европада
Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги
loyiҳalari координаторининг қарашларини акс эттириши шарт
эмас.

Муқова ва ички саҳифалар “Homework” компанияси томонидан
безалган

Фотосуратлар:

24-бет, Финляндия парламенти, рухсат олган ҳолда фойданилган
46-бет, ЕХХТ / Неманья Кнежевич

76-бет, ЕХХТ / Микки Кроэлл

100-бет, ЕХХТ / Мария Кучма

Польшада Mdruk компанияси томонидан чоп этилган

Мундарижа

Кисқартмалар.....	5
Муқаддима	7
Миннатдорчилик	10
I. Кўрсатмалар ҳақида.....	12
II. Кириш	17
Ногиронликни таърифлаш.....	22
Ногиронликка нисбатан қараашларни тушуниш.....	24
Бўлимда ёритилган асосий масалалар	26
III. Ногиронлиги бўлган шахслар ва сиёсий жараёнлар	27
Халқаро ҳуқуқий ва сиёсий асослар.....	29
Сиёсий жараёнларда тенг асосда иштирок этиш йўлидаги тўсиқлар	38
Инклузив сиёсий институт ва жараёнларни яратиш	47
Бўлимда ёритилган асосий масалалар	50
IV. Сиёсий партиялар	51
Шароит қулайлигини баҳолаш.....	55
Ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш сиёсати.....	56
Бюджетлар	58
Сиёсий партияга аъзолик ва номзодлар	62
Жамоатчилик билан алоқалар ва ташвиқот материаллари.....	72
Сайловчилар билан ишлаш	76
Сайлов кампанияси ходимлари ва кўнгиллилар	83
Ногиронлар учун қулай шароитлар яратилганини текшириш.....	86
Бўлимда ёритилган асосий масалалар	87

V. Парламентлар	89
Шароитлар қулайлигини баҳолаш.....	91
Қонунлар ва сиёсий қарорларни ишлаб чиқиши.....	92
Жамоатчилик билан ишлаш.....	101
Ходимлар ва маъмурӣ тартиблар	105
Бюджетлар	116
Бўйимда ёритилган асосий масалалар	117
VI. Хулоса	119
Ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзивлигини таъминлаш бўйича сиёсий партиялар учун мўлжалланган назорат саволлар рўйхати.....	123
Ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзивлигини таъминлаш бўйича парламентлар учун мўлжалланган назорат саволлар рўйхати.....	132
Луғат	143
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	150

Қисқартмалар

НШХК	Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция
НТ	Ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари
НМЕФ	Ногиронлик масалалари бўйича Европа форуми
СО	Сайлов органлари
ЕИАҲА	Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича агентлиги
СТХЖ	Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси
ХСТ	Халқаро стандартлаштириш ташкилоти
ПА	Парламент аъзоси
МДИ	Миллий демократик институт
ДИИҲБ	Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро
ЕХҲТ	Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти
БРМ	Барқарор ривожланиш мақсади
БТМ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ИМФҚТК	Интернет материалларидан фойдаланиш қулагилигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар

Муқаддима

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда, таҳминан, бир миллиард нафар одамда ногиронликнинг у ёки бу қўриниши мавжуд. Шу билан бирга ЕХХТ минтақасидаги демократик тизимлар, парламентлар ва сиёсий партияларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг вакиллик даражаси ҳали-ҳануз етарли әмас.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ҳаётга жалб қилинишига бир қатор жиддий тўсиқлар салбий таъсир ўтказмоқда. Улар орасида, жумладан, парламентлар фаолиятида иштирок этиш ва сиёсий масалалар бўйича маълумот олиш имкониятининг йўқлиги, ногиронларнинг етарли даражада қўллаб-қувватланмаслиги, ҳуқуқий лаёқатлиликдан маҳрум этишга йўл қўядиган миллий қонунчилик ҳамда ногиронлар, уларнинг сиёсий жараёнлар ва қарорлар қабул қилиш жараёнига қўшиши мумкин бўлган ҳиссаси тўғрисидаги стереотипларни келтириб ўтиш мумкин. Буларнинг бари ногиронлиги бўлган шахслар янада эътибордан четда қолиши ва яккаланишига олиб келади. Ногиронлиги бўлган аёллар учун бу - сақланиб қолаётган тенгсизлик ҳамда гендер ва ногиронлик асосидаги дискриминация натижасида қўшимча муаммоларга дуч келишни англаатади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги иштироки мавжуд стереотиплар, хурофт ва яккалашга қарши курашда жуда муҳим аҳамиятга эга. Муайян гуруҳларнинг қарор қабул қилиш жараёнларидан четда қолиши янада тарқоқ ва потенциал жиҳатдан нотинч жамиятларнинг шаклланишига олиб келиш баробарида, яккаланганд гуруҳнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги имкониятларини сезиларли даражада пасайтиради.

Шу маънода ногиронлиги бўлган шахслар ўз жамиятининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш уларнинг ҳуқуқлари янада самаралироқ ҳимоя қилиниши ҳамда бутун жамият аъзоларининг эҳтиёжларини яхшироқ акс эттирган ҳолда ногиронлик масалалари инобатга олинган ҳуқуқий ва сиёсий асосларнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

Сиёсий жараёнларда тенг иштирок этиш ҳуқуқи ЕХХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларида муҳим ўрин тутади. ЕХХТнинг 1990 йилги Копенгаген ҳужжатида “фуқароларнинг якка тартибда, сиёсий партиялар ёки ташкилотлар вакиллари сифатида сиёсий ёки давлат лавозимларига дискриминациясиз номзод бўлиш ҳуқуқи” эътироф этилган. 1991 йилги Москва ҳужжатида иштирокчи Давлатлар “ногиронлиги бўлган шахслар ўз жамиятлари ҳаётида тўлиқ иштирок этиши учун тенг имкониятларни таъминлаш ва улар ногиронларга алоқадор бўлган масалалар юзасидан қарор қабул қилиш жараёнида тегишли даражада иштирок этишига кўмаклашиш бўйича чора кўришга” келишиб олди. Ушбу мажбуриятлар, шунингдек, БМТнинг Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси (НШҲК) доирасида қабул қилинган ёндашувни ҳам акс эттиради. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартнома сифатида ЕХХТга аъзо давлатларнинг аксарияти мазкур Конвенцияни имзолаган ёки ратификация қилган.

Мазкур мажбуриятларнинг ЕХХТнинг барча иштирокчи давлатлари томонидан бажарилишини таъминлаш учун бир қатор муаммолар ҳал этилиши лозим, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи тўғрисидаги хабардорлигини ошириш, самарали иштирок учун зарур бўлган шарт-шароитлар, қулай муҳит, ахборот ва инфратузилма билан таъминлаш ҳамда мавжуд стереотип ва хурофтларга барҳам берилиши лозим.

Мазкур кўрсатмаларнинг мақсади иштирокчи Давлатларга ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда бошқалар билан тенг, тўлиқ ва самарали иштирок этишини таъминлашда ёрдам беришдан иборат. Кўрсатмаларда ногиронлиги бўлган шахслар дуч келадиган муаммолар тавсифланиб, парламентлар, сиёсий партия ва фуқаролик жамияти ташкилотлари турли даражадаги ногиронлиги бўлган шахсларни янада кенгроқ қамраб олиш ва уларга зарур бўлган қулай шароитларни таъминлаш учун демократик институтлар ҳамда қарор қабул қилиш жараёнлари доирасида қандай чоралар кўрилиши лозимлиги бўйича кўрсатма ва аниқ тавсиялар берилади.

Кўрсатмаларда ногиронлик доимий равишда ўзгариб борадиган тушунча экани боис ногиронлик сифатида таснифланадиган ҳолатларга нисбатан чекловлар қўйилмаслиги эътироф этилади. Кўрсатмаларда ногиронликнинг НШҲҚда берилган маъноси қабул қилинган бўлиб, унинг марказида инсон ҳуқуқлари ғоясига асосланган ёндашув ётади.

Умид қиласизки, мазкур Кўрсатмалар фойдаланувчиларнинг кенг доираси, шу жумладан, парламентлар, сиёсий партиялар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳамда ногиронларнинг манфаатларини акс эттирувчи ташкилотлар учун фойдали манба бўлиб хизмат қиласи. Фурсатдан фойдаланиб, мазкур Кўрсатмаларни ишлаб чиқишида ўз билим ва малакаси, таклифлари ва шахсий тажрибаси билан ҳисса қўшган барча ташкилот ва мутахассисларга ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Ингибъорг Сольрун Гисладоттир
ДИИХБ директори

Миннатдорлик

ДИИХБ ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини таъминлаш масалалари бўйича ўз эксперталар гуруҳининг қуидаги аъзоларига “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-куватлаш бўйича сиёсий партиялар ва парламентлар учун мўлжалланган Кўрсатмалар”ни тайёрлаш давомида ажратган вақти ва кўмаги учун миннатдорлик билдиради:

Вирджиния Аткинсон, Сайллов тизимлари халқаро жамғармаси (Америка Қўшма Штатлари);

Дастан Бекешев, парламент аъзоси (Қирғизистон);

Патрик Кларк, Европа ногиронлик масалалари форуми (Ирландия);

Ярослав Грибальский, Украина ногиронлиги бўлган шахслар миллий ассамблеяси (Украина);

Ляззат Калтаева, Марказий Осиё ногиронлик масалалари форуми (Қозоғистон);

Максим Ларионов, Бутунrossия карлар жамияти (Россия),

Люпка Михайловска, парламент аъзоси (Сербия);

Шафак Павей, собиқ парламент аъзоси (Туркия);

Невена Пенева, Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича агентлиги;

Хельга Стивенс, Европа парламенти аъзоси (Бельгия);

Марта Стикингс, Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича агентлиги;

Дамжан Татич, БМТнинг Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (Сербия);

Аму Урхонен, “Threshold Association” ногиронлиги бўлган шахсларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти - (Финляндия); ва

Асадулло Зикрихудоев, Тожикистон ногиронлиги бўлган шахслар миллий иттифоқи.

ДИИХБ, шунингдек, мазкур Кўрсатмаларни тайёрлашга вақт ажратиб, ўз қарашлари билан ҳисса қўшган қуйидаги мутахассисларга миннатдорлик изҳор этади: Кармен Жорж, E-Romja ассоциацияси (Руминия); Эшли Грачик, Эдинбург кенгаши (Шотландия); ва Итан Янг, “Inclusion Scotland” Ногиронлиги бўлган шахслар миллий ташкилоти (Шотландия). Анаис Кинон Кўрсатмаларнинг асосий лойиҳаларини тайёрлади.

Кўрсатмалар Финляндия, Италия ва АҚШ молиявий кўмагида тайёрланди.

Күрсатмалар ҳақида

Халқаро мажбуриятларда белгиланган стандартларга асосланган мазкур “Ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий жараёнларда иштирок этишига кўмаклашиш бўйича Кўрсатмалар” ЕХХТ иштирокчи давлатлари демократик институтлар, хусусан сиёсий партиялар ва парламентларнинг ногиронлиги бўлган шахсларни сиёсий жараёнларга жалб қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини оширишда фойдаланиши мумкин бўлган амалий манба ҳисобланади.

Мазкур Кўрсатмаларда келтирилган илфор тажрибалар ДИИҲБ томонидан “Иштирок этиш - ҳуқуқимиз - ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига кўмаклашиш” лойиҳаси доирасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган эксперт йиғилиш ва конференциялари, шу жумладан Хельсинки¹ (2016 йил), Варшава², Скопье³, Брюссель⁴, Бишкек⁵ (2017 йил)

-
- 1 “Иштирок этиш - ҳуқуқимиз - ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига кўмаклашиш” мавзуидаги эксперталар семинари, 2016 йил 31 октябр, Хельсинки, тадбир тўғрисидаги хабарни қўйидаги манзил бўйича топишингиз мумкин: <<https://www.osce.org/odihr/278306>>.
 - 2 “Иштирок этиш - ҳуқуқимиз - ногиронлиги бўлган ёшлар орасидаги сиёсий фаолликни ошириш” мавзуидаги мунозаралар, 2017 йил 9 февраль, тадбир тўғрисидаги хабарни қўйидаги манзил бўйича топишингиз мумкин: <<https://www.osce.org/odihr/298901>>.
 - 3 Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштироки масалаларига бағишланган эксперталар йиллик йиғилиши, 2017 йил 22 июнь, Скопье, тадбир тўғрисидаги хабарни қўйидаги манзил бўйича топишингиз мумкин: <<https://www.osce.org/odihr/324771>>.
 - 4 “Сиёсий партиялар ва уларнинг фаолиятида ногиронлиги бўлган шахсларнинг иштироки” мавзуидаги йиғилиш, 2017 йил 8 ноябрь, Брюссель. тадбир тўғрисидаги хабарни қўйидаги манзил бўйича топишингиз мумкин: <<https://www.osce.org/odihr/355416>>.
 - 5 “Қарор қабул қилиш жараёнларида иштирок тенглигини таъминлаш” мавзуидаги форум, 2017 йил 12 декабрь, Бишкек, тадбир тўғрисидаги хабарни қўйидаги манзил бўйича топишингиз мумкин: <<https://www.osce.org/odihr/362301>>.

ҳамда Вена⁶, Душанбе⁷ ва Белграддаги⁸ (2018 йил) тадбирлар давомида тақдим этилган эксперт маслаҳат ва тавсиялари асосида тўпланган.

Мазкур Кўрсатмалар сиёсий партия ва парламентлар, шу жумладан партиялар аъзолари ҳамда раҳбарлари, сайлов кампанияси ходимлари, парламент раҳбарлари ҳамда маъмурий ходимлар фойдаланиши учун мўлжалланган. Мазкур қўлланмадан фойдаланиш бошқа фойдаланувчилар, жумладан, сиёсатшунослар ҳамда ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар каби шерикларга ҳам фойда келтириши мумкин.

-
- 6 “Ногиронлиги бўлган аёлларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига кўмаклашиш” мавзуидаги конференция, 2018 йил 16-17 апрель, Вена, тадбир тўғрисидаги хабарни қуидаги манзил бўйича топишингиз мумкин: <https://www.osce.org/odihr/377986>.
 - 7 Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштироки масалаларига бағишланган экспертлар йиллик йиғилиши, 2018 йил 27 июнь, Душанбе, тадбир тўғрисидаги хабарни қуидаги манзил бўйича топишингиз мумкин: <<https://www.osce.org/odihr/385995>>.
 - 8 “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнлар ва сайловлардаги иштироки” мавзуидаги конференция, 2018 йил 16-17 октябрь, Белград, тадбир тўғрисидаги хабарни қуидаги манзил бўйича топишингиз мумкин: <<https://www.osce.org/odihr/400004>>.

Кўрсатмаларни ўқиш

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари мавзуси билан яхши таниш бўлмаган ўқувчилар учун “**Кириш**” ва “**Ногиронлиги бўлган шахслар**” бўлимларидағи маълумотлар фойдали бўлади. Мазкур бўлимларда ногиронлик таърифи, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини тартибга солувчи асосий халқаро стандарт ва битимлар рўйхати ҳамда сиёсий жараёнларда иштирок этиш йўлидаги тўсиқлар кўрсатиб ўтилган.

“**Сиёсий партиялар**”, деб номланган учинчи бўлим сиёсий партияларнинг ногиронлиги бўлган сайловчилар, номзод ва сайлов кампанияси ходимларини қўллаб-қувватлашдаги ролига бағишиланган. “Парламентлар” сарлавҳаси остидаги тўртинчи бўлимда манфаатдор давлат муассасалари билан ҳамкорлик қилиш борасидаги илғор тажрибалар ҳамда маъмурий жараёнлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг қамраб олиниши нуқтаи назаридан муҳокама қилинади.

Шунингдек, нашрга ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзивлигини таъминлаш масаласига бағишиланган иккита рўйхат илова қилиниб, улардан бири сиёсий партиялар, иккинчиси эса парламентлар учун мўлжалланган. Рўйхатлар сиёсий партия ва парламентлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг кенгроқ қамраб олиниши ҳамда уларнинг иштирокини кенгайтириш жараёнидаги потенциал фаолият йўналишларини аниқлашда фойдаланиши мумкин бўлган воситалардир.

Мазкур Кўрсатмаларга ҳар томонлама тўлиқ маълумот манбаи эмас, балки керакли амалиёт ва воситалар бўйича таклифлар сифатида қараш лозим бўлиб, улар қўйида келтирилган бошқа манбалар билан биргаликда фойдаланиш учун мўлжалланган.

ДИИХБнинг қўшимча нашрлари

- “Ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш”⁹ (2017 йил)
- “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловлардаги иштирокини кузатиш ва кўмаклашиш бўйича қўлланма”¹⁰ (2017 йил)
- “Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солиш бўйича кўрсатмалар”¹¹ (2011 йил)

9 ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ), “Ногиронлиги бўлган шасхлар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш” (Варшава, 2017 йил сентябрь), <<https://www.osce.org/odihr/340246>>.

10 ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ), Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловлардаги иштирокини кузатиш ва кўмаклашиш бўйича қўлланма” (Варшава, 2017 йил сентябрь), <<https://www.osce.org/odihr/elections/339571>>.

11 ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ), “Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солиш бўйича кўрсатмалар” (Варшава, 2011 йил май), <<https://www.osce.org/odihr/77812>>.

Kupiš

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, дунё аҳолисининг 15 фоизи, яъни бир миллиард нафардан кўпроқ эркак, аёл ва болаларда ногиронлик мавжуд¹². Ногиронлиги бўлган шахслар барча диний, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий гуруҳлар таркибида учрайди. Одамлар ногиронлик билан туғилиши ёки ҳаёти давомидаги баҳтсиз ҳодиса, генетик омиллар, ёш ўтиши ёки қуролли тўқнашувлар натижасида орттириб олиши мумкин. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳам жамиятнинг бир қисми бўлиб, уларнинг ота-она, талаба, тадбиркор, спортчи, рассом, ўқитувчи, сиёсатчи ва ҳоказолар сифатидаги фаолияти ва фазилатлари жамиятни ўзига хос тарзда бойитиб туради.

Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахслар бутун дунё бўйлаб жамиятнинг энг яккаланган ва эътибордан четда қолган қатлами ҳамдир. Йиллар давомида жамиятда ногиронликка нисбатан қўрқув ва ачиниш ҳисси билан қараш баробарида уни даволаш лозим, деб ҳисобланган. Ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги турли уйдирма ва тамғалар бор бўлиб, жумладан, улар жамиятга ҳеч қандай наф келтирмайди, деган қарашлар кенг тарқалган. Натижада, ногиронлиги бўлган шахслар ўзининг асосий ҳуқуқлари, шу жумладан, сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланиш йўлида жиддий тўсиқларга дуч келади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун сиёсий жараёнларда сайловчи, номзод, сайлов кампанияси ходими, кузатувчи, сиёсий номзод ёки сайланган раҳбар сифатида тенг иштирок этиш ҳуқуқи жуда муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий жараёнларда партиялар ва парламентлар орқали иштирок этиш - ногиронлиги бўлган эркак ва аёлларга улар учун муҳим бўлган масалалар юзасидан ўз фикрини изҳор этиш

12 “Ногиронлик тўғрисидаги жаҳон ҳисботи”, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (2011 йил), <http://www.who.int/disabilities/world_report/2011/report/en/>.

ва раҳбарлик лавозимларини эгаллаш имкониятларини яратади. Ўз навбатида, бундай иштирок сиёсий институтларга мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда барча фуқароларни қамраб оладиган, инклюзив, очиқ ва том маънодаги вакиллик органига айланиш учун идеал имкониятни тақдим этади.

Билиш лозим бўлган атамалар

- **Қулай:** Тизим, маҳсулот, хизмат ёки муҳитнинг ногиронлиги бўлган шахс фойдаланиши ёки иштирок этиши учун қулайлиги.
- **Ногиронлар ташкилоти (НТ):** Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзи раҳбарлик қиладиган ташкилот.
- **Инклюзивлик:** Ногиронлиги бўлган шахслар ҳаётнинг барча жабҳаларида бошқалар билан тенг имкониятларга эга бўлиши ҳамда уларнинг ҳуқуқ манфаатлари бошқалар билан тенг ифодаланиши ва ҳимоя қилиниши.
- **Ногиронлар учун мослаштирилган шароитлар:** Ногиронлиги бўлган шахсга инсон ҳуқуқлари ёки асосий эркинликлардан фойдаланиш ва уларни амалга ошириш бўйича тенг имкониятларни таъминлайдиган мослаштирилган воситалар ёки кўмак. Мослаштириш ёки кўмак оқилона даражада бўлиши ва хизмат кўрсатувчининг зиммасига ортиқча юқ солмаслиги лозим. Бунга мослашувчан иш соатлари, матнни нутқа айлантириб берадиган компьютер дастури, хизмат ити ёки сурдо-таржимон кабилар мисол бўла олади.

- **Қарор қабул қилиш жараёнидаги күмак:** Ногиронлиги бўлган шахс ўз ҳаётига алоқадор бўлган қарорларни қабул қилиш жараёнида ўзи танлаган ва ишонган одамларнинг кўмагидан фойдаланиши. Мазкур усул инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувга зид бўлган ногироннинг ўрнига қарор қабул қилиш, яъни ногиронлиги бўлган шахс ўрнига унинг қонуний вакили томонидан қарор қабул қилинишидан фарқ қиласди.
- **Универсаллик:** маҳсулотлар, хизматлар, муҳит ва шароитларнинг барча учун ёши, ногиронлиги ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар мослиги.

Шароитлар қайси ҳолатда “ортиқча юкка” айланиши мумкин?

Шароит яратиш түғрисидаги мурожаат ортиқча юк, деб топилиши учун қуийда келтирилган түртта шартдан камида биттаси бор бўлиши лозим бўлиб, қуийдаги ҳолларда ташкилот шароит яратиш мажбуриятига эга бўлмайди:

1. Мурожаат ташкилот зиммасига имконсиз даражадаги молиявий юк солса;
2. Агар сўралган шароитни яратиш натижасида ташкилот фаолияти издан чиқса (шароит яратилган тақдирда, ташкилот ўз фаолиятини амалга ошира олмай қолса);
3. Агар шароит яратилиши натижасида мурожаат қилаётган шахснинг соғлиғи ва хавфсизлигига нисбатан таҳдид туғилса; ёки
4. Агар шароит яратилиши натижасида бошқа одамларнинг соғлиғи ва хавфсизлигига нисбатан таҳдид туғилса.

Шу билан бирга, шароитлар яратиш түғрисидаги мурожаат ортиқча юкни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларда, ташкилотлар, шу жумладан сиёсий партиялар ва парламентлар қулай шарт-шароитларни таъминлашнинг бошқа имкониятларини ўрганиши лозим.

Ногиронликни таърифлаш

Ногиронликнинг энг кенг тарқалган таърифи БМТнинг Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг (НШҲК) 1-моддасида келтирилган бўлиб, унга кўра, ногиронлиги бўлган шахслар қаторига “сурункали жисмоний, ақлий, интеллектуал ёки сенсорик нуқсони бўлган инсонлар кириб, турли тўсиқларнинг ўзаро таъсири уларга жамият ҳаётида бошқалар билан teng, тўлиқ ва самарали иштирок этиш имконини бермайди”¹³. НШҲК да келтирилган таърифда ногиронликни белгиловчи иккита муҳим шарт айтиб ўтилган:

- Биринчидан, “ногиронлик” сурункали жисмоний, ақлий, интеллектуал ёки сенсорик нуқсони бўлган шахсларни ўз ичига олади;
- Иккинчидан, мазкур нуқсон шахснинг жамият ҳаётида тўлиқ ва teng тарзда иштирок этишига тўсқинлик қиласиган тўсиқлар (масалан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ёки экологик) билан биргаликда қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Шу ўринда иккинчи жиҳатни тушуниш жуда муҳим аҳамиятга эга, негаки ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқларни олиб ташлаш бугунги кунда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг марказий тамойили ҳисобланади.

13 Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, 1-мода, 2006 йил 13 декабрь. <<https://www.un.org/development/desa/disabilities/convention-on-the-rights-of-persons-with-disabilities.html>>.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, НШҲКда ногиронлик сифатида таснифланадиган ҳолатларга нисбатан чеклов қўйилмайди, негаки, ҳужжатда ногиронлик мунтазам ўзгариб борадиган тушунча сифатида эътироф этилади. Шу боис гарчи муайян ногиронлик турлари, масалан, қандли диабет, тутқаноқ ёки ОИВ кабилар НШҲК да кўрсатилган ногиронлик турлари орасида бўлмаса-да, НШҲК нинг таърифи доирасига кириши ва унинг муҳофазаси остида бўлиши мумкин.

Мисоллар

Жисмоний ногиронлик – ҳаракатчанлик ёки жисмоний ҳаракатланиш имкониятларига таъсир қиласидиган ҳар қандай ҳолат. Баъзан жисмоний ногиронлиги бўлган шахслар ногиронлар аравачаси, қўлтиқтаёқ ёки ногиронлар учун мўлжалланган электр скутер каби ҳаракатланишни енгиллаштирадиган мосламалардан фойдаланади.

Сенсорик ногиронлик - инсоннинг ҳис қилиш, хусусан эшитиш ёки кўриш қобилиятига таъсир қиласидиган ҳар қандай ҳолат. Бундай инсонлар сирасига кўзи ожиз, кўриш қобилияти суст (қисман кўрадиган), ранг ажратадиган, эшитиш қобилияти паст ёки кўр-кар шахслар киради.

Ижтимоий-руҳий ногиронлик - руҳий ёки ҳиссий саломатликка таъсир қиласидиган ҳар қандай ҳолат. Бунга, масалан, хавотир, тушкунлик, агографобия (жамоат жойларидан қўрқиш), маниакал-депрессив психоз, шизофрения ёки шикастланишдан кейинги стресс касаллиги кабилар киради.

Интеллектуал ногиронлик – ўрганиш ва билим олиш билан боғлиқ қийинчиликларни келтириб чиқарадиган ҳолатлар. Агар шахснинг ўрганиш ва мослашувчанлик кўникмаларини ривожлантириш қобилияти ўртачадан паст даражада бўлса ва

бу ҳолат болалик ёки ўсмирлик пайтидан буён мавжуд бўлса, унда **интеллектуал ногиронлик бор**, деб ҳисобланади. Бунга Даун синдроми, ҳомиланинг алкоголли синдроми ёки (баъзи ҳолларда) аутизм мисол бўлади.

Ногиронлик ҳолатлари, шунингдек, дислексия, бўй ўсмай қолиши, қандли диабет, мия шикастланиши, ОИВ ёки ОИТС ва бошқаларни қамраб олади.

Эслатма

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ишлатиладиган тил ўзига хос бўлиб, мунтазам ривожланиб, ўзгариб бормоқда. Шунингдек, бир тилдан иккинчи тилга қилинган таржималарда маҳаллий ногиронлар ҳамжамияти томонидан ишлатиладиган атамаларнинг маъноси тўлиқ акс этмаслиги мумкин. Ҳужжатларда тўғри маънодаги атамалар ишлатилишини таъминлаш учун ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган маҳаллий ташкилот билан маслаҳатлашинг.

Ногиронликка нисбатан қарашларни тушуниш

Тарих давомида ногиронликка нисбатан турли хил қарашлар мавжуд бўлган. Ногиронлиги бўлган шахсларга дахлдор бўлган кўплаб тушунчалар (“моделлар”) мавжуд бўлишига қарамай, олимлар уларнинг тўрттасини алоҳида ажратиб кўрсатади:

- **Саховатпешалик модели** – ногиронлиги бўлган шахслар азоб-уқубатда ёрдамга муҳтож тарзда ҳаёт кечириб, бизнинг меҳр-шафқат ва саховатпешалигимизга зор эканига асосланган қараш;
- **Тиббиёт модели** – ногиронлик билан фақатгина шифокорлар шуғулланиб, бундаги мақсад - инсон имкон қадар “нормал” бўлиб кўриниши учун ногиронликни камайтириш ёки даволашдан иборат бўлишига асосланган қараш.
- **Ижтимоий модель** – ногиронлик ноқулай муҳит ёки жамият билан ўзаро муносабатга киришиш натижаси эканига асосланган қараш. Масалан, агар бир одам сурдо-таржимон йўқлиги сабабли тақдимотни тушуниш имкониятига эга бўлмаса, “ногиронлик” шахснинг карлигига эмас, балки керакли таржимоннинг йўқлигига намоён бўлади; ва
- **Инсон ҳуқуқлари модели** – ногиронлиги бўлган шахслар бошқалар билан тенг, бошқалар билан бир хил инсон ҳуқуқларига эга экани ва давлатлар бу каби ҳуқуқларни ҳимоя қилиши кераклигига асосланган қараш.

Ногиронлиги бўлган шахслар, одатда, уларнинг жамиятга тўлиқ интеграцияси ва қабул қилинишига урғу бериладиган Ижтимоий модель ва Инсон ҳуқуқлари моделига асосланган қарашларни афзал кўради. Бинобарин, 2006 йилда НШҲКнинг қабул қилиниши мазкур масалага нисбатан бўлган қарашлар тиббий моделдан ижтимоий ва инсон ҳуқуқлари моделлари томон силжиганини намоён этди. НШҲКга мувофиқ, мазкур Кўрсатмалар ҳам ижтимоий ва инсон ҳуқуқлари моделларига асосланади.

Бўлимда ёритилган асосий масалалар

- Дунёда бир миллиарддан зиёд инсонда ногиронлик мавжуд.
- БМТнинг Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясида (НШҲК) ногиронлик - жисмоний, ақлий, интеллектуал ёки сенсорик имкониятлари узоқ вақт давомида чекланиб, жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиш йўлида тўсиқларга дуч келадиган шахслар, дея таърифланади.
- Бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларда ногиронлиги бўлган шахслар бошқалар билан тенг ҳуқуқларга эга экани ва уларни таъминлашдаги тўсиқлар фаол олиб ташланиши лозимлигига урғу берилади.



Ногиронлиги бүлгэний шахслар өвлийн жараёнын төслийн жараёнлар

Сүнгги йилларда жамоатчиликнинг ногиронлик - сиёсий жараёнлар тенг ва инклюзив тарзда ўтказилишидан далолат берувчи муҳим жиҳат экани тўғрисидаги хабардорлиги ўсиб бормоқда. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқи бир қатор халқаро, минтақавий ва миллий даражадаги ҳужжатларда белгиланган ва улар билан ҳимоя қилинади. Шундай бўлса-да, ногиронлиги бўлган шахслар ҳали ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётда, жумладан, сайлов органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, сиёсий партиялар ва парламентлар каби муассасаларнинг раҳбарлари, номзод ёки аъзолари даражасида етарли даражада ифодаланмаган.

Мазкур бўлимда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини қўуллаб-қувватлайдиган айрим муҳим халқаро битим ва мажбуриятлар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар ўзининг бу ҳуқуқини амалга ошириш учун енгиб ўтиши керак бўлган айрим тўсиқлар кўриб чиқилади.

Халқаро ҳуқуқиЙ ۋا سىءىي ئاسىلار

ЕХХТ доирасидаги ماجбуриятلار ۋا تېгиشلى تაۋسияلار

Шуни تاъкидلاш жоизки, ЕХХТ иштирокчи давлатлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнларда тенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш ва инклюзивликни таъминлаш устувор аҳамиятга эга эканини бир неча бор эътироф этган.

1991 йилда ЕХХТнинг иштирокчи давлатлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-кувватлашини тасдиқлаган ҳолда ўзининг **Москва ҳужжатида** “давлатлар ногиронлиги бўлган шахслар ўз жамиятининг ҳаётида тўлиқ иштирок этиши учун тенг имкониятларни таъминлаш йўлида тېгиشلى чораларни кўриши” ва “бундай шахслар ўзига алоқадор бўлган соҳаларда қарор қабул қилиш жараёнида муносиб иштирок этишига кўмаклашиши” лозимлигини таъкидлаган.¹⁴

ЕХХТнинг 2008 йилдаги **Хельсинки ҳужжатида** иштирокчи давлатларнинг “инсон ҳуқуқлари демократик жамиятларда энг самарали тарзда ҳимоя қилиниши” тўғрисидаги эътирофи ҳамда “инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилишда турли манфаатдор томонлар ўртасидаги шериклик алоқалари”ни қўллаб-кувватлаши ўз аксини топган. Ҳар икки баёнотда ҳам инсон ҳуқуқлари (шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари) ва инклюзивликнинг аҳамиятига урғу берилган.¹⁵

14 ЕХХКнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича конференцияси доирасидаги ЕХХТнинг Москва мажлиси ҳужжати, Москва, 1991 йил 3 октябрь, <<https://www.osce.org/odihr/elections/14310>>.

15 ЕХХТ Вазирлар кенгашининг 16-мажлисидаги ЕХХТ якуний ҳужжати, Хельсинки, 2008 йил 4-5 декабрь, <<https://www.osce.org/mc/36545>>.

2016 йилда **Москва ҳужжати қабул қилинганига 25 йил** түлди. Шу муносабат билан ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) Финляндия Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Финляндия Инсон ҳуқуқлари маркази билан ҳамкорликда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокига кўмаклашиш бўйича юқори даражадаги эксперт семинарини ташкиллаштириди.

Тадбир якунига кўра қўйидаги саккизта тавсия ишлаб чиқилди:¹⁶

- 1** ЕХХТ иштирокчи давлатлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки учун қулай муҳит яратиши лозим;
- 2** ЕХХТ иштирокчи давлатлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг иштирокига тўсқинлик қиласиган юридик ва маъмурий тўсиқларни олиб ташлаши лозим;
- 3** ЕХХТ иштирокчи давлатлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг иштирокини таъминлайдиган қонуний, сиёсий ва институционал асосларни яратиши лозим;
- 4** ЕХХТ иштирокчи давлатлари инклузив таълим ва ижтимоий фанлар бўйича таълим берилишини таъминлаши ҳамда жамоатчиликнинг ногиронлиги бўлган шахслар иштироки борасидаги хабардорлигини ошириши лозим;
- 5** ЕХХТ иштирокчи давлатлари жамиятнинг ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан диққат-эътиборини кучайтириш учун керакли чораларни амалга ошириши лозим;

16 Тўлиқ тавсияларнинг тўлиқ рўйхатини қўйидаги манзилдан топишингиз мумкин: <<https://www.osce.org/odihr/311076?download=true>>.

- 6** ЕХХТ иштирокчи давлатлари билан ҳукуматлараро ташкилотлар саъй-ҳаракатларининг муваффақиятини кафолатлаш учун кенг кўламли иттифоқлар тузиши ва ўзаро ҳамкорлик амалга оширилишини таъминлаши лозим;
- 7** ЕХХТ иштирокчи давлатлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг иштироки бўйича маълумотлар тўплаши ҳамда эришилган натижаларни мониторинг қилиб бориши лозим; ва
- 8** ЕХХТнинг ижроия тузилмалари ногиронлиги бўлган шахслар учун янада қулайроқ шароитлар яратиш учун тегишли чораларни амалга ошириши лозим.

Асосан ЕХХТ учун мўлжалланган 8-тавсиядан ташқари, юқорида санаб ўтилган қолган 7 та тавсия ЕХХТнинг барча иштирокчи давлатларига тақдим этилган бўлиб, улар мазкур Кўрсатмалар учун асос бўлиб хизмат қилган.

2018 йилдаги ЕХХТ Парламент ассамблеясининг **Берлин декларациясида** “ЕХХТ минтақасидаги парламентларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг вакиллик даражаси жуда ҳам паст бўлиб қолаётгани” таъкидланиб, ЕХХТнинг барча иштирокчи давлатлари “ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳаларидаги қонунчилик ёки сиёсий чораларни ишлаб чиқишининг барча босқичларида иштирок этишини” таъминлашга даъват этилди.¹⁷

17 ЕХХТ Парламент ассамблеясининг Берлин декларацияси, Берлин, 2018 йил 7-11 ноябрь, <<https://www.oscepa.org/meetings/annual-sessions/2018-berlin-annualsession>>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномалари

1948 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан **Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси** қабул қилинди. Бошқа ҳуқуқлар қаторида Декларацияда барча инсонлар мамлакатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга экани таъкидланган. Декларацияning 21-моддасида “ҳар ким ўз мамлакатининг бошқарувида бевосита ёки ўзи эркин тарзда танлаган вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга” экани ва “ҳар ким ўз мамлакатидаги давлат ишида хизмат қилиш борасида тенг ҳуқуққа эга” экани тасдиқланган.¹⁸ Мазкур ҳуқуқлар 1966 йилда қабул қилинган яна бир БМТ шартномаси - **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг** 25-моддасида ҳам такрорланган.¹⁹

Гарчи мазкур шартномаларда барча фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи белгиланган бўлса-да, аҳолининг яккаланган ва етарли даражадаги вакилликка эга бўлмаган қатламлари бу ҳуқуқлардан тенг фойдаланиши мумкинлигига аниқлик киритиш учун қўшимча шартномалар қабул қилиниши зарурлиги эътироф этилди.

БМТнинг Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси

2006 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бosh ассамблеяси томонидан **Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция** (НШҲК), деб номланган муҳим шартнома бир овоздан қабул қилинди.

-
- 18 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси, 1948 йил 10 декабрь, <<http://www.un.org/en/universal-declaration-human-rights>>.
 - 19 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси; Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 1966 йил 16 декабрь, <<http://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/ccpr.aspx>>.

Мазкур Кўрсатмалар нашр этилган 2019 йилнинг бошига келиб, Конвенцияни 177 та аъзо давлат, шу жумладан, ЕХХТнинг 57 та иштирокчи давлатидан 54 таси ратификация қилган.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ҳуқуqlари НШҲКнинг **29-моддасида** кафолатланган. Унда давлатлар ногиронлиги бўлган шахсларга “керак бўлганда ёрдамчи ва янги технологиялардан фойдаланишга кўмаклашиш орқали уларнинг сайловга ўз номзодини қўйиш, мансабдор шахс лавозимини эгаллаш, ҳокимиятнинг барча даражаларидаги давлат хизматини бажариш” ҳуқуқини таъминлаши лозимлиги таъкидланади. Шунингдек, 29-моддада давлатлар “ногиронлиги бўлган шахслар дискриминацияга учрамаган ҳолда бошқалар билан тенг равишда давлат ишларини юритишида самарали ва тўлиқ иштирок эта оладиган муҳитни яратишга фаол кўмаклашиши ва уларнинг давлат ишларида, шу жумладан сиёсий партиялар фаолияти ва бошқарувидаги иштирокини рағбатлантириши” лозимлиги белгиланган.²⁰

НШҲКнинг 29-моддаси бажарилишига ҳужжатнинг бошқа моддалари, хусусан, 6- ва 12-моддалари таъсир кўрсатади. НШҲКнинг **6-моддасида** ногиронлиги бўлган аёл-қизлар кўп ҳолатларда дискриминацияга дучор бўлиши тан олиниб, давлатлар НШҲКда кўрсатилган бошқа ҳуқуқларни амалга оширишда “аёлларнинг ҳар томонлама ривожланиши, мақомининг мустаҳкамланиши, ҳуқуқ ва имкониятларининг кенгайтирилишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриши лозимлиги” белгиланади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки борасидаги ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилганда, мунозараларга ногиронлиги бўлган аёллар ҳам жалб этилиши лозим.

20 Иқтибос келтирилаётган ҳужжат, 13-изоҳ, 29-модда.

“Қонун олдидағи тенглик” түғрисидаги **12-моддада** “иштирокчи давлатлар ногиронлиги бўлган шахслар ҳаётнинг барча жабҳаларида бошқалар билан тенг ҳуқуқий лаёқатлиликка эга эканини тан олиши” таъкидланган. Афсуски, ҳуқуқий лаёқати чекланган ногиронларнинг, одатда, ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш борасидаги имкониятлари ҳам чекланган ёки тақиқланган бўлади, бу эса НШҲК стандартларига мос келмайди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кўпчилик давлатлар етарли даражадаги вакилликка эга бўлмаган аҳоли қатламларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бир қатор бошқа шартномаларни ратификация қилган бўлиб, уларда белгиланган ҳуқуқлар ушбу қатламлар вакиллари бўлган ногиронларга нисбатан тенг равишида қўлланади. Масалан:

- Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш түғрисидаги Конвенция (CEDAW) барча аёллар, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини ҳимоя қиласди;
- БМТнинг Туб аҳоли ҳуқуқлари түғрисидаги декларацияси туб аҳоли, шу жумладан, ногиронлиги бўлган туб аҳоли вакилларининг сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқини ҳимоя қиласди; ва
- Ирқий дискриминациянинг барча шаклларига барҳам бериш түғрисидаги халқаро пакт барча ирқий ва этник озчиликлар, шу жумладан ногиронлиги бўлган ирқий ва этник озчилик вакилларининг сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқини ҳимоя қиласди.

Барқарор ривожланиш мақсадлари

2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) қабул қилингандан бўлиб, улар камбағалликни қисқартириш, тенгсизликка қарши кураш ва глобал миқёсда иқлим ўзгариши муаммосини ҳал этишга қаратилган 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш²¹ дастурининг бир қисмидир.

БРМнинг “Мамлакатлардаги ички тенгсизлик ва мамлакатлар орасидаги тенгсизликни камайтириш” деб номланган 10-мақсадида қуйидаги мақсадли кўрсаткич белгиланган: “2030 йилга келиб, ёши, жинси, **ногиронлиги**, ирқи, миллати, келиб чиқиши, дини ёки иқтисодий ёки бошқа мақомидан қатъи назар **барчанинг** ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларда **иштирок этиш** билан боғлиқ ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ва илгари суриш”. [муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган].²²

Камбағаллик, тенгсизлик ва низолардан ногиронлиги бўлган шахслар номутаносиб равишда кўп жабр кўради. Мамлакатлар мазкур муаммоларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш учун фаол ҳаракат қилаётган бир пайтда, ногиронлиги бўлган шахслар ўз ҳукумати ва сиёсий тузилмаларида тенг овозга ҳамда вазиятни ижобий томонга ўзгартириш имкониятига эга бўлишини таъминлаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

21 Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 70/1-сон резолюцияси, “Дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача Барқарор ривожланиш дастури” 2015 йил 25 сентябрь, <http://www.un.org/ga/search/view_doc.asp?symbol=A/RES/70/1&Lang=E>.

22 Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 10-Барқарор ривожланиш мақсади (2015 йил), <<https://www.un.org/development/desa/disabilities/envision2030-goal10.html>>.

Минтақавий ва миллий ҳужжатлар

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишини илгари сурадиган бир қатор минтақавий ва миллий ҳужжатлар мавжуд. ЕХХТнинг кўплаб иштирокчи давлатлари, шунингдек, Европа Иттифоқи (ЕИ) ва Европа Кенгашига ҳам аъзо бўлиб, бу икки ташкилот ногиронлиги бўлган эркак ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини илгари суриш бўйича минтақавий кўрсатмаларни бериб боради. Масалан, ЕИ даражасида инсон ҳуқуқлари бўйича асосий шартнома - Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар тўғрисидаги хартиясидир. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенцияси сифатида кўпроқ танилган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция Европа Кенгашига аъзо давлатлар учун муҳим минтақавий ҳужжат ҳисобланади.

Бундан ташқари, Европа Кенгаши томонидан жамиятларнинг янада инклузив бўлишининг муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Вазирлар қўмитасининг 2011 йилдаги тавсиясида ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, шароитлардан, шу жумладан маълумот олиш ва овоз бериш имкониятларидан фойдаланиш қулайлигини ошириш ҳамда **ҳуқуқий лаёқатдан фойдаланишда дискриминацияга йўл қўйилмасликни** таъминлашга даъват этилади.²³ Яқинда Европа Кенгаши Парламент ассамблеяси (ЕКПА) томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларни тенг равишда

23 Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг (2011)14-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки тўғрисида”ги тавсияси, 2011 йил 16 ноябрь, <[https://search.coe.int/cm/Pages/result_details.aspx?Reference=CM/Rec\(2011\)14](https://search.coe.int/cm/Pages/result_details.aspx?Reference=CM/Rec(2011)14)>.

қамраб олиш тўғрисидаги резолюция қабул қилинди.²⁴ Унда аъзо давлатлар ногиронлиги бўлган шахслар билан боғлиқ сиёсий қарорларни ишлаб чиқишда уларни мазкур жараёнга фаол тарзда жалб қилишга даъват этилади. Нихоят, 2017 йил январь ойида ЕКПАнинг Тенглик ва камситилмаслик масалалари бўйича қўмитаси “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ҳуқуқлари: демократия масаласи”, деб номланган ҳисоботни эълон қилиб,²⁵ унда Европа кенгашига аъзо давлатлардаги муаммолар ва илфор тажрибалар кўриб чиқилган.

Ҳисоботда ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий саҳнада деярли кўринмаслиги ёки овоз бериш жараёнларида эътибордан четда қолдирилиши таъкидланган. Миллий даражада ЕХХТнинг иштирокчи давлатларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан жамоат бинолари, жамоат транспорти ва бошқа миллий тизимларга кириш-чиқиш қулайлиги борасидаги ҳуқуқларини белгилайдиган ва / ёки аниқлаштирадиган қонунлар қабул қилинган. Сайлов тўғрисидаги қонунларда, баъзан, ногиронлиги бўлган сайловчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қулайликларга доир махсус маълумотлар келтирилади. Мазкур миллий мажбуриятлар сиёсий институтлар ногиронлиги бўлган шахсларни кенгроқ қамраб олишни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишида муҳим аҳамият касб этади.

-
- 24 Европа Кенгаши Парламент ассамблеясининг 2039 (2015)1-сон Ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларни тенг равишда қамраб олиш тўғрисидаги резолюцияси, 2014 йил 12 декабрь, <<http://www.assembly.coe.int/nw/xml/XRef/Xref-DocDetails-EN.asp?fileID=21339&lang=EN>>.
- 25 ЕКПАнинг Тенглик ва камситилмаслик масалалари бўйича қўмитасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ҳуқуқлари: демократия масаласи” ҳисоботи, Страсбург, 2015 йил: <<http://www.assembly.coe.int/nw/xml/XRef/Xref-DocDetails-EN.asp?fileID=22226&lang=EN>>.

Сиёсий жараёнларда тенг асосда иштирок этиш йўлидаги тўсиқлар

Сиёсий жараёнларда иштирок этиш хукуқини қўллаб-қувватловчи халқаро стандартлар, мажбурият ва илфор амалиётлар бор бўлишига қарамай, ногиронлиги бўлган эркак ва аёллар сиёсий партиялар ёки парламентларга аъзо бўлиш йўлида ҳали-ҳануз кўплаб тўсиқларга дуч келмоқда. Мазкур бўлимда тўсиқларнинг айримлари кўриб чиқилган бўлиб, улар сиёсий партиялар ва парламентларнинг ногиронлар ташкилотлари ва сайлов органлари билан ҳамкорликдаги қўллаб-қувватлаши ёрдамида бартараф этилиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Евropa Иттифоқининг Асосий хукуқлар бўйича агентлиги томонидан чоп өтилган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиш хукуқи: Инсон хукуқлари кўрсаткичлари”, деб номланган нашрида бу каби тўсиқларнинг кўпчилиги Евropa Иттифоқи аъзоси ҳисобланадиган ЕХХТ иштирокчи давлатлари мисолида минтақавий даражада янада батафсил кўриб чиқилган.²⁶ Ҳисоботда ЕИга аъзо давлатларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки бўйича маълумотлар ва таҳлил “тузилма-жараённатижা” кўрсаткичлари асосида кўриб чиқилган. Ҳисоботда ногиронлиги бўлган шахсларда жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш истаги кучли экани, аммо бунга йўл қўймайдиган бир қатор тўсиқлар, шу жумладан қонуний ва маъмурий муаммолар мавжудлиги таъкидланади. Тўсиқлар батафсил баён қилиниши баробарида ҳисоботда айрим мамлакатларнинг ижобий ўзгаришларга эришишда ёрдам бериши мумкин бўлган ижобий амалиётларига доир баъзи мисоллар келтирилади.

26 Евropa Иттифоқининг Асосий хукуқлар бўйича агентлиги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиш хукуқи: Инсон хукуқлари кўрсаткичлари”, (Вена, 2014 йил), <<http://fra.europa.eu/en/publication/2014/right-political-participationpersons-disabilities-human-rights-indicators>>.

Жамият томонидан қўллаб-қувватлашнинг етишмаслиги

Ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий ҳаётда иштирок этиши йўлида энг кўп учрайдиган тўсиқлардан бири - бу ногиронлар сиёсатга қизиқмайди ёки сиёсий жараёнларда иштирок эта олмайди, деган қараш кенг тарқалгани билан боғлиқ. Ногиронлиги бўлган эркак ва аёллар сиёсий жараёнларда сайловчи, партия аъзоси, номзод, кузатувчи ёки сайланувчи мансабдор шахс сифатида ёки бошқа даражада иштирок этишга камдан-кам ҳолларда рағбатлантирилади. Улар овоз бериш ёки сайловда ўз номзодини қўйишга қизиқиш билдирганда, уларнинг дўстлари, оила аъзолари ва/ёки жамоа аъзолари фаол тарзда уларни ниятидан қайтаришга уринади.²⁷

Чекловчи қонунчилик базаси

Кўп мамлакатлар қонунчилигига ногиронлиги бўлган фуқаронинг сиёсий ҳаётдаги иштироки, шу жумладан сайловда овоз бериш ёки ўз номзодини қўйиш имкониятини чеклайдиган ёки тақиқлайдиган қоидалар мавжуд. Масалан, ногиронлиги бўлган номзодларни иштирокчилар сафидан чиқариш учун қонунчиликка “қобилиятсизлик”, “касаллик”, “лаёқатсизлик” ёки “ваколатга эга эмаслик” каби атамалар киритилиши мумкин.

“Хуқуқий лаёқат” атамаси шахснинг никоҳ қуриш, мулкка эгалик қилиш ёки бошқа қонунан мажбурий шартномаларни имзолаш бўйича қонуний ваколатларини англатади. Айrim мамлакатларда сиз ногиронлиги бўлган шахс бўлиб, сизнинг

27 Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси ва Миллий демократик институт: “Имкониятлардан фойдаланиш тенглиги: ногиронлиги бўлган шахсларни сайлов ва сиёсий жараёнларга қай тарзда жалб қилиш лозим” (Вашингтон, 2014 йил), 34-бет <<https://www.ifes.org/publications/equal-access-how-include-persons-disabilities-electionsand-political-processes>>.

қонуний васийингиз бўлса, сиз автоматик тарзда сиёсий ҳуқуқларингизни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум бўласиз. Бу НШҲКнинг 12 ва 29-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқларга зид. 29-моддада барча ногиронларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқи ҳимоя қилиниши аниқ белгиланган бўлса, 12-моддада давлатларга ногиронлиги бўлган шахслар “ҳаётнинг барча жабҳаларида бошқалар билан тенг ҳуқуқий лаёқатга эга” эканини эътироф этиш мажбурияти юкланди.²⁸ НШҲКнинг 12-моддасида, шунингдек, қарор қабул қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш эмас, балки қарор қабул қилиш жараёнида ногиронлиги бўлган шахсни қўллаб-қувватлаш усули тарғиб қилинади. Бошқача қилиб айтганда, қарор муайян шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан ногиронлиги бўлган шахс ўрнига ва унинг иштирокисиз қабул қилинмайди, балки улар ногиронлиги бўлган шахсни у қарор қабул қилиши жараёнида қўллаб-қувватлайди. Ҳуқуқий лаёқат мазкур Кўрсатмаларнинг парламентларга бағишланган бўлимида батафсил кўриб чиқилади.

Ноқулай жисмоний муҳит

Ҳозирги пайтдаги кўплаб бино ва иншоотлар фойдаланиш қулайлигини тарғиб қилувчи архитектура кодекслари қабул қилинмаган пайтларда қурилган. Агар бино ва иншоотлар қайта жиҳозланмаган бўлса, одатда, уларнинг ичидаги ногиронлар аравачаси ёки қўлтиқтаёқ каби мосламалардан фойдаланган ҳолда ҳаракатланишнинг ёки умуман иложи йўқ ёки жуда қийин. Афсуски, ҳатто айрим замонавий бинолар ҳам пандуслар, лифтлар, йўлаклар, эшиклар, яқин атрофдаги йўллар ёки пиёдалар йўлакчалари жисмоний ёки кўриш қобилияти чекланган шахслар учун хавфсизлик ва қулайлик нуқтаи назаридан баҳоланмаган тарзда қурилган. Агар мебель тўғри баландликда ўрнатилмаса ёки унинг

28 Иқтибос келтирилаётган ҳужжат, 21-изоҳ, 12-модда.

ўрнатилиши натижасида ҳаракатланиш қийинлашса - бу қийинчилек туғдириши мумкин. Худди шу каби, күпинча, хоналар әшитиш мосламаларидан фойдаланадиганлар учун мослаштирилмаган. Агар эски бинолардан сайлов участкалари, ҳокимият биноси, сиёсий мунозаралар, парламент мажлислари ёки ходимларнинг иш жойи сифатида фойдаланилса, улардан фойдаланиш жисмоний нуқтаи назардан қулай бўлиши кераклигини ҳисобга олиш ва меъморий тўсиқларни қандай қилиб камайтириш ёки олиб ташлаш мумкинлигини белгилаш жуда муҳим.

Транспорт - яна бир тўсиқ. Жамоат транспортида, кўпинча, чекланган жисмоний, кўриш, интеллектуал имкониятлар ёки муайян турдаги ижтимоий-руҳий жиҳатлар инобатга олинмайди. Фойдаланиш қулайлиги ва имкониятлари жойга қараб ҳам фарқ қилиши мумкин. Қишлоқ жойларда ёки шаҳар атрофида ногиронлар фойдаланиши учун қулай бўлган транспорт турлари шаҳарга қараганда камроқ бўлиши мумкин.

Ноқулай ижтимоий алоқа усуллари

Ногиронлиги бўлган шахслар ахборот-ташвиқот стратегиялари ёки фуқаролик таълими кампанияларига камдан-кам ҳолларда жалб қилинади. Ногиронлар учун мўлжалланган тадбирлар амалга оширилган тақдирда ҳам ташвиқот материаллари, кўпинча, ногиронлар фойдаланиши учун қулай ва кенг қамровли бўлмайди. Бу эса ногиронлиги бўлган шахслар учун бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан:

- Агар ногиронлиги бўлган шахслар муайян сиёсий партияга аъзо бўлишни истасаю унинг веб-сайти экрандан ўқиш дастурлари учун мослашмаган бўлса (одатда, кўриш қобилияти чекланган шахслар фойдаланадиган технология), керакли маълумотни топишнинг деярли имкон бўлмайди;

- Агар номзоднинг реклама видеоролиги телевизор ёки интернет орқали намойиш этилганда субтитрлар ёки сурдотаржима берилмаса, кар ёки эшитиш қобилияти паст бўлганлар уни тушуниши қийин бўлади; ва
- Интеллектуал ёки ақлий ривожланишда ортда қолганлар учун осон ўқиладиган материаллар жуда кам.

Шунингдек, агар ташвиқот материалларида ногиронлиги бўлган шахслар кўрсатилмаса ёки улар ҳақида гапирилмаса, бу – ногиронларга улар мақсадли гурухнинг бир қисми сифатида қаралмаётганига ишора беради.

Даромад даражасининг пастлиги ва ишсизлик

Юқорида кўрсатилган кўплаб тўсиқлар таъсирида ногиронлиги бўлган шахслар ишсиз қолишининг ғайритабиий жойи йўқ. Даромад паст бўлган бир шароитда сайловга ўз номзодини қўйиш ёки сиёсий партияга аъзо бўлиш учун маблағ сарфлаш жиддий муаммога айланиши мумкин. Айрим ҳолатларда қулай шароит яратиш билан боғлиқ харажатлар иштирокни чеклайдиган даражада бўлиши мумкин, айниқса бу шароит сурдотаржима каби доимий бўлиши талаб этилса. Бу - давлат, сиёсий партиялар ва парламентларнинг стратегик кўмаги катта ўзгаришларни ясами мумкин бўлган муҳим соҳадир.

Ходимлар малакасининг пастлиги

Сиёсий партиялар ва парламент ходимлари ногиронлиги бўлган шахслар билан тўғри мулоқот қилиш ёки уларнинг алоҳида шароитга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш бўйича камдан-кам ҳолатларда ўқитилади.

Энг яхши ҳолатда ногиронлиги бўлган шахсларга кераксиз ва самарасиз хизматлар кўрсатилади, энг ёмон ҳолатда - улар ҳақоратланади ёки жеркиб ташланади. Бу эса ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан паст назар билан қараладиган ёки умуман эътиборсиз қолдириладиган сиёсий муҳитнинг шаклланишига ҳисса қўшади. Қулай муҳит ва шарт-шароит яратиш борасидаги жараёнларнинг аниқ йўлга қўйилмагани (масалан, қулай шароит яратиш тўғрисидаги мурожаатларни бажариш учун ким масъул экани) самарасиз бесўнақай тизимларнинг шаклланишига ҳам олиб келиши мумкин.

Дискриминациянинг турфа хил қатламлари

Етарли даражадаги вакилликка эга бўлмаган аҳоли қатламларининг вакили бўлган ногиронлар олдида ногиронликнинг ўзига хос тўсиқларидан ташқари қўшимча қийинчиликлар борлигини ҳам эътироф этиш муҳим. Масалан, ногиронлиги бўлган аёллар болаларни парваришлаш ёки кекса ота-онасига ғамхўрлик қилиши талаб этилиши мумкин. Ногиронлиги бўлган ёшлар эса сиёсий жараёнларда иштирок этиш истагида бўлиб, сиёсий институт ва тизимларда қандай қилиб ўз ўрнини топиш борасида билимга эга бўлмаслиги мумкин. Туб аҳоли жамоалар, диний гуруҳлар ёки этник озчиликлар аъзолари келиб чиқиши ва тегишлилиги асосида қаттиқ дискриминацияга дуч келиши мумкин.

Этник озчилик вакили бўлган ногиронлар

Дунё бўйлаб этник озчиликлар, шу жумладан, туб аҳолини ташкил этувчи озчиликлар, кўпинча, ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш борасида катта тўсиқларга дуч келади. Этник ёки туб аҳоли жамоаси аъзоси бўлган шахс ногирон бўлса, бу тўсиқлар икки баравар ортади.

Бунга мисол сифатида бутун ЕХХТ минтақаси бўйлаб тарқалган, аммо, асосан, Марказий ва Жануби-Шарқий Европада истиқомат қиладиган Рома ва Синти этник жамоаларини келтириш мумкин. Улар Европадаги энг йирик этник очзиликлардан бирини ташкил этиб, умумий маданий, тил ва этник алоқаларга эга. Рома ва Синти жамоалари тарих давомида кучли таъқибларга учраган ва Иккинчи жаҳон уруши пайтида геноцид қурбони бўлган. Ҳозирги кунга қадар улар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимларда этник дискриминация қурбони бўлиб келмоқда.

Рома ва Синти жамоалари дуч келаётган кўплаб тўсиқлар орасида сифатли таълим олиш ҳамда хавфсиз ва арzon тураг-жой топиш имконсизлиги, тиббий ёрдамдан фойдаланишдаги дискриминация ва ишга жойлашишдаги тамғалаш кабилар киради. Рома ва Синти жамоалари, кўпинча, ирқий нафрат асосидаги жиноятлар, таъқиб ва жамоатчилик томонидан салбий муносабат нишонига айланади. Мазкур чекловчи омиллар Рома ва Синти жамоаларининг сиёсий жараёнларда тенг иштирок этиши йўлида қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Рома ва Синти жамоаларидаги ногиронлар түғрисида маълумотлар жуда оз бўлиб, бу - бир тарафдан муаммони ошкор қилса, бошқа тарафдан ташвиш уйғотадиган ҳолатдир. Рома ва Синти аҳолисининг тиббиёт хизматларидан фойдаланиш имкониятлари бошқа фуқароларга нисбатан камроқ экани ҳисобга олинса, Рома ва Синти аҳолиси орасида ногиронлиги бўлган шахслар сони статистика нуқтаи назаридан анча кўплигининг эҳтимоли юқори. Вазият шундай бўлган тақдирда ҳам, улар маълумот тўплаш жараёни ва жамоатчилик назарида деярли сезилмайди.²⁹

Рома ва Синти жамоаларидаги ногиронлар дуч келиши мумкин бўлган муаммолар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун сиёсий жараёнларда иштирок этиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларни кўриб чиқинг. Бир қатор иштирокчи давлатларда Рома ва Синти аҳолиси шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар олишда қийинчиликларга дуч келади. Бу – сайловчи ёки номзод сифатида рўйхатдан ўтиш учун катта тўсиқ бўлиши мумкин (Рома ва Синти аҳолисининг шахсини аниқлаш билан боғлиқ тўсиқ). Рўйхатдан ўтиш усуллари ногиронлиги бўлган сайловчи ёки номзодлар учун камдан-кам ҳолатларда қулай шаклда ташкиллаштирилган (ногиронлик ҳолати билан боғлиқ тўсиқ). Рома ва Синти жамоаларидаги ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатдан ўтишда икки баробар кўп тўсиқларга дуч келгани сабабли, улар сиёсий партиялар ёки кампанияларда деярли кўринмайди, бу эса уларда сиёсий раҳбар бўлиш имконсиз, деган ишончнинг шаклланишига олиб келиши мумкин (ҳам шахсият, ҳам ногиронлик ҳолати билан боғлиқ тўсиқ).

29 Озчиликлар масалалари бўйича Европа маркази (ECMI), Майкл Шпорлюк, Ҳатто сояда ҳам йўқ: Рома ногиронлари қаерда? (2016 йил), <http://www.ecmi.de/uploads/tx_lfpubdb/ECMI_Study__8_final.pdf>.

Рома ва Синти жамоалари дуч келаётган тўсиқлар дунёдаги этник ва туб аҳоли вакиллари бўлган озчиликлар дуч келаётган тўсиқларга жуда ўхшаш. Сиёсий партиялар ва парламентлар сиёсий ҳаётда иштирок этишнинг инклюзив ва қулай йўлларини яратиш имкониятларини ўрганаётган бир пайтда, этник озчиликларнинг ногиронлиги бўлган вакиллари дуч келаётган тўсиқларни енгид ўтишида уларни қўллаб-қувватлаш усусларини кўриб чиқиш ҳам фойдалидир. Масалан, туб аҳоли вакиллари учун амалиёт дастурларини ишлаб чиқишида туб аҳоли вакиллари орасидан амалиётга қизиқиш билдирган ногирон ёшлар учун қулай шароитлар яратилиши ва улар қўллаб-қувватланиши аниқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ишга ёллаш ва тарғибот-ташвиқот амалиётларида ногиронлиги бўлган туб аҳоли вакилларининг ёшлари ариза топшириши рағбатлантирилиши аниқ кўрсатилиши лозим.

Инклюзив сиёсий институт ва жараёнларни яратиш

Ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий ҳаётда иштирок этиш борасида ҳуқуқ ва имкониятлари таъминланган бошқа фуқаролар каби ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши лозим. Тўсиқларнинг олиб ташланиши нафақат ногиронлиги бўлган фуқароларга, балки бутун жамиятга ҳам фойда келтиради. Сиёсий партиялар ва парламентлар ўз тизимларида етарли даражадаги вакилликка эга бўлмаган жамоалар учун тенг имкониятлар яратиш устида ишлар экан, янада инклюзив бўлишнинг қатор афзалликлари кашф этади.

Барча учун фойдали

Универсаллик, деганда маҳсулотлар, хизматлар, муҳит ва шароитларнинг барча учун ёши, ногиронлиги ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар мослиги тушунилади. Универсаллик - дастурлар ёки муҳит шароитларини янада инклюзив қилиш тўғрисида лойиҳалаш жараёнининг охирида эмас, балки аввалги босқичида ўйлаш лозимлигини назарда тутади.

Универсалликни таъминлашга асосланган ёндашувдан нафақат ногиронлиги бўлган шахслар манфаат кўради. Масалан:

- Сайловчилар хабардорлигини ошириш учун мўлжалланган ташвиқот материалларида визуал тасвирлар ҳамда содда тилдан фойдаланиш интеллектуал имкониятлари чекланган шахслар учун фойдали. Шу билан бирга, бу – саводхонлик даражаси паст, маҳаллий тилни билмайдиганлар (карлар жамоаларини ҳам қамраб олиши мумкин) ёки ҳужжатни тез ўқиб чиқадиганлар учун фойдали бўлади; ва

- Парламент ходимлариға “ором олиш хонаси”нинг ажратилиши уларга бироз ёлғиз қолиш ва, хусусан, диабетга чалингандар үз дориларини қабул қилиши ёки рұхан толиққан ходимлар бироз нафасини ростлаб олишига имкон яратади. Шунингдек, бу хонадан әмбаптеси оналар ёки қисқа танаффусга әхтиёж сезган ҳар қандай ходим фойдаланиши мүмкін.

Универсалликни таъминлашга асосланған ёндашувни қабул қилиш сиёсий партиялар ва парламентлар фаолиятининг бошиданоқ инклузив бўлишини таъминлайди.

Сўнгги тенденцияларга жавоб бериш

Шароитлар қулайлигини таъминлаш ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг халқаро миёсда қўллаб-куватланиши 2006 йилда НШҲҚ қабул қилинганидан сўнг сезиларли даражада туртки олди. Шундай экан, институтлар, хусусан, сиёсий институтлар барчанинг иштироки ва етакчилик қилиш имкониятларини таъминлаш йўлидаги тўсиқларни имкон қадар камайтириш ва тугатишга интилса ажаб әмас.

Сиёсий партиялар ва парламентлар ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий ҳаётда иштирок этишини енгиллаштириш учун фойдаланиш қулай бўлган йўлаклар қуриш баробарида үз фаолиятини халқаро мажбуриятлар билан мувофиқлаштирмоқда. Улар, шунингдек, инсон ҳуқуқларини фаол қўллаб-куватлашини намоён этаётган бўлиб, бу - сайловчилар, сиёсий партиялар аъзолари, сайлов кампаниялари ҳомийлари ҳамда халқаро ва миллий даражадаги сиёсий раҳбарларга ҳам рағбат бағишкаётган хусусиятдир.

Мажбуриятларни қўллаб-қувватлаш

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини таъминлаш бўйича фаол чоралар кўриш тенгсизликка қарши курашиш мақсадида қабул қилинган халқаро, минтақавий ва миллий мажбуриятларга мосдир. Масалан, ногиронлиги бўлган шахсларни сиёсий ҳаётга жалб қилиш БРМ, НШҲК ва ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар орқали қабул қилинган мажбурият ва тавсияларни бевосита қўллаб-қувватлади.

Демократияни мустаҳкамлаш

Ногиронлиги бўлган эркак ва аёлларни сиёсий ҳаётга жалб қилиш демократия кўламини кенгайтириш баробарида уни мустаҳкамлайди ҳам. Барчанинг сиёсий жараёнларда тенг иштирок этиши сиёсий партиялар ва парламентлар аъзолари ҳамда раҳбарлари ўзи хизмат қилаётган жамиятларни яхшироқ акс эттириши учун асос бўлади. Сиёсий ҳамжамиятдаги хилма-хиллик қонун ва қарорларнинг ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан таъсирини чуқурроқ тушуниб этишга хизмат қилиб, сиёсий ҳаётдаги вакиллик даражаси энг паст бўлган қатламлардан бирининг эътибордан четда қолиб кетишига йўл қўймайди.

Бўлимда ёритилган асосий масалалар

- МЕХХТнинг аксарият иштирокчи давлатлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор мажбуриятларга, жумладан НШҲКга, қўшилган ёки ратификация қилган.
- Ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишда кўплаб тўсиқларга, жумладан жамият томонидан қўллаб-кувватлашнинг этишмаслиги, таълим соҳасидаги камчиликлар, чекловчи қонунчилик, ноқулай жисмоний шароитлар ва алоқа услублари, даромад даражасининг пастлиги ва ишсизлик, шунингдек, дискриминациянинг турли шаклларига дучор бўлади. Парламентлар ва сиёсий партиялар бу тўсиқларни олиб ташлашда муҳим иттифоқчилардир. Бу каби тўсиқларнинг аксариятини ногиронлар ташкилотлари ҳамда сайлов органлари билан ҳамкорликда сиёсий партия ва парламентларнинг фаол кўмагида олиб ташлаш мумкин.
- Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шароитлар яратиш ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этишнинг бир қатор афзалликлари бор: бундан бутун жамият фойда кўради, сиёсий ташкилотлар жамият эҳтиёжларига нисбатан сезгир ва эътиборли эканини намойиш этади, ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва шартномаларга амал қилинади ва демократия мустаҳкамланади.



Сиёсий партиялар

Сиёсий партиялар етарли даражадаги вакилликка эга бўлмаган аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларнинг муҳим иштирокчиси ҳисобланади, негаки улар муниципал кенгашлар, маҳаллий ҳокимият органлари ва миллий парламентлардаги сиёсий жараёнларда иштирок ва вакилликни таъминлашнинг тартибга солувчиси ҳисобланади. Бу жараёнда партиялар ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловчилар, партия аъзолари, кузатувчилар (партиялар сайлов пайтида ўз кузатувчиларини жойларга чиқарадиган ҳолатларда) ва номзодлар сифатида иштирок этиши учун имкониятлар яратиши жуда муҳим. Гарчи сиёсий партиялар турли даражадаги ресурсларга эга бўлса-да, яъни каттароқ сиёсий партиянинг молиявий имкониятлари кичикроқ партияга нисбатан юқорироқ бўлиши мумкин эса-да, ҳар қандай сиёсий партия томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган кўплаб универсалликни таъминлашга асосланган стратегиялар мавжуд.

Мазкур бўлимда келтирилган кўрсатмаларда асосий эътибор сиёсий партиялар доирасида қулай муҳит ва шароит яратишга қаратилган бўлиб, партиялар ўз тарғибот ва ташвиқот ишларида қулай шароит яратишни қай тарзда тарғиб қилиши мумкинлиги қўриб чиқилади. Тақдим этилган маълумотлар партияларнинг сайловгача ва сайлов пайтидаги фаолиятини қамраб олган бўлиб, сайлов органлари ва ногиронлар ташкилотларининг сайловлар пайтида ногиронлар учун қулай шароитлар яратиш борасидаги ролини чуқурроқ ўрганишни истаган ўқувчилар ДИИХБ томонидан 2017 йилда нашр қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов жараёнларидаги иштирокини кузатиш ва унга кўмаклашиш бўйича қўлланма”га³⁰ мурожаат қилиши мумкин. Яна бир фойдали манба - Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси

30 “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов жараёнларидаги иштирокини кузатиш ва унга кўмаклашиш бўйича қўлланма”, иқтибос келтирилган ҳужжат, 10-изоҳ.

(СТХЖ) ва Миллий демократик институт (МДИ) томонидан 2014 йилда нашр этилган “*Тeng иштирок: Ногиронлиги бўлган шахсларни сайловлар ва сиёсий жараёнларга қандай жалб этиш керак*” қўлланмаси.³¹

Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик мавзуидаги муҳокамалар тўғрисида маълумот олиш учун ДИИҲБнинг 2011 йилдаги “*Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солиш бўйича кўрсатмалар*”³² билан танишиб чиқинг.

Потенциал шериклар: сайлов органлари ва ногиронлар ташкилотлари

Ногиронлар ташкилоти (НТ): Ногиронлар ташкилоти

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ногиронларнинг ўзи томонидан юритиладиган ташкилот. Айрим НТлар муайян ногиронлик турига ихтисослашса, бошқалари ногиронликнинг турли кўринишлари билан ишлаб, умумий ногиронлик муаммолари билан шуғулланадиган ташкилотлар сифатида маълум. Одатда, муайян давлат ёки ҳудудда бир қанча НТлар фаолият юритади. Гарчи НТлар сиёсий партияларнинг жамоалардаги муҳим шериги ҳисобланса-да, НТлар ўз аъзолари олдида ҳисобдор эканини ёдда тутиш лозим. Шу боис агар НТлар бир неча сиёсий партияларни қулай шароит яратиш борасидаги чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаш имконига эга бўлса - энг самарадор чора шу бўлиши мумкин.

31 Тeng иштирок бўйича қўлланма, иқтиbos келтирилган ҳужжат, 28-изоҳ.

32 “Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солиш бўйича кўрсатмалар”, иқтиbos келтирилган ҳужжат, 11-изоҳ.

Сайлов органлари (СО): Сайловларни ташкиллаштириш ва ўтказиш учун масъул орган - сайловчиларнинг овоз бериш лаёқатини аниқлаш, сўровномалар ўтказиш, овозларни санаш ва сайлов натижаларини аниқлаш каби сайловнинг айрим ёки барча муҳим жараёнларини бошқариш учун юридик жиҳатдан масъул бўлган сиёсий холис ташкилот. Турли СОлар сиёсий партияларни рўйхатдан ўтказиш, сайлов кампаниясининг молиялаштирилиши устидан назоратни таъминлаш ва/ёки сайлов жараёнларининг ОАВда ёритилишини мониторинг қилиш бўйича қўшимча ваколатларга эга бўлиши мумкин.³³

33 Сайлов органлари ва уларнинг сайлов жараёнидаги роли тўғрисидаги батафсил маълумотлар учун қуийдаги манзилга мурожаат қилиш мумкин <<https://www.idea.int/sites/default/files/publications/electoral-management-design-2014.pdf>>.

Шароит қулайлигини баҳолаш

Партияning ички тузилмалари, фаолияти ва бюджетини фойдаланиш қулай ва инклюзивлиги нұқтаи назаридан баҳолаш амалға оширилиши мүмкін бўлган илк қадамдир. Бу - сиёсий партияларга улар ютуқقا эришган соҳалар ва келажакда такомиллаштирилиши лозим бўлган йўналишларни аниқлаш имконини беради. Шу мақсадда мазкур Кўрсатмаларнинг иловасида сиёсий партиялар учун назорат саволлар рўйхати келтирилган. Ногиронлар ташкилотлари баҳолашга қимматли ҳисса қўшиши мүмкін бўлган норасмий далил ва бошқа маълумотларни тақдим этиш имконига эга бўлгани сабабли баҳолашни ўтказишда сиёсий партияларга улар билан ҳамкорлик ўрнатиш тавсия этилади. Сиёсий партиялар баҳолаш жараёнида шароит қулайлигини **комплекс ёндашув** асосида кўриб чиқиши, яъни жамиятдаги турли гуруҳлар вакиллари ҳисобланадиган ногиронлар сиёсий партиялар билан қай йўсинда ўзаро муносабат қилишини ўрганиш фойдали бўлади. Масалан:

- Партия аъзолари ва номзодлари орасида гендер мувозанати таъминланганми? Бошқача айтганда, ногиронлиги бўлган ёки бўлмаган эркак ва аёллар сони тенгми?
- Партия ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ ҳудудларидаги ногиронлиги бўлган шахсларни қамраб олганми?
- Партия фаолиятида барча ёшдаги ногиронлиги бўлган шахслар иштирок этадими?
- Партияга этник озчиликлар вакиллари ҳисобланадиган ногиронлар жалб қилинганми?

Ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш сиёсати

Сиёсий партияларга қулай шароитларни яратиш масаласига мавжуд муаммони ечиш нүктаи назаридан эмас, балки унинг олдини олиш нүктаи назаридан ёндашиш тавсия этилади.

Биринчи ҳолатда партиялар қулай шароит яратиш масаласига охирги дақиқада, яъни муаммо бўй чўзиб улгурганда эътибор қаратади. Аслида эса уларда мазкур муаммоларнинг олдини олиш учун мўлжалланган аниқ тизим ва кўрсатмалар бўлиши мақсадга мувофиқ.

Амалга оширилиши мумкин бўлган фаол тадбирлардан бири – сайловга тайёргарлик кўриш даврининг бошидаёқ ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шароит яратиш масаласига бағишланган тамойилларни ёки дастурни ишлаб чиқиш. Ишончли НТлар билан биргаликда ишлаб чиқилган дастур ёки тамойиллар партияларга ногиронлар учун қулай шароит яратиш борасидаги ишларни кўнгилдагидек ташкиллаштириш ва такомиллаштиришга ёрдам беради.

Қулай шароит, деганда ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун қулай бўлган тизим, маҳсулот, хизмат ёки муҳит тушунилишини ёдда тутиш лозим. Қулай шароит масаласига сиёсий партия нүктаи назаридан ёндашилганда, ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий жараёнларнинг барча босқичларида иштирок этганда – хоҳ сайловчи, хоҳ сайлов кампанияси аъзоси, хоҳ сайланиш учун номзод сифатида, хоҳ маҳаллий, хоҳ миллий парламент даражасида бўлсин - ижобий, инклузив тажрибага эга бўлиши тушунилади.

Қулай шароитларни яратиш сиёсатини дискриминацияга йўл қўймаслик сиёсати билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Бунда ногиронлиги бўлган барча шахслар ижтимоий ҳолатидан (жинси, ёши, этник келиб чиқиши, ирқи ва ҳоказо) қатъи назар барча сиёсий ҳаётда барча билан тенг иштирок этиши мумкинлигига ургу бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Қулай шароит яратиш, шунингдек, универсалликни таъминлашга асосланган ёндашув учун ажойиб асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар партия тузилмалари, тартиб-қоида ва иш услублари ногиронлиги бўлган эркак ва аёлларни максимал даражада қамраб олишга қаратилган бўлса, жамиятнинг бошқа аъзолари ҳам бундан фойда кўради.

Бюджетлар

Ногиронлиги бўлган номзодларни қўллаб-қувватлаш

Маблағ етишмаслиги ногиронлиги бўлган эркак ва аёллар сайловга ўз номзодини қўйишига тўсқинлик қиласиган асосий омиллардан биридир. Сиёсий партиялар нафақат ногиронлиги бўлган малакали номзодларни қўллаб-қувватлаши, балки молиявий ёрдам бериш ёки молиялаштиришни ташкиллаштиришга тайёр туриши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу - сиёсий партиялар ўз номзодларига қулай шароит яратиш учун бевосита молиявий ёрдам кўрсатишини англатади.

Масалан, ЕХХТ иштирокчи давлатларидан биридаги сиёсий партия ногиронлиги бўлган ўз номзодларидан бирига шахсий ёрдамчи ва транспорт харажатларини тўлаб берган. Бошқа қулайликлар сирасига сурдо таржима, нутқни матнга айлантирувчи дастурлар ёки тадбирни ногиронлар учун қулай шароитлари бор бўлган жойда ўтказиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш кабилар кириши мумкин. Агар сиёсий партиялар мазкур йўналишда ҳаракатланишга қарор қилса, сайлов кампанияси ходимлари ва партия етакчилари номзод сайловчилар билан самимий алоқа ўрнатиши ва муваффақиятли сайлов кампаниясини амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш масаласини олдиндан режалаштириши ва тегишли маблағларни ажратиши лозим.

Шу билан бирга, сиёсий партиялар парламентлар ва сайлов органлари билан биргаликда ногиронлиги бўлган номзодлар учун қулай шароит яратиш ва сайлов кампанияси билан боғлиқ бошқа харажатларни қоплаш учун умумий сайлов жамғармасини ташкил қилиш борасида ҳамкорлик қилиши мумкин.

Бу - сайлов кампанияси жараёнидаги молиявий тенгсизлик масаласини бартараф этиши ва кичик сиёсий партияларнинг ногирон номзодларини йирик сиёсий партияларнинг ногирон номзодлари оладиган ёрдам миқдоридаги маблағ билан таъминлашнинг самарали усули бўлиши мумкин. Жумладан, яқинда бир давлатда синов тариқасида барча сиёсий партияларнинг ногиронлиги бўлган номзодларига молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган жамғармага асос солинди. Жамғарма ёрдамидан фойдаланган айрим номзодлар ўз интервьюларида молиявий кўмаксиз сайловларда қатнаша олмаган бўлишини тасдиқлади.

Агар сайловда иштирок этишни қўллаб-қувватлаш жамғармаси яратиладиган бўлса, уни сайловлардан аввал ташкил этиш ва сиёсий партиялар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар жамоалари орасида кенг тарғибот қилиш тавсия этилади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мураббийлари потенциал номзодларни сайловда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни мазкур жамғарма орқали қоплаш масаласини ҳал этишга рағбатлантириши мумкин.

Идеал ҳолатда, парламент ва депутатлар сиёсий кампанияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонунлар таъсирида ногиронлиги бўлган номзодлар тегишли шароитларни яратиш учун кетадиган харажатлар туфайли ташаббусни бой беришга мажбур бўлмаслигини таъминлаши лозим. Ногиронларнинг эҳтиёжлари инобатга олинган молиялаштириш тизими йўлида потенциал қонуний тўсиқлар мавжудлигини аниқлаш учун сайлов қонунчилигини сайловлар ва ногиронлиги бўлган шахслар масалалари бўйича мутахассис билан биргаликда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шароитлар яратилган сайлов кампанияларини қўллаб-қувватлаш

Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шароитлар яратилган сайлов кампанияларини молиялаштириш сиёсий партиялар томонидан эътиборга олиниши керак бўлган бюджет масалаларининг яна бир муҳим жиҳатидир. Бунда фойдаланиш қулай бўлган сайлов материаллари учун маблағ ажратиш ва сайлов кампаниялари учун қулай шароитли жойларни танлаш борасида мослашувчанлик талаб этилади. Шунингдек, ногиронлиги бўлган ва тегишли шароитларга эҳтиёж сезиши мумкин бўлган сайлов кампанияси ходимлари учун маблағ ажратиш ҳам назардан четда қолмаслиги лозим.

Сайлов кампанияси давомида ногиронлиги бўлган сайловчиларни қамраб олиш учун талаб этиладиган қулай шароитларни таъминлаш билан боғлиқ чоралар сирасига ташвиқот материаллари ўқилиши осон бўлиши ёки тадбирлар учун жисмоний жиҳатдан фойдаланиш қулай бўлган жойларни танлаш кириши мумкин. Уларни молиялаштириш учун сиёсий партиялар, идеал ҳолатда, ўз молиявий ресурсларига эга бўлиши ёки аввалроқ парламентлар ва сайлов органлари билан биргаликда сайловларда қулай шароитларни таъминлаш бўйича умумий жамғармани ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Сўнгра ҳар қандай сиёсий партия жамғарма маблағидан ўзи учун зарур бўлган қулай шароитларни таъминлаш учун фойдаланиши мумкин.

Сиёсий партиялар сайлов кампанияси ходимлари ёки кўнгиллилар учун талаб этилиши мумкин бўлган қулай шароитларни яратиш, шу жумладан қулай шароитларга эга бўлган иш жойи билан таъминлаш учун молиявий маблағлар захирасига эга бўлиши тавсия этилади.

Кичикроқ сиёсий партияларда учраб турадиган вазият, яъни бюджет чекланган ҳолатларда ногиронлар ташкилотлари ва сайлов органлари билан шериклик ўрнатиш имкониятини кўриб чиқиши мумкин. Уларда фуқаролик ва сайловчи хуқуқларига бағишланиб, ўқиш қулай бўлган кўринишдаги материаллар бўлиши мумкин ва партия уларни тарқатишда ёрдам бериши мумкин. Ёки бўлмаса сайлов органи ва/ёки партия маълум бир вақт давомида биргаликда ишлаш тўғрисида келишиб олса, ногиронлар ташкилотлари айрим қулай шароит турларини яратиш билан боғлиқ хизматларнинг нархларини бирмунча тушириб бериши мумкин. Партияning жамоатчилик билан алоқалар стратегияси доирасида ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ва сайлов кампанияси ходимларини қулай шароитларни яратиш бўйича кўрсатмалар билан таъминлаш самарали ёндашув бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сайлов кампанияси ходимлари ва кўнгиллилар ногиронлиги бўлган шахсдан унинг ҳолатига мослаштирилган шароитлар яратилишини ўз ҳисобидан молиялаштиришни сўраши зинҳор ўринли бўлмаслигини англаб этиши учун маҳсус тайёргарликдан ўтиши талаб этилиши мумкин.

Сиёсий партияга аъзолик Ва номзодлар

Аъзоликка жалб қилиш

Сиёсий партияга аъзоликка жалб қилишнинг инклюзив стратегияларидан фойдаланиш сиёсий партиянинг таъсир доирасини кенгайтириб, унинг аъзолик базаси ва номзодлар рўйхатига хилма-хиллик олиб киради. Бу эса, ўз навбатида, жалб қилинаётган сайловчилар сонини ошириши мумкин, негаки улар партия таркибида ўзига ўхшаган одамларни учратади ва партиянинг ички мунозараларига янги қарашларни олиб киради.

Ногиронлиги бўлган шахсларни аъзо ва номзод сифатида жалб қилишнинг бошланғич нуқтаси – турфа хил ногиронликларга эга бўлган шахслар жамоаларининг манфаатларини намоён қилувчи маҳаллий ногиронлар ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш. Шерик НТлар ногиронлар жамоаларига сиёсий партиялар тўғрисидаги маълумотларни фойдаланиш қулай бўлган кўринишда етказиши мумкин.

НТлар, шунингдек, ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтиришда ҳам ёрдам бериши мумкин. Сиёсий партиялар НТлар ва бошқа фуқаролик жамияти ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиши тавсия этилади. Бу орқали улар етарли даражада вакилликка эга бўлмаган жамоалардаги ногиронлар, шу жумладан, аёллар, ёшлар, Рома ёки Синти каби этник озчиликларни партия ёки сайлов тадбирларида иштирок этиш ва сиёсий партиялар вакиллари билан мунозараларда иштирок этишга рағбатлантириши мумкин.

Сайлов кампанияси ёки сиёсий партия тадбирлари ногиронлар учун қулай шароитлар яратилган биноларда ўтказилиши ва мурожаат асосида ногиронлар учун мослаштирилган шароитлар таъминланиши мумкинлиги маълум қилиниши лозим.

Мазкур масала “Сайловчилар билан ишлаш”, деб номланган бўлимда батафсил кўриб чиқилади.

Сиёсий партиялар, шунингдек, бошқа жойлардаги ногиронлар билан алоқа ўрнатиш имкониятларини ҳам ўрганиши лозим. Масалан, агар сиёсий партиялар етакчилар тренинг курсларини ташкил қилган ёки уларда ўз тақдимотини ўтказаётган бўлса ёки лагерь ва мактабларда ўтказилаётган тадбирларда иштирок этаётган бўлса, бу - ногиронлиги бўлган иштирокчиларни сиёсий жараёнларда бошқалар қатори фаол қатнашишга ундаш учун энг яхши имконият.

Мураббийлик дастурлари ногиронлиги бўлган номзодларни жалб қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг яна бир самарали стратегиясидир. Ногиронлиги бўлган малакали эркак ва аёллар учун сайловга ўз номзодини қўйиш уларда хавотир уйғотиши табиий. Уларнинг ўз сиёсий партиясидан бўлган муваффақиятли мураббий ёки партия етакчиси ҳаракатлар режасини тузиш ва босиб ўтиш зарур бўлган босқичларни тушуниб етишда ёрдам қўрсатиши мумкин. Шаҳар ва қишлоқ худудларида, шунингдек, маҳаллий ва миллий даражада номзодлар ёки потенциал номзодлар ўртасидаги мураббийлик алоқаларини ривожлантириш ниҳоятда фойдали.

Ногиронлиги бўлган эркак ва аёллар сайловга ўз номзодини қўйганда, сиёсий партиялар ўз номзодига нисбатан ишонч билдириши ва уни қўллаб-қувватлаши ўта муҳим. Сиёсий партия ўз номзодининг имкониятларига шубҳа билан қараши ҳам номзод, ҳам партия сайловчиларнинг ишончини қозона олмаслигига олиб келиши мумкин.

Ниҳоят, сиёсий партияда аъзолик бадали мавжуд бўлсаю кам таъминланган оиласлар ва шахслар учун чегирма бериш ёки бадал олмаслик - уларни ўз сафига жалб қилишнинг яна бир самарали стратегиясига айланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бандлик даражаси пастлиги ва қўшимча харажатлар туфайли кўпчилик ногиронларнинг иқтисодий имкониятлари бошқаларга қараганда пастроқ. Шу боис ҳатто кичик миқдордаги тўловлар ҳам ногиронлиги бўлган шахсларни партияга аъзо бўлиш фикридан қайтариши мумкин.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган квоталар

Квота каби вақтинчалик маҳсус чоралар ногиронлиги бўлган шахслар тўқнаш келувчи тенгсизликка имкон қадар тезроқ барҳам бериш ва уларнинг сиёсий партиялар номзодлари рўйхати ва парламент аъзолари таркибидаги сонини кўпайтиришга қаратилган. Квоталар қонунлар асосида ёки ихтиёрий равишда ажратилиши мумкин.

Квоталарнинг бир неча тури мавжуд:

- Банд қилинган ўринлар;
- Номзодлар учун ажратилган квоталар; ва
- Сиёсий партиялар учун ажратилган квоталар

Гендер тенгликни таъминлашга қаратилган квоталар ЕХҲТ минтақасида бир неча йиллардан буён қўлланиб келса, ногиронлар учун квота ажратиш - нисбатан янги ҳодиса ва ҳали кенг тарқалмаган. Ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган квоталардан фойдаланиш масаласини кўриб чиқишида маҳаллий шерик НТлар ҳамда ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи етакчилар билан суҳбатлар ўюштириш муҳимдир. Уларнинг фикрлари квоталарнинг қайси турларидан ва қачон фойдаланиш ҳамда ногиронларнинг неча фоизи ёки сони етарли даражадаги вакилликни англатиши мумкинлиги тўғрисидаги қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Бошқа минтақаларда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ва ногиронлар учун ажратилган квоталардан фойдаланиш натижасида олинган айрим муҳим сабоқлар қуидагилардан иборат:

- **Квоталар манфаатдор томонлар томонидан қўллаб-қувватланиши лозим** – булар сирасига сиёсий партиялар, ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи гурӯҳлар ва парламент аъзолари кириб, улар квота ажратиш қоидалари ва уларнинг мақсади юзасидан бир хил тўхтамга келиши зарур;
- **Квота ажратиш олдиндан режалаштирилиши зарур** – сиёсий партиялар номзодларнинг ўз вақтида танланишини таъминлаши лозим, акс ҳолда бу -квоталар самарадорлигини пасайтириб юбориши мумкин;
- **Квоталарга риоя қилиш таъминланиши зарур** – агар квоталарга риоя қилишни таъминлаш усули мавжуд бўлмаса, квоталар кутилган натижани бериш эҳтимоли паст³⁴ ва
- **Квоталар фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги таълим билан уйғунлаштирилса, янада самарали бўлиши мумкин** – ногиронлиги бўлган шахсларга сайланиш учун квоталар улар фақатгина ногирон бўлгани учун ажратилмайди. Аксинча, квоталар ногиронлиги бўлган малакали номзодлар муайян лавозимга сайланишда тенг имкониятга эга бўлиши учун идеал имкониятдир. Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи эксперталар квоталарни сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги таълим ёки етакчилик дастурлари билан бирлаштириш квота ажратишга қараганда кучлироқ ва самаралироқ уйғунликни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлаган.

34 ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИҲБ), ЕХХТ минтақасида аёлларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш бўйича илфор амалиётлар тўплами (Варшава, 2016 йил, 32-бет, <<https://www.osce.org/odihr/224206>>).

Ногиронлиги бўлган шахслар учун квоталар ажратиш борасида яна қўшимча қарашлар бор бўлиб, уларни манфаатдор томонлар билан фаол мулоқот доирасида ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Бунда, жумладан, қуидагиларга эътибор қаратишга тўғри келади:

- **“Ногиронлик” қандай аниқланади?** Бу анча нозик мунозара бўлиши мумкин, негаки квоталар контекстида ногиронликни қандай тавсифлаш кераклиги борасида доим ҳам яқдиллик бўлавермайди. Турли ногиронликларга эга бўлган шахслар манфаатларини намоён этувчи ногиронлар хуқуқларини ҳимоя қилиш гуруҳлари билан учрашиб, уларнинг фикрини билиш зарар қилмайди. Шунингдек, гуруҳлар мунозаранинг бошланғич нуқтаси сифатида НШҲҚда келтирилган тавсифдан фойдаланиши тавсия этилади;
- **Ногиронлар учун ажратилган квоталарга кўрсатилувчи номзодлар ёки депутатларни ким танлайди?** Бу ҳолатда ҳам сиёсий партияларга сайлов масалалари бўйича эксперталар ва ногиронлар хуқуқларини ҳимоя қилиш гуруҳлари (квоталар тўғрисида аввалдан маълумотга эга бўлган) билан биргаликда ишлаш тавсия этилади. Шу орқали қайси ечимлар ҳам самарали, ҳам инклузив эканини билиш мумкин бўлиб, қарор қабул қилиш масаласида муайян гурухга ҳаддан ташқари катта ваколатлар берилишининг олди олинади; ва
- **“Бир муаммога ихтисослашиш” тамғаси қўйилмаслиги учун нима қилиш керак?** Қайсиdir депутат ногиронлиги бўлган шахслар учун ажратилган квота асосида сайланганда, энди ногиронлик масалалари билан боғлиқ барча ташаббусларга фақат мана шу депутат етакчилик қилади, бошқалар ногиронлар масалалари билан шуғулланмаса ҳам бўлади, деб ҳисоблаш одатий ҳол. Бироқ, ногиронлиги бўлган депутат нафақат ногиронлик, балки бошқа масалалар борасида ҳам етакчилик қилишни истashi мумкин.

Квотанинг асл мақсадини тушуниб етиш учун номзоддан муайян билим ва қўникмалар талаб қилиниши мумкин.

Ниҳоят, квоталарга якуний мақсад эмас, балки восита сифатида қараш лозим. Квоталар самарави жорий қилинганда, улардан кўзланган мақсадга, яъни сиёсий партиялар ва парламентларда ногиронлиги бўлган шахслар сонининг кўпайишига эришиш мумкин. Бироқ, тенгсизликнинг бошқа кўринишларига йўл қўймаслик учун квоталар пухта ишлаб чиқилиши лозим. Масалан, номзодлар рўйхатларига фақат ногиронлиги бўлган эркаклар киритилса ёки етарли даражада вакилликка эга бўлмаган этник гурӯҳлар киритилмаса, квотадан кўзланган мақсад йўқقا чиқади.

Партияга қабул қилиш усуллари

ЕСиёсий партияга қабул қилиш материаллари ва партиянинг аъзоси ёки номзоди сифатида рўйхатга олиш усуллари содда ва қулай кўринишда бўлиши лозим. Муайян минтаقا ёки мамлакатдаги аъзолар сиёсий партияга қай тарзда қўшилишига қараб, сиёсий партиялар рўйхатга олиш усуллари ва материалларни сайлов органлари ёки сиёсий партияларни рўйхатдан ўtkазиш учун масъул бўлган бошқа органлар билан мувофиқлаштириши талаб этилиши мумкин. Партияга қабул қилиш материаллари содда ва тушунарли тилда ёзилган бўлиши ва камида учта форматда – қофоз, телефон ҳамда электрон кўринишда таклиф этилиши тавсия қилинади.

Содда тилдаги осон ўқиладиган қофозли материаллар интернет ёки компьютердан фойдаланиш имконияти чекланган ёки бўлмаган шахслар учун энг мақбул имконият.

Қоғозли материаллар сиёсий партияга аъзо сифатида бўлиш имкониятини таклиф этиш мақсадида почта орқали, сиёсий партия оғис(лар)ига ташриф буюрадиган шахслар орқали (агар оғислар жамоат транспортининг тўхташ жойига яқин бўлган қулай шароитли биноларда жойлашган бўлса) ёки турар-жой ва жамоат марказларига вақти-вақти билан ташриф буюриш учун тайёргарликдан ўтган сайлов кампанияси кўнгиллилари тармоғини ташкил этиш орқали тарқатилиши мумкин.

Телефон орқали етказиш учун мўлжалланган материаллар кўриш ёки ақлий имкониятлари чекланган шахслар учун самарали муқобил имконият бўлиши мумкин. Сайлов кампанияси ходимлари ёки телефон кўнғироқларига жавоб берадиган кўнгиллилар аъзолик аризасини телефон орқали тўлдириш ва, керак бўлганда, имзолаш жараёнини ташкил этиш бўйича тайёргарликдан ўтган бўлиши лозим. Интернет материалларидан фойдаланиш қулайлиги стандартларига мос келган тақдирда, электрон усул интернет ва компьютердан мунтазам фойдаланиш имкониятига эга бўлганларга яна бир муқобил имкониятни ҳавола этади.

Кўнгиллилар сайловчиларга рўйхатдан ўтиш учун босим ўтказиши ёки пора таклифи қилиши мумкин эмаслиги тўғрисида хабардор қилиниши лозим. Шунингдек, улар, зарур ҳолларда, ногиронлиги бўлган сайловчи ўзи танлаган ишончли шахсдан ёрдам сўраши мумкинлигидан хабардор бўлиши лозим.

Кар фуқаролар сони кўп бўлган ҳудудга ташриф буюрганда ёки уларга хизмат кўрсатганда, кўнгиллилар тарқатилаётган материалларнинг мақсадини тушунтиришда уларга ёрдам бериши учун сурдо таржима ёрдамида тайёрланган қисқа видеолавҳа (мобил телефонда қўйиб кўрсатиш мумкин) ёки малакали сурдо таржимоннинг шахсан ўзини олиб бориши тавсия этилади.

Номзод сифатида кўрсатилган ногирон аёллар

WHогиронлиги бўлган шахслар таркибида аёлларнинг улуши каттагина. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, ҳар 5 та аёлнинг биттаси ҳаёти давомида ногиронликнинг қайсиидир турига дучор бўлиши мумкин.³⁵ Уларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқи НШҲК, Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, БРМ ва EXХТ доирасидаги мажбуриятлар ва бошқа ҳужжатлар билан самарали ҳимоя қилинади.

EXХТ Вазирлар кенгашининг 2009 йилги Афина қарорида EXХТнинг гендер тенгликни таъминлашни илгари суриш ҳамда эркак ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тенг иштирок этиш тўғрисидаги ҳуқуқларининг камситилмаслиги ва тарғиб қилиниши бўйича мажбуриятлари таъкидланади".³⁶ Бунда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида - маҳаллий даражадан то миллий даражагача бўлган босқичларда иштирок этаётган ногирон аёллар қамраб олинади.

Шундай бўлса-да, ногирон аёллар сайловга ўз номзодини қўйиш ва сайланиш йўлида ҳам ногиронлик ҳолати, ҳам жинси асосида кўплаб тўсиқларга дуч келади. Ногиронлик ҳолати билан боғлиқ кўплаб тўсиқлар, шу жумладан транспорт, сиёсий жараёнлар ҳақида маълумот олиш ва маблағ этишмаслиги билан боғлиқ муаммолар

-
- 35 "Ногиронлик тўғрисидаги жаҳон ҳисоботи", Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (2011 йил), <http://www.who.int/disabilities/world_report/2011/report/en/>, 291-бет, <http://www.who.int/disabilities/world_report/2011/report/en/>.
- 36 EXХТ Вазирлар кенгашининг 7/09-сон "Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки тўғрисида"ги қарори, Афина (2009 йил). <<https://www.osce.org/mc/40710?download=true>>.

юқорида күриб чиқылган. Бу түсиқлар жинс асосидаги түсиқлар билан кесишади.

Бошқа түсиқлар айнан жинс билан боғлиқ. Масалан, күпинча, сайловга ўз номзодини қўйган аёлларнинг сиёсий жараёнларга ҳисса қўшиш борасидаги қобилиятига нисбатан шубҳа уларнинг ўз оила аъзолари ва потенциал сайловчилар томонидан билдирилади. Бундан ташқари, номзод аёллар бола парвариши ва қарияларга ғамхўрлик қилиш масалаларини кўнгилдагидек ташкил этиш борасида қийинчиликларга дуч келади (уй хўжалигида тенгликни таъминлашда эришилган муваффақиятларга қарамай, аксарият аёллар оиласида уй ишлари учун асосий масъул ҳисобланади). Шунингдек, сайловга ўз номзодини қўйиш билан боғлиқ харажатлар учун маблағ этишмаслиги ёки сиёсий институтлар томонидан кўмак кўрсатилмаслиги каби муаммолар ҳам мавжуд.³⁷ Мазкур муаммолар бошқа омиллар, масалан, ёши, этник келиб чиқиши, ирқи ва қишлоқ ёки шаҳар ҳудудида яшаши кабилар билан бирлашса, муаммолар беқиёс даражада кўпайиши мумкин. Масалан, Рома ёки Синти жамоасидан бўлган, қишлоқ ҳудудида яшовчи ногиронлиги бўлган аёл сайловга ўз номзодини қўйиш ёки сайланиш йўлида бир қатор ўзаро кесишадиган түсиқларга дуч келишининг эҳтимоли юқори.

Ногиронлиги бўлган аёллар сайловда қатнашиш жараёнида, одатда, дуч келадиган кўплаб түсиқларнинг айримларини енгиб ўтишда сиёсий партияларнинг кўмаги катта самара бериши мумкин. Ногирон аёлларни мақсадли равишда қамраб олиб, уларни сиёсий жараёнларга жалб қилиш партияларга потенциал малакали номзодлар ва салоҳиятли етакчиларни

37 Тўплам, иқтибос келтирилаётган нашр, 34-изоҳ, 32-бет.

аниқлашга имкон беради. Баъзида потенциал етакчиларни аниқлашни енгиллаштирадиган миллий ёки минтақавий тармоқлар мавжуд бўлиб, жумладан, Марказий Осиё ногирон аёллар тармоғи ёки Европа ногиронлиги бўлган шахслар форуми ана шулар жумласидандир.

Ногиронлиги бўлган аёллар тегишли шароитлар яратилган ҳолда тақдим этиладиган ўқув курслари ва маҳоратли мураббийлар (шу жумладан, ногиронлиги бўлган бошқа етакчи аёллар) кўмагида сиёсий тизимнинг етакчилариға айланиши мумкин. Молиявий кўмак, шу жумладан маблағ йиғиш ва бюджетни шакллантириш бўйича кўрсатмалар, ногиронлиги бўлган аёлларга ташвиқот ишларини самарали ташкиллаштириш ва сайловчилар билан алоқаларини кенгайтиришга ёрдам бериши мумкин. Ниҳоят, сиёсий партиялар фақат ногиронлиги бўлган аёл номозодларга эмас, балки ногиронлиги бўлган барча номзодларга қулай шароит таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамоатчилик билан алоқалар ва ташвиқот материаллари

Партия ёки сиёсий кампания учун жамоатчилик билан алоқалар стратегиясини ишлаб чиқишининг бошиданоқ универсаллик ёндашувини қабул қилиш кампанияга оид ахборот ва хабарлар барча учун тушунарли бўлишини таъминлайди. Ахборот ва хабарларга ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари билан боғлиқ расм ёки масалаларни киритиш хилма-хиллик ва жамиятнинг барча аъзолари манфаатларини намоён этишга бўлган содиқликни ифодалайди.

Ҳаракатларни аввалдан режалаштириш жуда муҳим, негаки бу - сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига кампания давомида қулай шароитларни таъминлаш учун вақт ёки маблағ этишмаслиги каби кенг тарқалган муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Қуйидаги биринчى бўлимда босма нашр, радио ёки видео кўринишидаги фойдаланиш учун қулай бўлган форматлар ҳақида қисқача маълумот келтирилган. Иккинчى бўлимда кампания материалларини қулайлик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш бўйича кўрсатмалар келтирилган.

Қулай форматлар

Қуйидаги жадвалда турли хил ОАВда фойдаланиладиган қулай форматлар ёки функциялар тўғрисида қисқача маълумот берилган. Мазкур кўрсатмалар охирида қулайликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган асосий атамалар луғати ҳам келтирилган.

Қуйида келтирилган форматлар рўйхати тўлиқ эмаслиги ва уларнинг барчаси ҳам барча ҳолатларга мос тушмаслигини унутманг.

Маҳаллий ногиронлар ташкилотлари қимматли манбаларга әга бўлиши ва маълум бир минтақа ёки мамлакатда фойдаланиш қулай бўлган форматларни қай тарзда жорий этиш бўйича қўшимча ёрдам таклиф қилиши мумкин.

ОАВ тури	Мисоллар	Потенциал қулай форматлар ёки функциялар
Аудио	Радио дастурлар Подкастлар	<ul style="list-style-type: none"> Стенограммалар
Рақамли нашр	Онлайн мақолалар PDF-файллар Word кўринишидаги хужжатлар Ижтимоий тармоқлардаги хабарлар	<ul style="list-style-type: none"> Ўқилиши осон Экрандан ўқиш дастурлари учун форматланган
Оғзаки	Мунозаралар Нутқлар Шаҳар кенгаси мажлислари	<ul style="list-style-type: none"> Қулай шароитлар яратилган жойлар Нутқни матнга айлантириш дастурлари (жонли титрлар) Сурдо таржимонлар
Босма	Баннерлар Брошюралар Буклетлар Журнал мақолалари Газета мақолалари	<ul style="list-style-type: none"> Брайл алифбоси ёки тактиль Ўқилиши осон Фойдаланиш қулай бўлган рақамли версияларни таклиф қилиш имкониятини кўриб чиқинг

Видео	Онлайн видеолавҳалар Теледастурлар	<ul style="list-style-type: none"> • Аудио тавсифлар • Сурдо таржимон • Титрлар ёки субтитрлар
--------------	---------------------------------------	---

Одатда, сайлов кампанияси маълумотлари билан аудио ёки визуал форматлардан фойдаланган ҳолда танишиш имконияти бор бўлиши лозим. Аудио маълумотлар, яъни радиоэшиттиришлар, подкастлар, теледастурлар, нутқлар тайёрланганда, уларнинг титр ёки стенограмма каби визуал версияси бўлиши ҳам лозим. Визуал маълумотлар, яъни онлайн мақолалар, ижтимоий тармоқлардаги хабарлар, видеолавҳалар тайёрланганда, уларнинг аудио версияси, жумладан, подкастлари ҳам бўлиши лозим.

Кўпинча, тушунмовчиликларга сабаб бўладиган яна бир муҳим жиҳат, яъни айрим кар ёки эшлишиш қобилияти паст инсонлар имо-ишора тилини яхши тушунмаслиги боис жонли титрларга таянишини таъкидлаб ўтиш лозим. Айрим кар ва эшлишиш қобилияти паст инсонлар аниқ тушуниш учун имо-ишора тилига таянади, негаки бу - уларнинг она тили, оғзаки тил эса улар учун иккинчи ҳатто учинчى тил бўлиши мумкин. Шу боис фақат титр ёки фақат сурдо таржимага таяниш кутилган самарани бермаслиги мумкин.

Ногиронлиги бўлган шахслар вакиллиги

Сиёсий партия барча фуқаролар манфаатларини ифодалашини намойиш этиш учун сайлов кампаниясига ва унинг тарғибот-ташвиқот материалларига турли инсонларни жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Фотосуратлар, видеолавҳалар, мақолалар ва бошқа турдаги ахборот материаллари сайлов кампаниялари давомида фойдаланиш учун тайёрланиши сабабли вақти-вақти билан

уларни хилма-хиллик нүқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бундан мақсад – жамиятнинг турли қатламларидан бўлган ногиронлар ҳам худди бошқа одамлар машғул бўлган ишлар жумладан, овоз бериш, ишлаш ёки очик ҳавода сайр қилиш кабилар билан шуғулланаётганини намойиш этиш.

Партияning жамоатчилик билан алоқалар бўйича гуруҳи сайлов кампанияси доирасида тайёрланаётган барча материалларни мунтазам равишда кўриб чиқиши ва қуидаги тўрт савол устида доим ўйлаши лозим:

- 1. Материалларда ногиронликнинг турли кўринишларига эга бўлган шахслар, шу жумладан кўриш, эшитиш, ижтимоий-руҳий, жисмоний ва/ёки интеллектуал қобилияtlари чекланган шахслар тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилганми?**
- 2. Материалларда гендер мувозанати таъминланганми?**
Бошқача айтганда, ногиронлиги бўлган эркак ва аёллар тўғрисидаги маълумотлар ҳажми тенгми?
- 3. Ёш ва кекса ногиронларнинг вакиллик даражаси тенгми?**
- 4. Етарли даражада вакилликка эга бўлмаган ирқий ёки этник гуруҳларнинг вакили бўлган ногиронлар ҳам борми?**

Агар саволларнинг бирортасига “йўқ” жавоби берилган бўлса, контент яратувчиларга жамиятнинг турли қатламларидан бўлган ногирон эркак ва аёллар тўғрисидаги маълумотлар киритилган медиа-контентни яратиш вазифаси қўйилиши лозим.

Сайлөчилар билан ишлаш

Сиёсий платформалар ва дастурлар

Сифатли тузилган сиёсий платформа ёки сайловолди дастури сиёсий партияning мақсади ва у ифода этадиган манфаатларни сайловчиларга тушунтиришда ёрдам беради. Бу кенг күламда қулай шароит яратиш ва инклюзивликни илгари суриш учун яхши имконият бўлиб, бунга фойдаланиш қулай бўлган форматлар яратиш ва партияning кун тартибига ногиронлиги бўлган шахсларни қизиқтирадиган масалаларни киритиш орқали эришиш мумкин.

Сиёсий платформа ёки дастурни яратишда сиёсий партиялар вакилларига ногиронлар ташкилотлари, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етакчилар, айниқса, ногирон аёллар, этник озчилик вакиллари ёки ёшлар каби турфа хил жамоаларни ўз ичига олган гуруҳлар билан маслаҳатлашиш тавсия этилади. Улар ногиронларнинг сиёсий кўмак ва қонуний чора-тадбирлар орқали қўллаб-қувватланиши ҳуқуқларига доир масалалар, жумладан инклузив таълим, жамоат транспортидаги қулайликларни ошириш, ногиронлиги бўлган фахрийларга тиббий ёрдамни кучайтириш, қулай технологияларни стандартлаштириш каби соҳаларда ўзига хос қизиқарли тояларни илгари суриши мумкин. Табиийки, мамлакат ва маҳаллий эҳтиёжларга қараб, масалалар кўлами ўзгариши мумкин.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган варақалар ёки бошқа ҳужжатларни яратишда бошқа сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилиш имкониятини ҳам кўриб чиқиш мумкин. Бу каби ҳужжатлар орқали сиёсий партиялар (ва уларнинг номзодлари) ногиронлиги бўлган шахсларнинг қайси ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратишини намойиш этиш мумкин.

Саводхонлик даражаси паст ёки катта матнларни ўқишида қийинчиликка дуч келадиган сайловчиларга сиёсий платформалар ва дастурларнинг ўқиш осон бўлган кўринишини таклиф этиш жоиз. Интеллектул қобилияти чекланган ёки саводхонлиги даражаси паст бўлган шахслар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган НТлар ўқилиши осон бўлган ҳужжатларни яратиш бўйича кўрсатмалар бериши мумкин.

Шаҳар кенгаши мажлислари, нутқ ва мунозаралар

Шаҳар кенгашидаги мажлислар, нутқ ёки мунозаралар ногиронларда қизиқиш уйғотадиган масалаларни қўллаб-кувватлашни намойиш этиш учун яхши имконият. Масалан, мактаб таълими билан боғлиқ ташаббуслар муҳокама қилинаётганда, номзодлар етарли даражада вакилликка эга бўлмаган жамоалар билан бир қаторда ногирон болаларни тўлиқ қамраб олишга кўмаклашиш борасидаги мурожаатларни илгари суриши мумкин.

Оммавий тақдимотлар ва нутқларга тайёргарлик кўришда иккита муҳим жиҳатни ҳисобга олиш зарур. Биринчиси – ногиронлар учун қулай шароитлар мавжуд бўлган жойни танлаш, иккинчиси – маълумотларни ногиронларга қулай тарзда етакзиш имкониятини таъминлаш. Улар қуида батафсил кўриб чиқилади.

Ногиронлар учун қулай шароитлар мавжуд бўлган жой ва вақтни танлаш

Биринчидан, ташкилотчилар шаҳар кенгаши мажлислари, нутқлар ёки мунозаралар ўтказиладиган жойларни пухта ёндашув асосида танлаши лозим. Айрим ҳолларда, жумладан, мунозаралар ўтказиладиган тақдирда, сиёсий партиялар ногиронлар учун қулай шароитлар мавжуд бўлган жойни танлаш учун сайлов органлари ва ногиронлар ташкилотлари билан

биргаликда ишлаши талаб этилиши мумкин. Ногиронлар учун қулай шароитлар мавжуд бўлган жойнинг айрим хусусиятлари қўйида келтирилган:

- Жой жамоат транспорти тўхташ жойидан пиёда узоғи билан 5 дақиқалик масофада жойлашган бўлиши;
- Яқин-атрофда ногиронлар учун мўлжалланган автомобиль тўхтаб туриш жойи бўлиши;
- Бинога киришда тутқичли пандус бўлиши ёки у ер сатҳи билан бир даражада бўлиши. Пандусларнинг яроқлилиги ва Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ХСТ) томонидан белгиланган стандартларга мувофиқлигини аниқлаш учун ходимлар шерик НТ билан маслаҳатлашиши тавсия этилади;³⁸
- Бинода енгил тутиш ёки тугмани босиш орқали осон очиладиган эшикли қулай ҳожатхона бор бўлиши;
- Шаҳар кенгашининг мажлиси, нутқ ёки мунозаралар ўтказиладиган хона биринчи қаватда жойлашиши, акс ҳолда бино ногиронлар аравачаси ёки скутери сифадиган катта лифт билан таъминланган бўлиши;
- Хона эшиги маҳсус тайинланган кўнгилли томонидан очиқ ҳолда ушлаб турилиши ёки очиқ туриши мумкин; ва
- Ҳаракатаниш мосламаларидан фойдаланадиган ёки хизматкор жониворлар шериклигига келган шахслар учун ажратилган қулай ўтириш ҳудуди бўлиши. Ўтириш ҳудудидан маърузачилар bemalol кўриниб туриши лозим.

38 Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг (ХСТ) биноларнинг кириш қисмини қуриш стандартларини қўйидаги манзилдан сотиб олиш мумкин <<https://www.iso.org/obp/ui/#iso:std:50498:en>>. Бу борада маҳаллий НТ ҳам ёрдам бериши мумкин.

Айрим ҳолларда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ташрифи қулай бўлишини таъминлаш учун бироз ижодий ёндашув талаб этилиши мумкин. Масалан, ногиронлар учун мўлжалланган автомобиль тўхташ жойи бўлмаса, ногиронлиги бўлган мөхмонлар учун “умумий” тўхташ жойларидаги бир қаторни банд қилиб қўйиш мумкин. Шерик НТлар турли бошқа жойларда қулай шароитларни таъминлаш бўйича қўшимча фояларни тақдим этиши мумкин.

Тадбирни ўтказиш вақти ҳам муҳим. Жумладан, тадбир куннинг жамоат транспортидан фойдаланиш имконияти bemalol бўлган қисмида ўтказиляптими? Айрим шаҳарларда кечқурун жамоат автобуслари ёки поездлар камроқ қатнайди ёки умуман қатнамайди. Айрим турдаги иштирокчилар, одатда аёллар, тадбирда қатнашиш учун оиласдаги болалар ёки кексаларни кимгадир ташлаб кетишига тўғри келиши мумкин. Тадбир вақтини танлашда мана шу жиҳатга ҳам эътибор қаратиш зарар қилмайди. Шунингдек, партия тадбирга кичик ёшдаги фарзандлари билан келган иштирокчиларга болаларга қараб туриш хизматини таклиф этиши ҳам мумкин.

Жамоатчилик билан алоқа қилишда қулайликни таъминлаш

Иккинчидан, тадбирни тарғиб қилиш ва ўтказиш чоғида маълумотларни етказиш билан боғлиқ тўсиқларни олиб ташлаш йўлларини кўриб чиқиш лозим. Тарғибот нуқтаи назаридан, юқоридаги “Қулай форматлар” бўлимини кўриб чиқиш фойдали бўлади. Умуман олганда, ногиронлиги бўлган эркак ва аёллар тадбир тўғрисидаги маълумотлар билан фойдаланиш қулай бўлган аудио ва визуал форматларда танишиб чиқиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Тадбир ҳақидаги эълонларга унинг давомида ногиронлар учун қулай шароитлар яратилиши ва қўшимча мурожаат асосида мослаштирилган шароитлар таъминланиши тўғрисидаги

маълумотларни киритиш тавсия этилади. Шунингдек, эълонларга сайлов кампаниясининг ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш учун масъул бўлган ходими алоқа маълумотлари киритилиши лозим.

Агар тадбир сиёсий партиялар номзодлари ўртасидаги баҳс-мунозаралардан иборат бўлса ва, хусусан, телевидение орқали намойиш этилса, кар ва эшитиш қобилияти суст бўлганлар учун тўлиқ қулайликни таъминлаш мақсадида сурдо таржимон хизмати ва жонли титрларни (нутқни матнга айлантирадиган дастур) ташкил этиш лозим.

Сайлов кампаниясининг веб-сайтлари

Сайлов кампаниясини ўтказиш даврида муддатлар, одатда, қисқа бўлишини ҳисобга олиб, фойдаланиш қулай бўлган веб-сайтларни яратиш тажрибасига эга бўлган веб-сайт яратувчиси ва дизайнери билан ишлаш мақсадга мувофиқ. Ташқи маслаҳатчини ёллаш ёки агентлик билан шартнома тузиш пайтида ўтказиладиган суҳбат чоғида беришингиз мумкин бўлган айрим саволлар қуидагилардан иборат:

- 1. Интернетдан фойдаланиш қулайлиги соҳасидаги стандартлар билан танишмисиз? Агар таниш бўлсангиз - қайсилари билан?**
- 2. Веб-сайтларни Интернетдан фойдаланиш қулайлиги соҳасидаги стандартлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқсанмисиз? Мисол келтира оласизми?**

Интернетдан фойдаланиш қулайлиги соҳасидаги стандартларнинг энг кенг тарқалгани Веб-контентдан фойдаланиш қулайлигини таъминлаш кўрсатмаларининг 2.0 версияси (WCAG) бўлиб, у World Wide Web Consortium (W3C)

ташкilotининг ташаббуси ҳисобланади.³⁹ Кўплаб минтақавий ва миллий, шу жумладан ЕХХТ иштирокчи давлатларининг Интернетдан фойдаланиш қулайлигини таъминлаш соҳасидаги кўрсатмалари WCAGга асосланган.

WCAGнинг 2.0 версияси қулайлик функциялари бўйича аниқ-тиниқ маълумотларни тақдим этса-да, қулайликни таъминлашнинг айрим умумий усувларидан аксарият контент яратувчилар bemalol фойдаланиши мумкин. Қуйида фойдаланиш учун қулай бўлган веб-сайт контентини яратиш бўйича ўнта умумий кўрсатма келтирилган:

- 1.** Веб-сайтнинг барча қисмларида аниқ ва содда тилдан фойдаланинг;
- 2.** Веб-саҳифа ҳамда мақолаларга сарлавҳа ва тагсарлавҳалар қўйиб чиқинг;
- 3.** Юқори контрастли рангларни танланг;
- 4.** Ҳаволалар каби муҳим маълумотларни ажратиб кўрсатиш учун фақат ранглардан фойдаланманг;
- 5.** Ҳаволалар сарлавҳаси сифатида “бу ерни босинг” ёки “батафсилоқ” каби атамалардан фойдаланманг. Мақола ёки ўтиладиган веб-саҳифанинг сарлавҳасидан фойдаланинг;
- 6.** Расмлар, диаграммалар ва фотосуратлар учун муқобил матнни (“муқобил матн”) киритинг;
- 7.** Видеолавҳаларга титр ёки субтитр қўшинг;

³⁹ Веб-контентдан фойдаланиш қулайлигини таъминлаш бўйича кўрсатмаларнинг 2.0 версиясини қўйидаги ҳавола орқали топиш мумкин: <https://www.w3.org/TR/WCAG20/>.

- 8.** Видеолавҳаларга аудио тавсифларни қўшинг;
- 9.** Радиоэшиттириш ёки подкастлар каби аудио маълумотлар учун стенограммани киритинг; ва
- 10.** Жадваллардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг. Содда жадваллар билан одатда муаммо бўлмайди, аммо мураккаб жадваллар экрандаги матнни ўқиш дастури томонидан тўғри ўқилиши учун тўғри кодланган бўлиши лозим.

Веб-сайтлар устида ишлагандек сиёсий партиялар турли ногиронлик кўринишларига эга бўлган синовчи фойдаланувчиларнинг кичик гуруҳи билан ҳамкорлик қилиши ўта мухим. Улар орасида экрандаги матнни ўқиш дастуридан фойдаланадиган камидаги бир киши, имо-ишора тилини яхши биладиган камидаги бир киши ва ўқилиши осон бўлган материаллардан фойдаланадиган камидаги бир киши бўлиши лозим. Улар веб-сайтни синовдан ўтказиши ва қайси контент ёки қулайлик функциялари такомиллаштирилиши лозимлигини айтиб туриши мумкин. Шерик НТ бу вазифа учун энг мос тушадиган шахсларни тавсия қилиши ёки тўплаб бериши мумкин.

Сайлов кампанияси ходимлари ва кўнгиллилар

Ўқитиш

Сайлов кампанияси ходимлари, кўнгиллилар ва партия етакчиларини сайловчилар ва ногиронлиги бўлган номзодларни қўллаб-қувватлаш ҳамда улар билан ўзаро мулоқот қилиш бўйича тайёргарликдан ўтказиш илфор амалиётлардан бири ҳисобланиб, бу ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асоси ҳисобланади.

Тренинг давомида ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан бўлган янглиш фикрлар ва муносабат тўғрисида гаплашиб олиш мумкин. Бу турдаги тренинг сиёсий партиялар аъзоларини ва малакали номзодларни жалб қилиш билан шуғулланадиганлар ёки жамоатчилик билан алоқада бўладиган шахслар учун ниҳоятда муҳим.

Сиёсий партиялар ходимлар учун ногиронлик масалалари ҳисобга олинган тренингларни ишлаб чиқиши ва ўтказишида шерик НТлар билан ҳамкорлик қилиши тавсия этилади. Мунтазам фойдаланиш учун ногиронлик масалаларига оид атамалар ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича қисқача қўлланманинг яратилиши ҳам мақсаддага мувофиқ бўлади.

Агар сиёсий партиялар ва сайлов кампаниялари давомида ногиронлар учун қулай шароитларни таъминлаш бўйича қўмита, ишчи гурӯҳи ёки тегишли масъул ходимлар бор бўлса, унда улар партиянинг ногиронлар учун қулай шароитларни таъминлаш борасидаги сиёсати, ногиронлар учун инклузивликни таъминлаш борасидаги халқаро ва миллий меъёрий ҳужжатлар, яратилган қулай шароитларнинг турлари ва, зарур ҳолларда, шароитларни мослаштириш бўйича маҳсус тренингдан ўтган бўлиши талаб этилиши мумкин.

Имконият мавжуд бўлса, НТлар билан биргаликда ишлаш ва/ёки сайлов кампаниясида иштирок этиш учун ногиронлиги бўлган малакали шахсни ёллаш масаласини кўриб чиқиш лозим. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг турли жамоалари ва улар учун зарур бўлган қулай шароитлар билан таниш шериклар ёки ходимларни ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасига энди кириб келган одам каби кўп ўқитиш талаб этилмайди.

Ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш тўғрисидаги мурожаатлар билан ишлаш

Гарчи аввалбошданоқ ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш йўлида барча керакли саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши лозим бўлса-да, сиёсий партиялар сайлов кампанияси давомида ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш билан боғлиқ мурожаатлар устида самарали ишлашга тайёр бўлиши тавсия этилади. Бунинг учун аниқ тартиб-қоидалар ва масъуллар тизими аввалдан ишлаб чиқилиши зарур.

Ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш жараёнини маҳсус тайинланган ходим ёки гурух, энг яхиси, ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида тайёргарликдан ўтган партия ходими назорат қилиши мақсадга мувофиқ. Зарур бўлса, сайлов кампаниясининг бошқа ходимлари ёрдамга келиши мумкин. Ногиронлиги бор номзодлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш юқори устуворликка эга масала бўлиши лозим. Сайлов кампаниясининг тарғибот тадбирларида ногиронлиги бор шахслар доимо мослаштирилган шароитларни таъминлашни сўраб мурожаат қилиши мумкинлиги таъкидланиши ва қулай шароитларни таъминлаш учун масъул ходим ёки мурожаатлар билан ишлаш учун тайинланган ходимнинг алоқа маълумотлари берилиши лозим.

Изоҳ: Эълонларда ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш тўғрисидаги мурожаатлар муайян санагача қабул қилиниши аниқ кўрсатилиши лозим, негаки керакли шароитларни таъминлаш учун вақт кетади ва уларнинг барчасини сўнгги дақиқада ташкил этишнинг имкони йўқ.

Мурожаат қабул қилинганидан сўнг маҳсус тайинланган ходим мослаштирилган шароитларни таъминлаш билан боғлиқ хизматларни таклиф этувчи компаниялар билан боғланиши мумкин. Тизимнинг самарали ишлаши учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш билан боғлиқ хизматларни таклиф этувчи компанияларнинг олдиндан маъқулланган рўйхатини тузиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Керакли хизмат турини қаердан топишни билмасангиз, шерик НТларга мурожаат қилиб, улардан юқори сифатли хизмат кўрсатувчиларга йўлланма ёки тавсиялар олиш мумкин.

Мурожаат киритган шахсга тасдиқ (агар зарур шароит билан таъминлашнинг имкони бўлса) ёки тушунтириш (агар имкони бўлмаса) хати тақдим қилиниши лозим. Агар керакли шароит вақт ёки маблағ билан боғлиқ чекловлар туфайли таъминланмаса, аризачига имкон қадар муқобил имкониятлар таклиф этилиши лозим.

Ниҳоят, шароит тақдим этилиши ниҳоясига етгач маъсул ходим аризачининг фикрини билиши мақсадга мувофиқ, негаки бу орқали мослаштирилган шароитларни таъминлашни тақомиллаштириш ва келажақдаги тадбирлар давомида тақдим қилиниши лозим бўладиган қулай шароитларни аввалдан режалаштириш имкони пайдо бўлади.

Ногиронлар учун қулай шароитлар яратилганини текшириш

Ногиронлар учун қулай шароитлар яратилганини текшириш сиёсий партиялар ва ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи шериклар учун ногиронлиги бўлган шахсларни қамраб олиш йўлида амалга оширилган ишларни намойиш этиш ва келгусида такомиллаштирилиши мумкин бўлган йўналишларни аниқлаш имкониятини беради.

Ногиронлар учун қулай шароитлар яратилганини текшириш энг яххиси НТлар томонидан сайлов цикли давомида, яъни сайловолди босқичидан то сайлов куни ва сайловдан кейинги давр ичida амалга оширилгани мақсадга мувофиқ. Текширув натижалари сайлов цикли якунида сиёсий партияларга тақдим қилиниши мумкин бўлиб, берилган тавсиялардан кейинги сайлов циклининг бошида такомиллаштирилган чораларни жорий этиш учун фойдаланиш мумкин.

Текширув доирасида партиянинг бош қароргоҳи жойлашган бинони ногиронлар учун яратилган жисмоний қулайликлар нуқтаи назардан текширувдан ўтказиш фойдали бўлади. Партия биносини текширувдан ўтказиш ногиронлиги бўлган шахслар бинога келиш, унга кириш ва ундан фойдаланиши учун нақадар қулай эканини билиш борасидаги қимматли маълумотларни тақдим этади.

Текширув ўтказувчи НТлар муҳим ахборот эгалари билан ва, эҳтимол, партия аъзолари ҳамда раҳбарларидан иборат фокус гуруҳлар билан сухбатлашиши учун зарурият туғилиши мумкин. Шунингдек, улар ногиронлиги бўлган сайловчилар ва сайлов органлари расмийлари каби бошқа манфаатдор томонлар вакиллари билан сухбатлашиш масаласини кўриб чиқиши мумкин. Бу орқали НТлар қулай шароитларни таъминлаш бўйича барча мавжуд ресурс ва жараёнларни

аниқлаш ва күриб чиқиши имконини қўлга киритади. Шунингдек, бу – НТларга кейинги сайлов жараёнида такомиллаштирилиши лозим бўлган йўналишларни аниқ белгилаб олиш имконини беради.

Бўлимда ёритилган асосий масалалар

- Сиёсий партиялар сиёсий жараёнлардаги иштирок ва вакилликнинг асосий “кафили” дир. Бу орқали улар ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ҳаётга кенгроқ жалб қилинишини қўллаб-қувватлаш учун яхши имкониятларга эга бўлади.
- Энг муҳим биринчи қадам – бу **шароит қулайлигини баҳолаш бўлиб**, бу сиёсий партияларга ногиронлиги бўлган шахсларни янада кенгроқ қамраб олиш бўлиши мумкин бўлган соҳаларни аниқлашда ёрдам беради. НТлар билан ҳамкорлик қилиш тавсия этилади.
- Ногиронлар учун **қулай шароитларни яратиш сиёсати**, айниқса, сайловолди даврида ишлаб чиқилган бўлса, сиёсий партияларга қулайлик стандартларини фаол белгилаш имконини беради. Бу сиёсат **дискриминацияга йўл қўймаслик сиёсати** билан уйғунлаштирилиши мумкин бўлиб, бу орқали етарли даражада вакилликка эга бўлмаган турфа хил таркибли бошқа жамоалар (масалан, аёллар) аъзолари ҳисобланадиган ногиронларнинг қамраб олинишини илгари тарғиб қилиш мумкин.

- Қулай шароитларни таъминлашда партиялар **молиявий кўмак кўрсатиш** стратегияларни ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади. Бу - парламентлар ва сайлов органлари билан шериклик ўрнатиш мумкин бўлган йўналишдир.
- Партиялар ногиронлиги бўлган аъзо ва номзодларни жалб қилишнинг **инклюзивликка асосланган усусларини** қўллаб-қувватлаш имкониятларини, шу жумладан, квоталар каби маҳсус вақтинчалик чораларни кўриб чиқиши мумкин.
- **Сайлов кампаниясига оид материалларни** ишлаб чиқиш ва **кампания тадбирларини** ўтказиш чоғида ногиронлиги бўлган сайловчилар партиянинг хабар ва маълумотларидан фойдалана олиши ва партиянинг хабар ва маълумотларида улар ҳам қамраб олинишини таъминлаш муҳим.
- Партия етакчилари ва сайлов кампанияси ходимлари учун **тренинглар** ташкил этилиши етарли даражада вакилликка эга бўлмаган гуруҳлар, хусусан ногиронлиги бўлган шахсларнинг қамраб олинишини осонлаштиришга хизмат қиласди.
- Нихоят, НТлар томонидан сайлов цикли давомида ногиронлар учун қулай шароитлар яратилганини текшириш партияларга улар томонидан қулай шароитларни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида фикр олиш имконини беради.



Парламентлар

Инклюзив ва том маънодаги вакиллик тамойилларига асосланган парламентлар одил қонунлар ва соғлом демократияни таъминлашда ўта муҳим аҳамият касб этади. Қонунчилик ва сиёсат соҳаларидағи фаолият ногиронларнинг ҳуқуқларини аниқ ифодалаш ва сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий дискриминацияга қарши қалқон бўлиш орқали ногиронлиги бўлган шахслар ҳаётига катта таъсир ўтказади. Энг муҳим демократик институт сифатида парламентлар жамият учун намуна бўлиш ва миллий ҳамда маҳаллий даражаларда ногиронлик масалаларини қамраб олувчи ҳукуматларни яратища етакчилик қилиш нуқтаи назаридан алоҳида масъулиятга эга.

Кўплаб ЕХХТ иштирокчи давлатларида ногиронлиги бўлган депутатларнинг кичик гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар ногиронлиги бўлган бошқа сиёсий етакчилар учун йўл очади ва турфа хил қарашларнинг ижобий таъсирини намоён этади. Парламентнинг маҳсус тайёргарликка эга бўлган маъмурий ходимлари парламентда teng ишчи муҳитни таъминлашда беқиёс аҳамият касб этиб, вакилликка асосланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни қамраб олувчи қонун ишлаб чиқариш жараёнини илгари сурища муҳим роль ўйнайди.

Шароитлар қулайлигини баҳолаш

Парламентда яратилган шароитлар қулайлиги ва инклюзивликни баҳолаш энг түғри қўйилган биринчи қадам бўлади. Бу орқали парламентлар муваффақиятга эришилган ва келажакда такомиллаштирилиши лозим бўлган йўналишларни аниқлаб олиши мумкин бўлади. Бунинг учун мазкур Кўрсатмаларга парламентлар учун мўлжалланган назорат саволлар рўйхати илова қилинади. Баҳолашни амалга оширишда парламентларга НТлар билан ҳамкорлик қилиш тавсия этилади, негаки НТлар баҳолаш жараёнига ўз фикр-мулоҳазалари ва амалий фаолият давомида тўпланган далил ва маълумотлари билан ижобий ҳисса қўшиши мумкин. Баҳолашни амалга оширишда парламентлар қулай шароитлар масаласини *турли соҳалар вакиллари нуқтаи назаридан* кўриб чиқиши, яъни турли гуруҳлар вакили бўлган ногиронлар парламент билан қай тарзда алоқа қилишини ўрганиши мақсадга мувофиқдир. Масалан:

- Парламентда ногиронлиги бўлган эркаклар сони ногирон аёлларга нисбатан кўпроқми?
- Парламент ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ ҳудудларидаги ногиронларни қамраб олганми?
- Ногиронлиги бўлган кекса ёшдаги шахслар ва ногирон ёшлар қамраб олинганми?
- Этник озчиликлар вакиллари бўлган ногиронлар қамраб олинганми?

Қонунлар _va_ тартиб-қоудаларни ишлаб чиқыш

Қонун ишлаб чиқариш ваколати туфайли парламентлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш учун қонуний тузилмаларни жорий этиш ва молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш борасида бекиёс имкониятларга эга. Қонунлар уйжой билан таъминлаш борасидаги қоидалардан тортиб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ташаббусларгача бўлган жамиятнинг ҳар бир соҳасига таъсир ўтказади. Агар барча қонунлар ва уларга тегишли молиялаштириш масалаларига қулай шароит яратиш ва ногиронларни қамраб олишни стандартлаштириш учун имконият сифатида қаралганда эди, бу – ногиронларнинг жамиятдаги мақоми ва ролини тубдан ўзгартирувчи омилга айланган бўларди. Қулай шароитни таъминлашнинг асосий тамойили – қонун ва тизимларни универсал фойдаланиш имконияти нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш. Бунинг натижасида ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни яратишга бўлган эҳтиёж минимал даражага туширилиши лозим. Акс ҳолда қолган саъй ҳаракатлар муаммонинг олдини олиш эмас, балки унинг оқибатларини ҳал этишга қаратилган бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, ногиронларнинг ҳаётига дахлдор масалалар юзасидан қарор қабул қилишда улар билан яқиндан маслаҳатлашиш ва жараёнга уларни ҳам жалб этиш лозим. Бундай мажбурият НШҲКнинг 4 (3) ва 33 (3)-моддаларида белгиланган бўлиб, ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногирон болаларнинг ўз вакиллик ташкилотлари орқали Конвенциянинг амалга оширилиши ва мониторингида иштирок этиш ҳуқуқи НШҲК Кўмитасининг 7-сон Умумий изоҳида батафсил тушунтирилган.⁴⁰

40 Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, НБШҲК кўмитасининг ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган болаларнинг ўз вакиллик ташкилотлари орқали Конвенциянинг амалга оширилиши ва мониторингида иштироки тўғрисидаги 7-сон Умумий изоҳи, 2018 йил 9 ноябрь, <<https://www.ohchr.org/en/hrbodies/crpd/pages/gc.aspx>>.

Ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш

Ишчи гуруҳ

Парламентда ногиронларни қамраб олиш ишига алоқадорлик ҳиссини кучайтиришнинг илғор амалиётларидан бири – бу ногиронлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини илгари сурувчи қонунларни қўллаб-қувватлашдан манфаатдор бўлган депутатларнинг ишчи гуруҳи, гуруҳлараро ташкилоти ёки фракциясини ташкил этиш. Ишчи гуруҳ ногиронлик масалалари бўйича марказий тузилма бўлиб, ногиронлар гуруҳларининг манфаатларини акс эттирувчи шерик ташкилотлар билан алоқа қилувчи асосий бўғин вазифасини ўташи мумкин. НТлар билан фаол ҳамкорлик қиласиган шундай гуруҳлар ЕХХТ иштирокчи давлатларидағи бир қатор парламентларда ташкил этилган.

Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун одам ўзи ногирон бўлиши шарт эмас. Агар бундай гуруҳ мавжуд бўлса, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлашни кучайтиришга депутатлар ёки уларнинг ходимларини кўпроқ жалб қилиш ёки янги лойиҳаларни илгари суриш орқали ишчи гурухнинг фаолият кўламини кенгайтириш мумкин. Мавжуд гуруҳ аъзолари ва улар билан ҳамкорлик қиласиган шериклар билан сұхбатлар ўтказиш орқали гуруҳ ва унинг таъсирини қай тарзда кучайтириш мумкинлиги борасидаги янги ғоялар ишлаб чиқилиши мумкин.

Ногиронлар ташкилотлари ва жамоалари

Парламентлар янги қонунларни яратиши, эскиларини қайта күриб чиқиши, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларини ишлаб чиқиши жараёнида мазкур қарорларнинг таъсири остида бўладиган ногиронларнинг қарашлари ва фикр-мулоҳазаларини билиши беқиёс аҳамият касб этади. НТлар билан маслаҳатлашувлар турфа хил қонунлар, хусусан уй-жой билан таъминлаш, транспорт, таълим ва сайловларга алоқадор ҳужжатларни ишлаб чиқищдаги ўзига хос нозик жиҳатлар яхшироқ тушуниб етилишини таъминлаши мумкин. НТлар, шунингдек, ногиронлар ҳуқуқлари алоҳида қайд этилган ёки эътибор марказида бўлган қонунлар, ҳаракатлар режалари ва стратегияларни ишлаб чиқишда ҳам беқиёс шерик ҳисобланади. Ногиронларнинг турфа хил ташкилотлари бўлиши мумкин, жумладан ногирон шахсларнинг бош ташкилотлари, турли ногиронлик кўринишига эга шахсларнинг ташкилотлари, ўзини-ўзи тарғиб қилувчи ташкилотлар, ногиронларнинг оила аъзолари ва/ёки қариндошлари аъзо бўлган ташкилотлар, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ташкилотлари, ногиронлиги бўлган болалар ва ёшлар ташкилотлари ҳамда ташабbusлар.⁴¹

Ногиронликнинг турфа хил кўриниш ва турлари мавжудлиги сабабли ногиронлар ташкилотлари ёки коалицияларининг ҳам турфа хиллари билан ҳамкорлик қилиш муҳим. Масалан, ҳамкорликда фақат жисмоний қобилияти чекланган шахслар муаммолари билан шуғулланадиган НТ билан чекланиб қолиш тўғри эмас. Шу боис турфа хил НТлар, яъни турли ногиронликларга эга бўлган ва жамиятнинг турфа хил қатламларидан келиб чиқсан шахслар манфаатларини намоён қилувчи ташкилотлар билан, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёллар, ёшлар ёки этник озчиликлар вакилларини ўз ичига олган НТлар билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ. Эҳтимол, НТлар ҳар доим ҳам бошқа НТлар берган тавсияларни

41 Худди шу ерда.

қабул қылмаслиги мүмкін. Бундай ҳолаттарда улардан умумий тавсиялар рўйхатини тузиш учун биргаликда ишлашни сўраш лозим.

НТлар етакчилари ва вакиллари билан бўладиган учрашувларда парламентлар ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таклиф қилиш ва таъминлашга тайёр бўлиши керак.

Масалан, кар ва эшитиш қобилияти паст бўлган жамоалар манфаатларини намоён әтувчи НТ вакиллари сурдо таржимон ёки нутқни матнга айлантириш дастури хизматига муҳтож бўлиши мүмкін. Материалларни содда тилда, Брайл алифбосида ва аудио версияда тақдим этиш лозим бўлиши мүмкін. Агар парламентда қулай шароитни таъминлаш бўйича масъул ходим ёки гурӯҳ бор бўлса, бу масалалар билан айнан мана шу шахслар шуғулланиши ва назорат қилиши мүмкін.

Минтақавий ҳамкорлик

Қулай шароитлар стандартларини белгилаш борасидаги минтақавий ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқиш учун бошқа мамлакатлардаги парламентлар билан алоқа ўрнатиш имкониятини кўриб чиқиш лозим. Изчил стандартлар тижорат алоқаларини йўлга қўйиш, минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш ва илфор амалиётларни алмашишга ёрдам бериб, бутун минтақадаги фуқаролар бир хил қулай шароитларга эга бўлишини таъминлайди.

Бунга мисол тариқасида технологияларни келтириш мүмкін. Хусусан, муайян минтақа вакиллари минтақага импорт қилинадиган технологик маҳсулотларга нисбатан амал қиласидаган минимал қулайлик стандартлари тўғрисида келишиб олиши мүмкін. Яна бир мисол – бу сиёсий жараёнлар, негаки минтақавий парламентлар сиёсий жараён ва амалиётларнинг қулайлик стандартларига бағишлиган минтақавий тўпламини белгилаш бўйича қарор қабул қилиши мүмкін.

Қонунчилик

Сиёсий партиялар ва сайлов тўғрисидаги қонунчилик

Парламентлар ногиронлар масалаларини қўллаб-қувватлаши учун асос бўладиган кўплаб қонунлар мавжуд бўлса-да, парламентлар НТлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатган ҳолда сиёсий партиялар ва сайлов тўғрисидаги қонунчиликни ўрганиб чиқиши ва зарур ҳолларда ногиронлар сиёсий ва сайлов жараёнларида иштирок этиши йўлидаги қонуний ва сиёсий тўсиқларни минимал даражагача камайтириш ёки барҳам бериш учун уларни қайта кўриб чиқиши жуда муҳим.

Ишни сайловда овоз бериш ва сайловга ўз номзодини қўйиш тартибини белгиловчи қоидалардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Қонун чиқарувчилар сиёсий жараёнларда иштирок этиш учун лаёқатлилик талабларини танқидий нуқтаи назардан баҳолаши ва потенциал ҳуқуқий тўсиқлар бор-йўқлигини аниқлаши лозим. Ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишдан четлаштирилиш ёки маҳрум қилиниш хавфи остида қолмаслиги учун “лаёқат”, “қобилиятсизлик”, “касаллик”, “лаёқатсизлик” ёки “ваколатлилик”нинг таърифларини ўз ичига олган сайлов тўғрисидаги қонунлар қонунчилик тили ва уларнинг талқин қилиниши билан таниш бўлган шерик НТ ёки ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича маслаҳатчи ёрдамида қайта кўриб чиқилиши лозим.

Қуйида батафсил кўриб чиқиладиган ҳуқуқий лаёқат тўғрисидаги қонунлардан ташқари, парламентлар қонунларда тавсифланган қулай шароитлар ёки инклюзивликни таъминлаш чораларини (ёки уларнинг мавжуд эмаслигини) кўриб чиқишини мақсадга мувофиқ, деб билиши мумкин.

Масалан, сайлов тұғрисидаги қонунчилікка сайлов участкаларида қулай шароит яратилиши лозимлигини күзде тутадиган қоидаларнинг киритилиши ана шундай таклифлардан бири ҳисобланади. Овоз бериш учун тенг имкониятлар ва қулай шароитларни таъминлаш учун сайлов участкалари ва сайлов материаллари (хусусан, сайловчилар учун мүлжалланган күрсатмалар ҳамда сайлов бюллетенлари) ногиронлар учун қулай шакл ва күринишда бўлиши лозим.

Парламентлар, шунингдек, ногиронлиги бўлган номзодларнинг қулай шароитлар билан боғлиқ эҳтиёжларини қондириш учун умумий жамғармани шакллантириш масаласини кўриб чиқиши мумкин. Шу билан бирга, сиёсий партиялар ва сайлов кампаниясини молиялаштириш тұғрисидаги қонунларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали сайлов кампанияси давомида ногиронлик билан боғлиқ қўшимча харажатлари бўлган номзодлар йўлида учраши мумкин бўлган беихтиёр тўсиқлар, масалан, молиялаштириш лимитлари ёки молиялаштириувчи ташкилотлар бўйича чекловлар билан боғлиқ муаммолар бор-йўқлигини аниқлаш мумкин. *ДИИХБнинг Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солиш бўйича кўрсатмалари* бу борада яхши маълумот манбай ҳисобланади.⁴²

42 ДИИХБнинг Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солиш бўйича кўрсатмалари, иқтибос келтирилаётган ҳужжат, 11-изоҳ.

Хуқуқий лаёқат

Хуқуқий лаёқатнинг чекланганлиги, деганда шахс ўз ҳаётининг барча ёки айрим соҳалари билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қила олмаслик ҳолати тушунилади ва бу чекланганлик қисман ёки тўлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда шахс номидан айрим ёки барча қарорларни қабул қилиш учун қонуний вакил тайинланади. Бу ёндашув ногироннинг ўрнига қарор қабул қилиш сифатида маълум.

НШҲК мазкур ёндашувни қўллаб-қувватламайди. Аксинча, у ногиронлар ўзи танийдиган ва ишонадиган инсонлар кўмагида ўз қонуний ҳуқуқларидан фойдаланиши ва ўз ҳаётига дахлдор қарорларни ўзи қабул қила олишини таъминлашга қаратилган. Бу ёндашув Қарор қабул қилиш жараёнидаги кўмак сифатида маълум.

Қарор қабул қилиш жараёнидаги кўмак жараёнида ногиронга у қабул қилиши мумкин бўлган қарор турлари ва уларнинг оқибатларини тушуниб етишга ёрдам берадиган суд томонидан тайинланган шахс ёки шахслар гуруҳи иштирок этади. Масалан, ақлий имкониятлари чекланган шахсга сайлов жараёни, овоз бериш нимани англатиши ва овоз бериш нима учун муҳимлигини тушунишда маҳсус ёрдамчи ёки кўмак гуруҳи ёрдам бериши мумкин. Ногиронга кўмаклашиш учун танланган ёрдамчи ногирон овоз бераётгандан унга кўмаклашиш учун қонуний ваколатга эга бўлиши лозим.

Юқорида таъкидланганидек, НШҲКнинг 12-моддасида давлатлар “ногиронлиги бўлган шахслар ҳаётнинг барча жабҳаларида бошқалар билан тенг ҳуқуқий лаёқатдан фойдаланишини эътироф этиши” тасдиқланади. Яна бир баёнотда “Иштирокчи давлатлар ногиронлар ўз ҳуқуқий лаёқатини амалга оширишда уларга керак бўлиши мумкин бўлган кўмақдан фойдаланишини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар кўриши” таъкидланган.

НШХК қўмитаси Умумий изоҳининг 12-моддасида “ногиронларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш борасидаги ҳуқуқий лаёқатини тан олиш” муҳимлигини, яъни шахснинг “қарор қабул қилиш билан боғлиқ имкониятлари ногиронлиги бўлган шахсларни уларнинг сиёсий ҳуқуқлари, шу жумладан овоз бериш ҳуқуқи [ва] сайловга ўз номзодини қўйиш ҳуқуқини амалга оширишдан маҳрум қилиш учун асос бўла олмаслиги” таъкидланади.⁴³

Бундан ташқари, Демократияни қонун орқали таъминлаш бўйича Европа комиссияси (Венеция комиссияси) ҳамда Европа кенгаши каби бир қатор минтақавий институтлар томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг суд томонидан тайинланган васий ёки ёрдамчиси бўлган тақдирда ҳам улар сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши белгиланган.⁴⁴ Айни пайтда Европа кенгашининг ҳозирги позицияси, шу жумладан Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг прецедент ҳуқуқи, НШХКдаги ёндашувни тўлиқ акс эттирмаслигини таъкидлаш лозим. Юқорироқда айтиб ўтилганидек, НШХК ҳуқуқий лаёқатдан маҳрум этишга йўл қўймайди, аммо давлатлардан ҳуқуқларни амалга оширишда зарурӣ ёрдам кўрсатишни талаб қиласди.

43 Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, НБШХК қўмитаси 1-Умумий изоҳининг 12-моддаси: Қонун олдида тенг тан олиниш, 2014 йил 19 май, 48-банд, <<https://www.ohchr.org/en/hrbodies/crpd/pages/gc.aspx>>.

44 Мавзу бўйича батафсил маълумот олиш учун “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловларда иштирок этишига доир сайлов масалалари бўйича мақбул амалиёт кодексига Венеция комиссиясининг қайта кўриб чиқилган ва изоҳланган декларацияси”ни (2011 йил) ушбу ҳавола орқали [http://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD\(2011\)045.aspx](http://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD(2011)045.aspx) ҳамда Европа кенгаши Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссарининг “Ким қарор қабул қиласди? Интеллектуал ва ижтимоий-руҳий ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати” деб номланган ҳужжатини (2012 йил) ушбу ҳавола орқали <https://rm.coe.int/16806da5c0> кўриб чиқишингиз мумкин.

Афсуски, ЕХХТ иштирокчи давлатларининг кўпчилигига
суд томонидан тайинланган васий ёки ёрдамчиси бўлган
ногиронларнинг сиёсий жараёнларда иштирокини тақиқловчи
қонунлар бор. Парламентлар ҳуқуқий лаёқат борасидаги
қоидаларни НТларнинг эксперtlари билан келишилган ҳолда
кўриб чиқиши ва қонуний васийлари бўлган ногиронларнинг
ижтимоий-сиёсий ҳаётда тенг иштирок этиши йўлидаги
қонуний тўсиқларни олиб ташлаши тавсия этилади.

Жамоатчилик билан ишлаш

РНогиронлар ҳам, аввало, инсон. Уларнинг парламент ва қонунчилик фаолиятига нисбатан қизиқиши бошқаларники каби хилма-хил бўлиб, фақатгина ногиронлар ҳуқуқларига дахлор бўлган қонунлар доираси билан чекланмайди. Ногиронлар ногиронлик тўғрисидаги қонунлардан фойдаланиши учун қулай шароитларга эга бўлиши борасида аниқ масъулият бор бўлса-да, ногиронлар бошқа қонунлар, шу жумладан таълим, транспорт, соғлиқни сақлаш, бандлик ва уй-жой билан таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатлардан фойдаланишда ҳам тегишли қулайликлар билан таъминланиши борасида ҳам худди шундай масъулият мавжуд.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ногиронлиги бўлган шахслар билан маслаҳатлашиш мажбурияти НШҲКнинг асосий тамойилларидан биридир. НШҲКнинг 4 (3)- моддаси давлатлардан “ногиронлиги бўлган шахслар билан боғлиқ масалаларда” ногиронлар билан яқиндан маслаҳатлашиш ва уларни фаол жалб қилишни талаб этади. НШҲК қўмитасининг 7-сон Умумий изоҳида таъкидланишича, у “ногиронлар ҳуқуқларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонуний, маъмурий ва бошқа чораларнинг тўлиқ мажмуаси”ни қамраб олади. Ногиронларга бевосита таъсир кўрсатадиган масалалар доирасига конституциявий қонунлар, сайлов қонунчилиги, одил судловга эришиш, ногиронлиги бўлган шахсларга оид сиёsat ёки таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва бандлик соҳаларидағи давлат сиёsatини тартибга солувчи маъмурий органларни тайинлаш кабилар киради.⁴⁵ Кўриниб турибдики, булар жамиятнинг ногиронлиги бўлган ёки бўлмаган ҳар қандай аъзосини қизиқтирадиган жуда кенг доирадаги масалалардир.

45 7-сон Умумий изоҳ, иқтибос келтирилаётган ҳужжат, 42-изоҳ.

Янги қонунларни ишлаб чиқишида жамоатчилик билан маслаҳатлашиш орқали қонун чиқарувчилар биринчи уринишдаёқ түғри қарор қабул қилиши мумкин бўлиб, бунга қуидаги омиллар орқали эришилади:

- таклиф қилинаётган қонун орқали ҳал қилиниши кутилаётган муаммони чуқурроқ ўрганиш;
- мавжуд барча сиёсий ечимларни аниқлаш ва улар билан боғлиқ харажатлар ва манфаатларни баҳолашга ёрдам бериш, шу жумладан мавжуд шароитларда муайян ечимларни амалга ошириш имкониятини баҳолаш;
- тўқнаш келган манфаатлар ўртасида мувозанатни топишга ёрдамлашиш;
- таклиф қилинаётган қонуннинг таъсирини, жумладан турли ижтимоий гуруҳлар вакилларининг инсон ҳуқуқларига таъсирини тушунишга ёрдамлашиш; ва
- таклиф қилинаётган ёндашувнинг кутилмаган таъсиirlарини ва аввал сезилмаган заиф жиҳатларини аниқлаш.

Жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар ўтказишнинг турфа хил усуллари мавжуд. Улар сирасига онлайн тарзидағи ёзма маслаҳатлашувлар, жамоат тингловлари, семинарлар, фокус-гуруҳлар ва ярим расмий сўровномалар киради. Маслаҳатлашув жараёнининг самарадорлиги маслаҳатлашув воситаларига боғлиқ. Маслаҳатлашув воситаларини танлашда муайян гуруҳлар манфаатларини илгари сураётган ёки тегишли масалалар устида ишлаётган ННТлардан маслаҳат олиш ҳам асқотиши мумкин.⁴⁶

46 Батафсил маълумот учун ДИИХБнинг Українда жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар борасидаги Кўрсатмаларига қаранг. Қуидаги ҳавола орқали топишингиз мумкин: <<https://www.legislationonline.org/documents/id/22238>>.

Қулай шароитларни таъминлаш билан боғлиқ қоидаларни жамоатчилик билан маслаҳатлашув асосида кўриб чиқишдан аввал тадбирни пухта режалаштириш устида ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ. Парламент ходимлари қуийдаги масалаларда тайёргарликдан ўтиши ва тегишли ваколатларга эга бўлиши лозим:

- Жамоатчилик вакиллари билан учрашиш учун парламент биносидаги қулай шароитлар билан таъминланган хонани банд қилиш;
- Агар қулай шароитлар билан таъминланган хона бўлмаса, бошқаларни жалб қилган ҳолда мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш ёки камайтириш (масалан, маҳсус йўлаклар яратиш учун мебелларни қайта жойлаштириш, агар эшикларни тугма ёрдамида очишнинг имкони бўлмаса, уларни очиб туриш учун кўнгиллиларни тайинлаш);
- Видеолавҳалар титрлар билан намойиш этилишини ташкил этиш;
- Видеолавҳаларнинг аудио тавсифли вариантини тайёрлаш;
- Жамоатчилик вакиллари билан бўладиган учрашувларда ногиронлар учун мослаштирилган шароитлар тақдим этилишини тарғиб қилиш; ва
- Ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш тўғрисидаги мурожаатларни самарали тарзда ва ўз вақтида кўриб чиқиш.

Ҳали ташкил этилмаган бўлса, жамоатчилик билан учрашувларнинг жонли видео трансляциясини ҳавола этиш имкониятини кўриб чиқинг. Бу – фуқароларга тадбирда уйдан туриб иштирок этиш имкониятини тақдим этади.

Видеолавҳалар жонли титрлар ва сурдо таржима билан ҳам таъминланиши лозим.

Парламентларнинг веб-сайтлари интернетдан фойдаланиш қулаилиги стандартларига жавоб бериши лозим. Интернетда Word ёки PDF форматида жойлаштирилган ҳар қандай ҳужжат қулаилик стандартларига мос тарзда яратилиши мумкин.

Кулай шароитларни таъминлаш бўйича маъсул ходим ва / ёки ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича маслаҳатчи интернетдан фойдаланишнинг қулаилик хусусиятларини стандартлаштириш бўйича парламент ходимлари билан биргаликда ишлаши мумкин.

Парламент ҳужжатларидан, шунингдек, оғлайн режимда ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиши лозим. Парламент ходимлари мурожаат асосида ҳужжатларни аудио форматда, катта ҳарфларда, Брайл алифбосида ёки ўқилиши осон бўлган кўринишларда тақдим этишини таклиф қилиши мумкин.

Нутқлар, тарғибот-ташвиқот материаллари ҳамда жамоатчилик фойдаланиши учун очиқ бўлган ҳужжатларда, айниқса улар ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган бўлса, тегишли тил ва атамалардан фойдаланиш жуда муҳим. Айниқса, турли тилларда ногиронлик шакллари турлича номланиши сабабли бу - ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича маслаҳатчилар ёки шерик НТлар мукаммал кўрсатмалар бериши мумкин бўлган соҳадир.

Ходимлар ۋا ماڭمۇرىي تارтиبلار

Парламентلار ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш ва инклюзивликни таъминлаш тамойилларини, аввало, ўز маڭمۇرىي ходимлариغا нисбатан қўллаш орқали ўз мисоли билан ўрнак кўрсатиш имкониятига эга. Парламент маڭмۇرىй тузилмалари инклюзивлик даражасини ошириш ва ногиронлар учун қулай шароитлар яратиш борасида амалга ошираётган ишларида устуворлик берилиши мумкин бўлган тўртта йўналиш бор:

1. Парламентда ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш масалалари учун масъул бўлган ходим ёки гуруҳ бўлиши;
2. Ногиронлиги бор депутатлар, иш сўраб мурожаат қилувчилар, ходимлар ва ташриф буюрувчиларнинг қулагайлик борасидаги эҳтиёжларини қондириш;
3. Дискриминацияга йўл қўймасдан ишга ёллаш амалиётларини қўллаб-қувватлаш; ва
4. Ходимларни ногиронлар билан тўғри мулоқот қилиш ва уларнинг қулай шароитлар борасидаги эҳтиёжларини қондириш бўйича маҳсус тайёргарликдан ўтказиш.

Ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш масалалари бўйича маслаҳатчилар

Қандай номланишидан қатъи назар, парламентда ногиронлар учун қулай шароит яратиш масалалари бўйича масъул ходим, гуруҳ ёки маҳсус тайёргарликдан ўтган эксперталар қўмитасининг бор бўлиши – ногиронлар учун қулай шароит яратиш ва инклюзивликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларга бошчилик қиласидиган камида битта ходим бўлишини таъминлайди.

Агар мамлакат ёки парламент ҳаддан ташқари катта бўлса, ногиронлиги бўлган депутатлар, ходимлар ва ташриф буюрувчиларга кўмаклашадиган камида икки ёки уч нафар ходимдан иборат гуруҳ ёки қўмита бўлгани маъқул. Ногиронлар учун қулай шароит яратиш масалалари бўйича масъул ходим ёки гуруҳнинг мажбуриятлари сирасига қўйидагилар (булар билан чегараланмаган ҳолда) кириши мумкин:

- Парламент фаолиятида ногиронлар учун қулай шароит яратиш бўйича стандартлар ва чора-тадбирларни белгилаш;
- Зарур ҳолатларда ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш бўйича парламент сиёсати ва тартиб-қоидаларини белгилаш ва амалга ошириш;
- Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўқув курсларини ташкиллаштириш;
- Ногиронлар учун қулай бўлган рақамли ва босма материалларни яратиш ва жамоатчилик улардан эркин фойдаланишини таъминлаш;
- Парламентга ташриф буюрувчи ногиронлиги бўлган шахсларни кутиб олиш;

- Ногиронлик масалалари билан боғлиқ маълумотларни, жумладан ногиронлар учун мослаштирилган шароитлар билан таъминлаш ҳолатларининг сони ва улар билан боғлиқ харажатларни мониторинг қилиш;
- Ходимлар фойдаланиши учун зарур бўлган маълумотномаларни яратиш учун НТлар билан ҳамкорлик қилиш;
- Дискриминацияга йўл қўймасдан ишга ёллаш амалиётларини жорий қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш; ва
- Ногиронлиги бўлган амалиётчилар ва янги ходимлар учун мураббийлик дастурларини ташкил қилиш.

Ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш сиёсати

Парламентларга ногиронлар учун қулай шароит яратиш масаласига мавжуд муаммони ечиш нуқтаи назаридан эмас, балки унинг олдини олиш нуқтаи назаридан ёндашиш тавсия этилади. Биринчи ҳолатда парламентлар қулай шароит яратиш масаласига охирги дақиқада, яъни муаммо бўй чўзигб улгурганда эътибор қаратади. Аслида эса уларда мазкур муаммоларнинг олдини олиш учун мўлжалланган аниқ тизим ва кўрсатмалар бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ногиронлар учун қулай шароит яратиш бўйича ишончли шерик НТлар кўмагида ишлаб чиқилган пухта сиёсий чоралар ногиронлиги бўлган депутатлар, ташриф буюрувчилар ва парламент ходимлари учун қулай шароит меъёрларини белгилаш ва нормаллаштиришга ёрдам бериши мумкин.

Ногиронлар учун яратилган қулай шароит, деганда ногиронлиги бўлган шахс фойдаланиши учун қулай

бўлган тизим, маҳсулот, хизмат ёки муҳит тушунилади. Парламентдаги қулайлик тўғрисида гап кетганда, ногиронлиги бўлган ташриф буюрувчидан тортиб, ходим ва депутатгача бўлган барча учун иштирокнинг барча даражаларида ижобий, инклузив шароитлар таъминланганлиги тушунилади. Парламентларда ногиронлар учун қулай шароитларни таъминлаш чоралари сирасига бинони қайта таъмирлаш ёки қайта қуриш чоғида ногиронлар учун қулай шароитлар борасидаги замонавий стандартларга риоя этилиши ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган материаллар имо-ишора тили, ўқилиши осон материаллар ва аудио материаллар каби қулай форматларда ҳам тақдим этилиши киради.

Ногиронлиги бўлган барча шахслар ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар (жинси, ёши, миллати, ирқи ва ҳоказо) парламентга ташриф буюриши ёки унга ишга жойлашиш масаласида мурожаат қилиши мумкинлигини таъкидлаган ҳолда, ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш сиёсатини дискриминацияга йўл қўймаслик сиёсати билан уйғунлаштириш фойдали бўлиши мумкин. Ногиронлар учун қулай шароит яратиш, шунингдек, универсалликни таъминлаш учун ажойиб асос бўлиши мумкин.

Агар парламент бинолари, ходимлар тузилмалари, тартиб-қоида ва сиёсий чоралар ногиронлиги бўлган эркак ва аёлларнинг инклузивлигини энг юқори даражага кўтариш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган бўлса, бу - жамиятнинг бошқа аъзолари учун ҳам фойдали.

Ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш сиёсати ва тартиблар

Гарчи парламентлар ногиронлар учун қулай шароит яратиш билан боғлиқ чора-тадбирларни олдиндан амалга оширишга имкон қадар ҳаракат қилиши керак бўлса-да, мослаштирилган шароитлар билан боғлиқ қўшимча талаблар қўйилиши мумкин. Ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш сиёсати ходимларнинг ушбу масалага нисбатан умумий ёндашуви ва тартибларни тавсифлайди. Масалан:

- Парламентнинг ногиронлар ҳуқуқларига доир ҳалқаро ва миллий қонунларга риоя қилиш мажбурияти;
- Парламентнинг ногиронлар бандлик ва иш жойи масалаларида тенг имкониятларга эга бўлишини қўллаб-куватлаш мажбурияти; ва
- Талаб қилинаётган ногиронлар учун мослаштирилган шароитлар парламент учун ортиқча юк бўлмаган, депутатлар, ходимлар ва ташриф буюрувчилар учун мослаштирилган шароитлар таъминланишини кафолатлаш.

Ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш бўйича сиёсий чораларни ишлаб чиқишида парламент ходимлари ногиронлик масалаларига оид қонунчилик соҳасидаги тажрибали мутахассислар ва НТлардан маслаҳат олиши тавсия этилади.

Ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш чоралари асосида, шунингдек, қўйидаги масалалар борасидаги муайян кўрсатмалар ҳам ишлаб чиқилиши мумкин:

- Ногиронлиги бор депутатларга ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш тўғрисидаги

мурожаатларни киритиш ва уларни кўриб чиқиш босқичлари;

- Ногиронлиги бор ходимларга ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш тўғрисидаги мурожаатларни киритиш ва уларни кўриб чиқиш босқичлари;
- Ногиронлиги бор ташриф буюрувчиларга ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш тўғрисидаги мурожаатларни киритиш ва уларни кўриб чиқиш босқичлари;
- Ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш учун масъул ходим;
- Муаммо юзага келганда нима қилиш керак;
- Шикоят ва мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби; ва
- Ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш билан боғлиқ маълумотларни кузатиб бориш тартиби.

Сиёсий чора-тартибларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда, ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш учун масъул ходим ёки гурӯҳ мазкур соҳада фаолият юритадиган юқори сифатли хизмат кўрсатувчиларни олдиндан аниқлаш учун шерик НТлар билан ҳамкорлик қилиши жоиз бўлиб, уларнинг рўйхати муентазам янгиланиб турилиши ва сайлов органлари ҳамда сиёсий партияларга тақдим қилиниши мумкин. Бу орқали сайлов ҳамда сиёсий тузилмалардаги хизматлар сифатининг бир хил бўлишига эришилади.

Дискриминацияга йўл қўймаган ҳолда ишга ёллаш амалиётлари

Парламент ходимларини ишга жалб қилиш ва ёллашда дискриминацияга йўл қўйилмайдиган амалиётларни жорий этиш ногиронлиги бўлган малакали шахсларнинг сиёсий муассасаларда муносиб иш топиш борасидаги имкониятларини оширади.

Парламентлар янги иш ўринлари билан боғлиқ тарғибот ишларини ногиронлиги бўлган жамоалар орасида ҳам олиб бориши тавсия этилади. Бунда бўш иш ўринлари тўғрисидаги эълонларни ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасининг етакчилари ва шерик НТларнинг тармоқлари орқали улашиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ногиронлар масалалари билан шуғулланувчи ходим ёки гурӯҳ иш қидираётган ногиронларнинг электрон почта манзиллари рўйхати ёки контакт гурӯҳини тузиши мумкин.

Ишга жойлашиш учун ариза бериш жараёни ногиронлиги бўлган иш изловчилар учун нақадар қулай тарзда ташкил этилганини билиш учун ариза бериш жараёнини текшириб, синовдан ўтказиш мақсадга мувофиқ. Масалан, экрандаги матнни ўқиши дастуридан фойдаланадиган шахс (одатда, кўриш қобилияти суст бўлган шахс) ишга жойлашиш тўғрисидаги ариза билан онлайн режимда таниша оладими, аризанинг аудио кўриниши ёки, у босма шаклда бўлса, Брайл алифбосидаги кўриниши борми?

Иш ўрнига даъвогарлик қилаётган номзодлар билан бўладиган сухбатларни режалаштириш жараёнида кадрлар бўлими ходими рўйхатга кирган номзодларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида тегишли текширувни ўтказиши мумкин. Бунда номзодлар рўйхатида турли ирқ, миллат, қобилият ва жинсга мансуб малакали шахслар бор-йўқлигини кўриб чиқиш лозим. Агар рўйхатга фақат этник кўпчилик вакиллари кирган бўлса,

У ҳолда жамиятнинг бошқа гурӯҳ ва қатламларидан бўлган номзодларни қамраб олиш учун ишга ёллаш амалиётларини қандай ўзгартириш мумкинлигини кўриб чиқиш лозим.

Парламент ходимлари мамлакат аҳолисининг турфа хиллигини қай даражада акс эттиришини тушуниш учун ногиронлар масалалари учун масъул бўлган ходим ёки гурӯҳ неча нафар ногирон ишга жойлашиш тўғрисида ариза топширгани, номзодларнинг неча нафари ишга қабул қилингани ва ходимлар орасида ногиронлиги бўлган шахслар неча нафар экани тўғрисидаги маълумотларни юритиши мумкин. Шунингдек, ишдан бўшаш кўрсаткичларини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, яъни ногиронлиги бўлган ходимларнинг ўртacha хизмат муддати бошқа ходимларники билан ўхшашми ёки улар ишга қабул қилинганидан кейин кўп ўтмай бўшаб кетяптими? Бу маълумотлар ногиронларнинг инклюзивлигини таъминлаш чора-тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолашда фойдали бўлиши мумкин.

Ходимларни тайёрлаш

Иш берувчилар ва уларнинг ходимлари ногиронлиги бўлан эркак ва аёлларнинг ўтмиши, ҳаёти давомидаги кураш ва ғалабаларидан бехабар бўлиши ғайритабиий эмас. Шунингдек, кўплаб одамлар ногиронлар тўғрисида фақат қайғули ёки салбий фикрларни эшитган бўлиши мумкин. Пухта ишлаб чиқилган тайёргарлик дастурлари ходимларга ногиронлар ҳуқуқлари концепцияси билан танишиш ва ногиронлиги бўлган депутатлар, бўш иш ўрни учун номзодлар, ҳамкаслар ва ташриф буюрвчилар билан оғир-босиқлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш бўйича аниқ кўрсатмаларни ҳавола этади. Имкон бўлса, ўқув тадбирлари ногиронлиги бўлган эркак ва аёллар томонидан ишлаб чиқилиши ва олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади. Улар ногиронлар ҳуқуқларига нисбатан бошқалардан тубдан фарқ қиласидиган

билим ва тажрибаларни тақдим этиши мумкин. Парламент ўз ходимлари учун, шунингдек, ногиронлар учун қулай шароитни таъминлаш сиёсати, дискриминацияга йўл қўймасдан ишга ёллаш сиёсати ва ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш тартиб-қоидалари бўйича ўқув тренинглари ўтказиши лозим. Гарчи ногиронлар учун қулай шароитларни таъминлаш чоралари ва ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш бўйича мурожаатларнинг аксарият қисми билан тегишли масъул ходим ёки гуруҳ шуғулланса-да, ҳар бир ходим ногиронлар учун қулай шароитларни таъминлаш сиёсати ва зарур ҳолларда ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш бўйича мурожаатлар киритилганда ташриф буюрувчилар ва депутатларга қай тарзда ёрдам кўрсатиш ҳақида умумий тушунчага эга бўлиши лозим.

Ногиронлиги бўлган ёшларни парламент фаолиятига жалб қилиш

Ёшлар ижтимоий ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлса-да, айрим тадқиқотлар ёшларнинг сиёсий жараёнларни тушуниш ёки уларда иштирок этиш даражаси бошқа ёш гуруҳларига нисбатан пастроқ эканини кўрсатади.⁴⁷ Парламентлар ёшларни сиёсий жараёнларга жалб қилиш имкониятларини ўрганар экан, етарли даражада вакилликга эга бўлмаган қатламларнинг ёшлари, шу жумладан этник озчиликлар вакиллари бўлган ёшлар, ёш аёллар ва ногиронлиги бўлган ёшлар (ёки ҳар қандай комбинацияда) учун имкониятлар яратиш жуда муҳим.

2014 йилда ДИИХБ Ёшлар етакчилари форумини ташкиллаштириб, ЕХХТ иштирокчи давлатларидан келган 100 дан зиёд ёшлар етакчилари билан биргаликда сиёсий жараёнларга жалб этилган ёшларни кўпайтириш борасидаги тавсияларни ишлаб чиқиш устида иш олиб борди. Ёшларга фуқаролик хуқуqlари тўғрисида билим бериш ва сиёсий жараёнлардаги иштирок билан кундалик ҳаёт ўртасидаги боғлиқликни тушуниб етишда технологиялардан фойдаланиш масаласига катта устуворлик берилди.⁴⁸

Мазкур концепцияга асосланган ҳолда парламентлар ижтимоий тармоқлар ва интерфаол веб-дастурларнинг афзалликларидан ногиронлар учун қулай ва инклюзив

47 БМТнинг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича бошқармаси, Бутунжаҳон ёшлар ҳисоботи (БМТ, 2016 йил), 63-64-бетлар, <<https://www.un.org/development/desa/youth/world-youth-report.html>>.

48 ЕХХТ/ДИИХБ, “ЕХХТ минтақасида ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига кўмаклашиш ва фаоллигини ошириш”, (Варшава, 2014 йил), 17-18-бетлар, <https://www.osce.org/odihr/155691?download=true>.

усулларда фойдаланиши учун беқиёс имконият мавжуд. Ногиронлар учун қулай шароитларни таъминлаш масалалари билан шуғулланадиган ходимлар ёки парламентнинг ногиронлар масалалари бўйича ишчи гуруҳи ногирон ёшлар етакчилари ёки ногирон ёшлар гуруҳлари билан ҳамкорлик қилиш орқали қизиқарли ва қувноқ электрон таълим имкониятларини яратишга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Масалан, ногиронлиги бўлган ёш йигит ва қизлар депутатлар билан суҳбатлар ўюштириши ва таълим олишга кўмаклашадиган видеолавҳалар, янгиликлар ёки ўйинлар яратиши мумкин.

Ёшлар ёки ногирон ёшлар учун мўлжалланган ижтимоий маслаҳатлашувлар ёшларга, жумладан ногирон ёшларга ўз қарашлари, ғоялари ва келажак ҳақидаги ташвишларини депутатлар билан ўртоқлашиш учун имконият яратиши мумкин. Ногирон ёшларни сиёсий жараёнларга жалб қилишнинг яна бир усули - бу уларнинг амалиёт дастурлари ва сиёсий етакчилик дастурларида иштирок этишига кўмаклашиш. Бунга ногирон ёшлар билан фаол ишлаш, уларни парламентдаги бўш иш ўринларига ишга жойлашишга ариза беришга ундаш ва ишга жойлашгач, улар ногиронлар учун мослаштирилган шароитлар биан таъминланишини таъкидлаш орқали ишга ёллаш воситасида эришиш мумкин. Шунингдек, ногирон ёшлар учун маҳсус мўлжалланган амалиёт ёки фуқаролик таълими дастурини ишлаб чиқиш учун ногиронларнинг турли гуруҳларини намоён этувчи НТлар, тажрибали фуқаролик жамияти ташкилоти ва сиёсий партиялар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш фойдали бўлиши мумкин.

Бюджетлар

Ногиронлар учун қулай шароитларни таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш учун керак бўладиган жорий эҳтиёж билан бир қаторда келажакда кутилаётган эҳтиёжларни ҳам ўйлаб қўйиш зарар қилмайди. Олдиндан режалаштириш орқали парламентлар ногиронлиги бўлган депутатлар, ташриф буюрувчилар ёки ходимларнинг қулай ёки мослаштирилган шароитларни таъминлаш билан боғлиқ мурожаатларини молиялаштириш учун етарли даражада маблағлар мавжудлигини таъминлаши мумкин.

Ногиронлар учун мослаштирилган шароитлардан ташқари, қулай шароитларни яратиш билан боғлиқ такомиллаштиришлар харажатларини қоплаш имконини ёрдам берадиган маҳсус марказлашган жамғарма ташкил этиш мумкин. Ундан, хусусан, парламент веб-сайтидан фойдаланиш қулайлигини яхшилаш, бинода тактиль кўрсаткичларни ўрнатиш ёки ўқилиши осон бўлган гид китобчаларини яратиш учун фойдаланиш мумкин.

Ниҳоят, жамғармадан шерик НТлар ва ногиронлар ҳуқуқлари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун фойдаланиш мумкин, негаки улар парламентларга ногиронлар учун янада қулайроқ бўлишда ёрдам беради. НТларнинг кўпчилиги ташқи кўмакка таянадиган нотижорат ташкилотлар бўлиб, уларнинг доимий равишда бепул ёрдам кўрсатиш учун молиявий имкониятлари бўлмаслиги мумкин. Парламент томонидан НТларнинг фаолияти учун муносиб ҳақ тўлаш – қонун чиқарувчи ҳокимият ногиронлар таҳшилотларининг сиёсий чоралар, шароит ва тартиб-қоидалар ҳамда маданиятларнинг инклузив ва ногиронлар учун қулай бўлишини таъминлаш борасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлашини намойиш этишнинг яна бир усулидир.

Бўлимда ёритилган асосий масалалар

- Парламентлар демократик институтларнинг, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларга дахлдор масалаларда инклюзивлик ва вакилликка асосланган сиёсатини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.
- Ишни шароит қулайлигини баҳолашдан бошлаган яхши, негаки бу - парламентларга ўз фаолиятининг муҳим йўналишларини белгилашга ёрдам беради. НТлар билан ҳамкорлик қилиш тавсия этилади.
- Қонун чиқарувчи ҳокимият сифатидаги вазифасини амалга оширишда парламентлар ногиронларни сиёсий жараёнларга жалб этиш бўйича ички **ишчи гуруҳларни ташкил этиш** ва НТлар каби **жамоавий ҳамкорлар** иштирокидан манфаатдор.
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишига нисбатан тўсиқларни аниқлаш ва уларни камайтириш учун парламентлар **сайловлар тўғрисидаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиши** зарур. Хусусан, парламентлар суд томонидан тайинланган васий ёки ёрдамчиси бўлган ногиронларнинг сиёсий жараёнларда иштирокини чеклайдиган ёки тақиқлайдиган қонунларга эътибор бериши лозим.
- Жамоатчилик билан алоқалар жараёнида **ижтимоий маслаҳатлашувлар инклюзив**, тайёрланаётган **ахборот маҳсулотлари** ва тадбирлар эса ногиронлар учун қулай кўринишга эга бўлишини таъминлаш муҳим.

- **Маъмурий ходимларни махсус тайёргарликдан ўтказиш ва, эҳтимол, ногиронларга қулай шароитларни яратиш масалалари бўйича маслаҳатчи ёки унинг муқобилини тайинлаш етарли даражада вакилликка эга бўлмаган жамоаларнинг инклузивлигини оширади.**
- Ногиронлар учун **қулай шароитларни яратиш сиёсати** парламентларга инклузивликни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбир ва ёндашувларни аввалдан аниқлашда ёрдам беради. Қулай шароитларни яратиш сиёсатини **дискриминацияга йўл қўймаслик сиёсати** билан уйғунлаштириш (**ишга ёллашда дискриминацияга йўл қўймаслик амалиётларидан** фойдаланган ҳолда) етарли даражада вакилликка эга бўлмаган гуруҳлар аъзолари, хусусан, ногирон ёшларни қўллаб-қувватлайди.
- Ниҳоят, парламентнинг ногиронлар учун қулай шароитларни таъминлаш борасидаги чораларини молиялаштириш учун **қулайликни таъминлаш бюджетини** шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бюджетлар шакллантирилаётганда ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш борасидаги жорий ва келгуси эҳтиёжлар ҳисобга олиниши лозим.



Хулоса

2006 йилда НШҲК қабул қилинганидан бўён ногиронлиги бўлган эркаклар, аёллар ва болаларни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётга жалб қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Бироқ, олдинда ҳали қилинадиган иш кўп бўлиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнларда тенг иштирок этиши ва етакчилик қилиш имкониятларини таъминлаш унинг бир қисми, холос.

ЕХҲТ иштирокчи давлатларидағи сиёсий партия ва парламентлар бор имкониятларни ўрганиб, инклузивликка кўмаклашадиган тизимларни яратар экан, ҳар бир шахснинг, шу жумладан ногиронлиги бўлган инсонларнинг мазкур жараёнларга жалб этилишини таъминлаш ўта муҳим. Бунда, шунингдек, ногиронлиги бўлган аёллар, ёшлар ва этник озчиликлар вакиллари (шу жумладан, туб аҳоли) ҳам эътибордан четда қолиши мумкин эмас.

Сиёсий партиялар, парламентлар ва ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорлик бу соҳадаги янги саъи-ҳаракатларни йўналтириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Хусусан, НТлар ва ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар ўзига хос тажрибага эга бўлиб, келгуси ишларда бебаҳо иттифоқчи вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Айни пайтда парламентлар ва сиёсий партиялар фақатгина ногиронлар ҳуқуқларига дахлдор бўлган қонун ва сиёсий қарорлар билан чекланиб қолмасдан, турфа хил масалалар бўйича парламент ва қонунчилик фаолиятида қатнашишини истаган ногиронларнинг қизиқишлигини эътироф этиши лозим.

Сиёсий жараёнларда иштирок этиш демократияни ҳаракатга келтирувчи воситадир. Жамиятнинг турли қатламлари – ёшлар, аёллар, кексалар, эркаклар, Рома ва Синти сингари этник озчиликлар ва бошқа гуруҳлардан бўлган ногиронларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки гуллаб-яшнаётган, қонун устувор бўлган ва том маънодаги вакилликка асосланган демократик жамиятлар учун ўта муҳимдир. Жамиятнинг турфа хил қатламларидан бўлиб, сиёсий партияларга қўшилаётган, парламентлар билан алоқага киришаётган, сайловларга ўз номзодини қўяётган, сиёсий етакчи ва депутатлар айланаётган ногирон инсонларнинг сони ўсар экан, инклюзив, ҳар томонлама қулай ва тенг ҳуқуқли келажакка элтувчи шериклик ва ҳамкорлик ришталари ҳам кўпаяди ва мустаҳкамланади.

Иловалар

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзивлигини таъминлаш бўйича сиёсий партиялар учун мўлжалланган назорат саволлар рўйхати

Мазкур назорат саволлар рўйхати сиёсий партияларга ўз фаолияти давомида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш имкониятларини аниқлашнинг тезкор усулини таклиф этади. Илтимос, бу фақат қўшимча манба эканини унутманг. У ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар ва НТларнинг кўрсатмалари ўрнини босиш учун мўлжалланмаган.

Кўрсатмалар

Партия етакчилари ва/ёки ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича шериклар билан келишган ҳолда, ҳар бир саволга иложи борича “ҳа”, “йўқ” ёки “тегишли эмас” (Т/Э), деган жавобни беринг. Зарурият туғилганда, жавобларни аниқлаштириш учун ҳар бир бўлимга шарҳлар қўшилиши мумкин.

Иш якунида ҳар бир саволга берилган жавобни кўриб чиқинг. “Ҳа” жавоби мазкур йўналишда ногиронлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилганидан далолат беради. “Йўқ” жавоби ногиронлиги бўлган шахслар учун инклюзивлик ва/ ёки қулай шароитларни такомиллаштириш учун яна имкониятлар борлигидан далолат. Сиёсий партиялар “йўқ” жавоби берилиши натижасида аниқланган имкониятларни амалга ошириш учун ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар ва НТ билан ҳамкорлик қилиши тавсия этилади.

Партияга аъзолик

	ҲА	ЙҮҚ	Т/Э
1. Партияга аъзолик бадали борми, даромади паст ногиронлар учун чегирмалар ёки бошқа молиявий имтиёзлар кўзда тутилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
2. Партиянинг аъзоликка қабул қилиш стратегиясида тарғибот ишларини ногиронлар гуруҳлари орасида амалга ошириш кўзда тутилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
3. Партияга аъзо бўлиш учун ариза шакли турли форматларда, масалан телефон, қофоз ва онлайн кўринишида таклиф қилинадими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
4. Партия ногиронлар ташкилотлари билан маслаҳатлашган ҳолда ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтиёрий квоталарни ажратиш масаласини кўриб чиқсанми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
5. Партиянинг ногиронлиги бўлган аъзолар сони тўғрисидаги маълумотларни тўплаш тартиби мавжудми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Шарҳлар: _____

Партия номзоди

	ХА	ЙҮҚ	Т/Э
6. Агар партия фуқаролик ҳуқуқи ёки етакчилик таълим дастурларини қўллаб-қувватласа, уларга ногиронлиги бўлган иштирокчиларни жалб қилишни рағбатлантирадими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
7. Агар партияning потенциал номзодлар учун мўлжалланган етакчилик ёки мураббийлик дастурлари бор бўлса, уларга ногиронлиги бўлган эркак ва аёлларнинг жалб этилиши кўзда тутилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
8. Партия сайловга номзоди қўйилиши мумкин бўлган ногирон эркак ва аёлларни аввалдан аниқлаб оладими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
9. Партия ногиронлиги бўлган эркак ва аёлларни сайловга ўз номзодини қўйишга ундейдими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
10. Партия номзодларидан неча нафарида ногиронлик борлиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаш тартиби борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Шарҳлар: _____

Сиёсий чора-тадбирлар, платформалар _va гастурлар

	ҲА	ЙҮҚ	Т/Э
11. Партияning ногиронлар учун қулай шароитларни таъминлаш сиёсати борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
12. Агар бундай сиёсат бор бўлса, партия аъзолари, сайлов кампанияси ходимлари ва жамоатчилик аъзолари унинг доирасида қамраб олинганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
13. Агар ногиронлар учун қулай шароитларни таъминлаш сиёсати бор бўлса, сайлов кампанияси ходимлари ва партия аъзоларининг бу сиёсат ҳақида хабари борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
14. Агар ногиронлар учун қулай шароитларни таъминлаш сиёсати бор бўлса, ундан ўқилиши осон форматда, имо-ишора тилида, қулай PDF форматида ёки веб-саҳифада фойдаланиш мумкинми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
15. Партияning ногиронлар ҳуқуқларига боғлиқ бўлиб, ва, ҳеч бўлмаганда, битта мақсад ёки йўналишни акс эттирган оммавий платформаси ёки дастури борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
16. Агар оммавий платформа ёки дастур мавжуд бўлса, ундан ўқилиши осон форматда, имо-ишора тилида, қулай PDF форматда ёки веб-саҳифада фойдаланиш имконияти борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Шарҳлар: _____

Сайловчиларни жалб қилиш

	ХА	ЙҮҚ	Т/Э
17. Партияning жамоатчилик билан алоқа стратегияси тарғибот ишларининг ногиронлар орасида ҳам амалга оширилишини назарда тутадими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
18. Жамоатчилик билан алоқа гуруҳи ногиронлиги бўлган эркак ва аёллар акс этган матн ва суратли инклюзив сайлов материалларини яратганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
19. Партияning Интернетдан фойдаланиш қулайлигини таъминлаш кўрсатмаларининг АА даражасига жавоб берадиган қулай веб-сайти борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
20. Партияning босма сайлов материалларидан ўқилиши осон форматда фойдаланиш имконияти борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
21. Word, PDF, Excel форматларидағи ҳужжатлар ва бошқа электрон материаллар экрандаги матнни ўқиш дастуридан фойдаланадиганлар учун қулай тарзда яратилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
22. Сайлов кампаниясига оид видеолавҳаларга титрлар ва/ёки субтитрлар киритилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
23. Сайлов кампаниясига оид видеолавҳаларга аудио тавсифлар киритилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

	ХА	ЙҮК	Т/Э
24. Партия мажлислидаги нутқлар ва номзодлар ўртасидаги мунозараларда ногиронларга доир масалаларга мурожаат қилинадими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
25. Партия мажлислидаги нутқлар ва номзодлар ўртасидаги мунозаралар жонли аудитория орасидаги ногиронлар учун қулай бўлишини таъминлаш бўйича аниқ кўрсатмалар борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
26. Телевидение орқали олиб кўрсатиладиган тадбирлар (шу жумладан партия мажлислидаги нутқлар ва номзодлар ўртасидаги мунозаралар) ногиронлар учун қулай бўлишини таъминлаш бўйича аниқ кўрсатмалар борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
27. Партиянинг тадбирлари ўтказиладиган жойларда ногиронлар учун қулай шароитлар таъминланганини тасдиқлаш бўйича партия тартиб-қоидалари борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Шарҳлар: _____

Ички амалиётлар

	ХА	ЙҮҚ	Т/Э
28. Партия сайлов кампаниясига оид бўлган ва ногиронларга қулай тарзда яратилган материаллар ва ногиронлар учун мослаштирилган шароитлар қайси манбалардан молиялаштирилишини белгилаб олганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
29. Сайлов кампанияси ходимлари ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича маҳсус тайёргарликдан ўтганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
30. Сайлов кампанияси ходимлари ва кўнгиллilarни ишга ёллашда ногиронлар жамоалари ҳам сайлов кампаниясида иштирок этиш учун таклиф этилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
31. Сайлов кампанияси ходимлари ва кўнгиллilarдан ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш бўйича аниқ тартиб мавжудми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
32. Жамоатчилик аъзоларидан ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш бўйича аниқ тартиб мавжудми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

	ҲА	ЙҮҚ	Т/Э
33. Ходимлар ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича тайёргарликдан ўтганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
34. Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти томонидан ногиронлар учун яратилган шароитлар қулайлиги текширувининг ўтказилиши партиянинг режасида борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Шарҳлар: _____

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзивлигини таъминлаш бўйича парламентлар учун мўлжалланган назорат саволлар рўйхати

Мазкур назорат саволлар рўйхати парламентларга ўз фаолияти давомида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш имкониятларини аниқлашнинг тезкор усулини таклиф этади. Илтимос, бу фақат қўшимча манба эканини унутманг. У ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар ва НТларнинг кўрсатмалари ўрнини босиш учун мўлжалланмаган.

Кўрсатмалар

Парламент етакчилари ва/ёки ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича шериклар билан келишган ҳолда, ҳар бир саволга иложи борича “ҳа”, “йўқ” ёки “тегишили эмас” (Т/Э), деган жавобни беринг. Зарурият туғилганда, жавобларни аниқлаштириш учун ҳар бир бўлимга шарҳлар қўшилиши мумкин.

Иш якунида ҳар бир саволга берилган жавобни кўриб чиқинг. “Ҳа” жавоби мазкур йўналишда ногиронлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилганидан далолат беради. “Йўқ” жавоби ногиронлиги бўлган шахслар учун инклюзивлик ва/ёки қулай шароитларни такомиллаштириш учун яна имкониятлар борлигидан далолат. Парламентлар “йўқ” жавоби берилиши натижасида аниқланган имкониятларни амалга ошириш учун ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар ва НТ билан ҳамкорлик қилиши тавсия этилади.

Амалдаги қонунчиликни баҳолаш

	ҲА	ЙҮҚ	Т/Э
1. Мамлакат БМТнинг Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
2. Мамлакатда ногиронларнинг ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилган ва ҳимоя қилинадиган ҳеч бўлмаса битта қонун борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
3. Ногиронлиги бўлган шахслар муаммоларига алоҳида эътибор қаратадиган миллий сиёсий партия ва/ёки сайлов тўғрисидаги қонун борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
4. Сайлов ҳуқуқига доир миллий қонунчиликда ногиронлиги бўлган шахсларни бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин бўлган “лаёқатсизлик”, “касаллик”, “қобилиятсизлик” ва/ёки “лаёқат” иборалари борми, агар бўлса, улар бўйича аниқ тушунтиришлар берилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
5. Сайланиш ҳуқуқи тўғрисидаги миллий қонунчиликда ногиронлиги бўлган шахсларни бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин бўлган “лаёқатсизлик”, “касаллик”, “қобилиятсизлик” ва / ёки “лаёқат” иборалари борми, агар бўлса, улар бўйича аниқ тушунтиришлар берилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

	ҲА	ЙҮҚ	Т/Э
6. Ҳуқуқий лаёқати чекланган ногиронларга сиёсий жараёнларда иштирок этишга қонунан рухсат берилганим (масалан, овоз беришга)?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
7. Ногиронлиги бўлган кандидатлар учун қулай шароит яратишни молиялаштирувчи жамоат фондини тузишга асос бўлган миллий қонун, қарор, ҳаракатлар режаси ёки стратегия мавжудми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
1. Сиёсий партиялар ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш учун мўлжалланган жамғармани ташкил этиши мумкинлиги тўғрисидаги миллий қонун, қарор, ҳаракатлар режаси ёки стратегия мавжудми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
2. Номзодлар ёки сиёсий партиялар фойдаланиши мумкин бўлган ногиронларни қулай шароитлар билан таъминлаш учун мўлжалланган жамғарма йўқ бўлса, ногиронларни мослаштирилган шароитлар билан таъминлаш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш учун қўшимча маблағлар тўплаши лозим бўлган сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига ёрдам ва имтиёз бериш ёки молиялаштириш билан боғлиқ чекловларнинг олиб ташланишини назарда тутадиган қонунлар борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Шарҳлар: _____

Қонунчилік жараёни

	ХА	ЙҮҚ	Т/Э
8. Парламентда ногиронлар хуқуқларини муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланадиган ишчи гурұх ёки құмита борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
9. Яңги қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида парламент НТлар билан мунтазам равишида маслаҳатлашиб турадими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
10. Мамлакат жойлашған минтақада (масалан, Европа, Марказий Осиё) сиёсий партиялар ногиронлар учун инклюзивликни таъминлаши ва улар учун қулай шароитларни яратишига доир битим ёки стандарт борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
11. Мамлакат жойлашған минтақада (масалан, Европа, Марказий Осиё) парламентлар ногиронлар учун инклюзивликни таъминлаши ва улар учун қулай шароитларни яратишига доир битим ёки стандарт борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Шархлар: _____

Жамоатчилук билан алоқалар стратегияси

	ХА	ЙҮК	Т/Э
12. Парламентнинг ногиронлиги бўлган шахсларни ҳам қамраб олган жамоатчиллик билан алоқа стратегияси борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
13. Парламентнинг тарғибот-ташвиқот материалларига ногиронлиги бўлган эркак ва аёллар ифода этилган матн ва суратлар киритилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
14. Парламентнинг Интернетдан фойдаланиш қулайлигини таъминлаш бўйича кўрсатмаларнинг АА даражасига жавоб берадиган қулай веб-сайти борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
15. Парламентнинг тарғибот-ташвиқот материалларидан ўқилиши осон форматда фойдаланиш имконияти борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
16. Word, PDF, Excel форматидаги ҳужжатлар ва бошқа материаллар экрандаги матнни ўқиш дастуридан фойдаланадиганлар учун қулай тарзда яратилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
17. Парламент фаолиятига доир видеолавҳаларга титрлар ва / ёки субтитрлар киритилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
18. Парламент фаолиятига доир видеолавҳаларга аудио тавсифлар киритилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Шарҳлар: _____

Парламентга ташриф бујорувчилар ۋا парламент داستурلари

	ХА	ЙÜК	Т/Э
19. Парламент ўз биноларининг ногиронлар учун қулайлик шароитлари текширувини ўтказиш учун НТлар билан ҳамкорлик ўрнатганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
20. Агар қулайлик шароитлари текшируви ўтказилган бўлса, парламентнинг уларни такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш ва амалга ошириш учун аниқ режаси борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
21. Парламент биноларига экскурсия ёки ташрифларни амалга ошириш таклиф қилинганда, ташриф буюрувчилар сурдо таржимон сингари ногиронлар учун мослаштирилган шароитлар билан таъминлашни сўраб мурожаат қилиши ҳақида хабардор қилинадими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
22. Парламент фуқаролик ҳуқуқи, етакчилик, амалиётчилик ёки бошқа оммавий ўқув дастурларини қўллаб-қувватлар экан, мазкур дастурларга ногиронлиги бўлган шахсларнинг ариза бериши ва иштирок этишини фаол тарғиб қиласдими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Шарҳлар: _____

Ички амалиётлар

	ҲА	ЙҮК	Т/Э
23. Парламентнинг ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш сиёсати борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
24. Агар бундай сиёсат бор бўлса, депутатлар, парламентга ташриф буюрувчилар, парламент томонидан таклиф қилинган дастурлар қатнашчилари ва парламент ходимлари унинг доирасида қамраб олинганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
25. Агар ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш сиёсати бор бўлса, парламент ходимлари ва депутатлар у ҳақида хабардор қилинганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
26. Агар ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш сиёсати бор бўлса, у билан ўқилиши осон форматда, имо-ишора тилида, қулай PDF форматда ёки веб-саҳифа орқали танишиш имконияти борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
27. Парламент ходимлари ногиронлар ҳуқуқлари, шу жумладан уларга хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш бўйича тайёргарликдан ўтганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

	ҲА	ЙҮҚ	Т/Э
28. Ногиронлиги бўлган депутатлар, парламент ходимлари ва ташриф буюрувчиларни ногиронлар учун мослаштирилган шароитлар билан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган жамғарма борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
29. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш мезонлари депутатлар ва парламент ходимларига аниқ тушунтирилганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
30. Депутатлар ва парламент ходимларидан ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш бўйича аниқ тартиб борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
31. Жамоатчилик вакилларидан ногиронлар учун мослаштирилган шароитларни таъминлаш тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш бўйича аниқ тартиб борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
32. Парламентнинг иш сўраб мурожаат қилган малакали номзодларни уларнинг ногиронлиги туфайли дискриминация қилишни тақиқловчи сиёсати борми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
33. Ногиронлиги бўлган малакали эркак ва аёллар парламентга ишга жалб этиладими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Шарҳлар: _____

**Ногиронлар
фойдаланиши
учун қулай** Ногиронлиги бўлган шахс фойдаланиши ёки иштирок этиши учун қулай тизим, маҳсулот, хизмат ёки муҳит.

Аудио тавсиф Виделавҳада намойиш этилган мулоқот пайтида аниқ намоён бўлмаган визуал маълумотлар тасвирлаб берилган қўшимча овоз. Масалан, агар бир персонаж гапирмасдан, хона бўйлаб ҳаракатлаётган бўлса, аудио тавсифда “У ўрнидан туриб, эшик томон юрди” дейилиши мумкин.

Брайль ёзуви Қўл сезгиси орқали ўқиши имконини берадиган бўртиб чиқсан нуқталардан ташкил топган ёзув тизими. Брайль ёзуви, одатда, қофозга босиб тушириш йўли билан яратилиб, Брайль ёзувидан фойдаланувчилар учун айни пайтда янгиланадиган Брайль дисплейидан (шунингдек Брайль терминали сифатида танилган) фойдаланиш имконини берадиган янги технологиялар мавжуд. Кўриш қобилияти суст бўлганларнинг барчаси ҳам Брайль ёзувини ўқий олмагани боис ўз минтақангизда ёки мамлакатингизда Брайль ёзуви нақадар кенг тарқалганини аниқлаш учун шерик НТлар билан биргаликда ишлаш муҳим.

Титрлар	Кар ёки эшитиш қобилияти суст бўлган шахсларга гап нима ҳақида эканини тушунишга ёрдам бериш учун мўлжалланган экранда пайдо бўладиган матн. Титрлар ва субтитрлар ўртасида муҳим фарқ бор: субтитрлар фақат диалогларни ўз ичига олса, <i>титрлар</i> диалогларни ва қўнғироқлар жаранглаши, барглар шитирлаши ёки оёқ товушлари каби бошқа муҳим овозли маълумотларни тавсифлайди. Кар ва эшитиш қобилияти суст бўлган гуруҳлар вакиллари субтитрлар ўрнига титрларни афзал кўради. Титрлар ёки субтитрлар видеолавҳа ва теледастурлар учун олдиндан тайёрланади. Шунингдек, улар тадбирлар ёки нутқлар вақтида “жонли” тайёрланиши мумкин. Жойлашувига қараб, жонли титрлар, нутқни матнга айлантириш, транскрипция ёки жонли алоқага кириш (CART) сифатида маълум.
Ногиронлар ташкилоти	Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ногиронларнинг ва уларнинг оила аъзолари томонидан бошқариладиган ташкилот.

Үқилиши осон	Үқилиши осон форматларнинг мақсади үқилиши ва тушунилиши осон бўлган матнни тайёрлашдан иборат. Бу - саводхонлик даражаси паст ва ақлий имкониятлари чекланган катта ёшдагиларга фойда келтиради. Үқилиши осон ҳужжатларни яратишда ҳам мазмун, ҳам дизайнни ҳисобга олиш муҳим, негаки үқилиши осон ҳужжатларга, кўпинча, матн мазмунини тушунтиришга ёрдам берадиган фотосуратлар ёки расмлар киритилади. Сиёсий муассасалар үқилиши осон материалларни ишлаб чиқишида ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги тажрибали ташкилот билан ҳамкорлик қилиши тавсия этилади.
Сайлов органи	Сайловчилар хабардорлигини ошириш, уларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва/ёки овозларни ҳисоблаш каби сайловларнинг айrim ёки барча жараёнларини бошқариш учун масъул бўлган сиёсий холис ташкилот.
Инклюзивлик	Ногиронлиги бўлган шахслар ҳаётнинг барча жабҳаларида бошқалар билан тенг имкониятларга эга бўлиши ҳамда уларнинг ҳуқуқ манфаатлари бошқалар билан тенг ифодаланиши ва ҳимоя қилиниши.

Интеллектуал ногиронлик

Интеллектуал ногиронлик – ўрганиш ва билим олиш билан боғлиқ қиийинчиликларни келтириб чиқарадиган ҳолатлар. Агар шахснинг ўрганиш ва мослашувчанлик кўникмаларини ривожлантириш қобилияти ўртачадан паст даражада бўлса ва бу ҳолат болалик ёки ўсмирлик пайтидан бўён мавжуд бўлса, унда интеллектуал ногиронлик бор, деб ҳисобланади. Бунга Даун синдроми, ҳомиланинг алкоголли синдроми ёки (баъзи ҳолларда) аутизм мисол бўлади.

Жисмоний ногиронлик

Артрит, церебрал фалаж, склероз ёки ампутация каби ҳаракатчанлик ёки жисмоний ҳаракатланишга таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ҳолат. Бу турдаги ногиронлиги бўлган шахслар ногиронлар аравачаси, қўлтиқтаёқ ёки ҳаракатланиш скутери каби ҳаракатланишга ёрдам берувчи мосламалардан фойдаланади.

Ижтимоий-руҳий ногиронлик

Ижтимоий-руҳий ногиронлик - руҳий ёки ҳиссий саломатликка таъсир қиласидиган ҳар қандай ҳолат. Бунга хавотир, тушкунлик, агорафобия (жамоат жойларидан қўрқиш), маниакал-депрессив психоз, шизофрения ёки шикастланишдан кейинги стресс касаллиги кабилар киради.

Ногиронлар учун мослаштирил- ган шароитлар	Ногиронлиги бўлган шахс инсон ҳуқуқлари ёки асосий эркинликлардан фойдаланиш ва уларни амалга оширишда тенг имкониятларга эга бўлишини таъминлайдиган мослаштирилган воситалар ёки кўмак. Мослаштириш ёки кўмак оқилона даражада бўлиши ва хизмат кўрсатувчининг зиммасига ортиқча юк солмаслиги лозим. Бунга мослашувчан иш соатлари, матнни нутқقا айлантириб берадиган компьютер дастури, хизмат ити ёки сурдо таржимон кабилар мисол бўла олади.
Экрандаги матнни ўқиши дастури	Матнни нутқقا айлантириш дастури ҳам деб аталади. Фойдаланувчига экрандаги матнни ўқиб берадиган компьютер дастури. У веб-сайтларни, Word ва PDF форматдаги ҳужжатларни ҳамда бошқа рақамли босма ахборот материалларини ўқий олади, негаки улар матнни нутқقا айлантириш функциялари билан қўллаб-куватланган тарзда дастурланган. Аксарият ҳолатларда мазкур технологиядан кўриш қобилияти суст инсонлар фойдаланади.
Сенсорик қобилиятысиз- лик	Сенсорик ногиронлик - инсоннинг ҳис қилиш, хусусан әшитиш ёки кўриш қобилиятига таъсир қиласидиган ҳар қандай ҳолат. Бундай инсонлар сирасига кўзи ожиз, кўриш қобилияти суст (қисман кўрадиган), ранг ажратса олмайдиган, әшитиш қобилияти паст ёки кўр-кар шахслар киради.

Сурдо таржимон	Оғзаки нутқ билан имо-ишора тили ўртасида таржима қиласидиган маҳсус тайёргарликдан ўтган профессионал таржимон. Имо-ишора тиллари турфа хил бўлгани сабабли, маҳаллий карлар жамоалари ишлатадиган имо-ишора тил(лар)и билан таниш таржимонни танлаш муҳим. Интернет тезлиги етарли даражада бўлиб, видео қўнғироқ дастури воситасида таржима қилиш имконияти мавжуд бўлса-да, карлар жамоалари жонли таржимани афзал кўради. Теледастурлар ва реклама эълонларини ҳам сурдо таржима билан бериш мумкин. Одатда, таржимоннинг видеотасвири дастур кўрсатилаётган экраннинг пастки бурчагида жойлаштирилади.
Қарор қабул қилиш жараёнидаги кўмак	Ногиронлиги бўлган шахс ўз ҳаётига алоқадор бўлган қарорларни қабул қилиш жараёнида ўзи танлаган ва ишонган одамларнинг кўмагидан фойдаланиши. Мазкур усул инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувга зид бўлган <i>ногироннинг ўрнига қарор қабул қилиш</i> , яъни ногиронлиги бўлган шахс ўрнига унинг қонуний вакили томонидан қарор қабул қилинишидан фарқ қиласиди.
Тактиль формати	Бўртиб чиққан ҳарф, шакл ёки белгилар. Тактиль катта ҳажмли матнлар учун тўғри келмайди (Унинг ўрнига Брайль ёзуви ёки аудио форматлардан фойдаланган маъқул). Бироқ, тактиль формати белгилар ёки хариталар каби бошқа визуал маълумотлар учун самарали бўлиши мумкин.

Матнни нутқقا “Экрандаги матнни ўқиш дастури”га қаранг.
айлантириш

**Стенограмма-
лар** Аудио ёзувнинг ёзма шакли.
Стенограммаларда доимо ким гапираётгани кўрсатилади. Орқа фондаги шовқин ва овоз эфектлари бўлса - улар ҳам кўрсатилиши лозим.

Универсаллик Махсулотлар, хизматлар, муҳит ва шароитларнинг ёши, ногиронлиги ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар барча учун мослиги.

Фойдаланилган агадиётлар рўйхати

ЕКПАнинг Тенглик ва камситилмаслик масалалари бўйича қўмитасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий ҳуқуқлари: демократия масаласи” ҳисоботи, Страсбург, 2015 йил: <<http://www.assembly.coe.int/nw/xml/XRef/Xref-DocDetails-EN.asp?fileid=22226&lang=EN>>.

Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг (2011)14-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки тўғрисида”ги тавсияси, 2011 йил 16 ноябрь, <[https://search.coe.int/cm/Pages/result_details.aspx?Reference=CM/Rec\(2011\)14](https://search.coe.int/cm/Pages/result_details.aspx?Reference=CM/Rec(2011)14)>.

Европа кенгаши Иинсон ҳуқуқлари бўйича комиссарининг “Ким қарор қабул қиласиди? Интеллектуал ва ижтимоий-руҳий ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати” деб номланган хужжати (2012 йил) <https://rm.coe.int/16806da5c0>

Европа Кенгаши Парламент ассамблеясининг 2039 (2015)1-сон Ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларни тенг равишда қамраб олиш тўғрисидаги резолюцияси, 2014 йил 12 декабрь, <http://www.assembly.coe.int/nw/xml/XRef/Xref-DocDetails-EN.asp?FileID=21339&lang=EN>

Озчиликлар масалалари бўйича Европа маркази (ECMI), Майкл Шпорлюк, Ҳатто сояда ҳам йўқ: Рома ногиронлари қаерда? (2016 йил), <http://www.ecmi.de/uploads/tx_ifpubdb/ECMI_Study__8_final.pdf>.

Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича агентлиги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқи: Инсон ҳуқуқлари кўрсаткичлари”, (Вена, 2014 йил), <<http://fra.europa.eu/en/publication/2014/right-political-participationpersons-disabilities-human-rights-indicators>>.

Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси ва Миллий демократик институт: “Имкониятлардан фойдаланиш тенглиги: ногиронлиги бўлган шахсларни сайлов ва сиёсий жараёнларга қай тарзда жалб қилиш лозим” (Вашингтон, 2014 йил), 34-бет <<https://www.ifes.org/publications/equal-access-how-include-persons-disabilities-electionsand-political-processes>>.

Демократия ва сайловларни ўтказишга кўмаклашиш халқаро институти, Сайловни бошқариш тузилмаси (Стокгольм, 2014 йил), <<https://www.idea.int/sites/default/files/publications/electoralmanagement-design-2014.pdf>>.

ЕХХКнинг Инсон ҳуқуqlари бўйича конференцияси доирасидаги ЕХХТнинг Москва мажлиси ҳужжати, Москва, 1991 йил 3 октябрь, <<https://www.osce.org/odihr/elections/14310>>.

ЕХХТ Вазирлар кенгашининг 16-мажлисидаги ЕХХТ якуний ҳужжати, Хельсинки, 2008 йил 4-5 декабрь, <https://www.osce.org/mc/36545>

ЕХХТ Вазирлар кенгашининг 7/09-сон “Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки тўғрисида”ги қарори, Афина (2009 йил). <<https://www.osce.org/mc/40710?download=true>>.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуqlари бўйича бюроси (ДИИХБ), “Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солиш бўйича кўрсатмалар” (Варшава, 2011 йил май), <<https://www.osce.org/odihr/77812>>.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуqlари бюроси (ДИИХБ), ЕХХТ минтақасида аёлларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш бўйича илфор амалиётлар тўплами (Варшава, 2016 йил), 32-бет, <<https://www.osce.org/odihr/224206>>.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ), Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловлардаги иштирокини кузатиш ва кўмаклашиш бўйича қўлланма” (Варшава, 2017 йил сентябрь), <<https://www.osce.org/odihr/elections/339571>>.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ), “Ногиронлиги бўлган шасхлар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш” (Варшава, 2017 йил сентябрь), <<https://www.osce.org/odihr/340246>>.

ЕХХТ Парламент ассамблеясининг Берлин декларацияси, Берлин, 2018 йил 7-11 ноябрь, <<https://www.osce.org/meetings/annual-sessions/2018-berlin-annualsession>>.

ЕХХТ/ДИИХБ, “ЕХХТ минтақасида ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига кўмаклашиш ва фаоллигини ошириш”, (Варшава, 2014 йил), 17-18-бетлар, <https://www.osce.org/odihr/155691?download=true>>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бosh Ассамблеясининг 70/1-сон резолюцияси, “Дунёмизни ўзгартериш: 2030 йилгача Барқарор ривожланиш дастури” 2015 йил 25 сентябрь, <http://www.un.org/ga/search/view_doc.asp?symbol=A/RES/70/1&Lang=E>.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси; Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 1966 йил 16 декабрь, <<http://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/ccpr.aspx>>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 5-Барқарор ривожланиш мақсади (2015 йил), <<https://www.un.org/development/desa/disabilities/envision2030-goal5.html>>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 10- Барқарор ривожланиш мақсади (2015 йил), <<https://www.un.org/development/desa/disabilities/envision2030-goal10.html>>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, 1-модда, 2006 йил 13 декабрь. <<https://www.un.org/development/desa/disabilities/convention-on-the-rights-of-persons-with-disabilities.html>>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси, 1948 йил 10 декабрь, <<http://www.un.org/en/universal-declaration-human-rights>>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, НШҲК қўмитаси 1-Умумий изоҳининг 12-моддаси: Қонун олдида тенг тан олиниш, 2014 йил 19 май, 48-банд, <<https://www.ohchr.org/en/hrbodies/crpd/pages/gc.aspx>>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, НШҲК қўмитасининг ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган болаларнинг ўз вакиллик ташкилотлари орқали Конвенциянинг амалга оширилиши ва мониторингида иштироки тўғрисидаги 7-сон Умумий изоҳи, 2018 йил 9 ноябрь, <<https://www.ohchr.org/en/hrbodies/crpd/pages/gc.aspx>>.

БМТнинг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича бошқармаси, Бутунжаҳон ёшлар ҳисоботи (БМТ, 2016 йил), 63-64-бетлар, <<https://www.un.org/development/desa/youth/world-youth-report.html>>.

“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловларда иштирок этишига доир сайлов масалалари бўйича мақбул амалиёт кодексига Венеция комиссиясининг қайта кўриб чиқилган ва изоҳланган декларацияси” (2011 йил) ушбу ҳавола орқали [http://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD\(2011\)045.aspx](http://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD(2011)045.aspx)

“Ногиронлик түррисидаги жаҳон ҳисоботи”, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (2011 йил), <http://www.who.int/disabilities/world_report/2011/report/en/>.